



Муяссар Мирзахидова

ЎЗБЕК ТИЛИ

5-синф

Ўқитувчилар учун методик қўлланма

Бишкек – 2018

УДК 372.8
ББК 74.261.5
М 63

Мирзахидова Муяссар

М 63 **Ўзбек тили:** Умумтаълим мактабларининг 5-синф ўқитувчилари учун методик қўлланма. – Б.: Аркус, 2018. – 160 б.

ISBN 978-9967-31-759-8

Қўлингиздаги ушбу методик қўлланма Қирғизистондаги ўзбек мактаблари учун «Дарсликлар яратиш маркази» томонидан тайёрланди. Қўлланма борасидаги фикр ва мулоҳазаларингизни «Марказ» маъмуриятига ёзма равишда билдиришингизни илтимос қиламиз.

*Бизнинг манзил: Ўш шаҳри,
Г. Айтиев кўчаси, 25 уй*

М 4306010300–18

**УДК 372.8
ББК 74.261.5**

ISBN 978-9967-31-759-8

© Мирзахидова М., 2018
© «Аркус напирёти», 2018
© ҚР. Таълим ва фан вазирлиги, 2018
© Дарсликлар яратиш маркази, 2018

Кириш

Қирғизистоннинг таълим ўзбек тилида юритиладиган ўрта умумтаълим мактабларида янги стандарт асосида барча фанларни, жумладан, ўзбек тили дарсларини ўқитиш олдига янги вазифаларни қўйди. Таълим ва тарбия ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларнинг V-XI синфлари учун «Ўзбек тили» фани бўйича тақдим этилган дастур ўқувчи шахсига янгича ёндашиш концепциясига асосланган бўлиб, янги стандарт асосида ўзбек тили ўқитишни тубдан яхшилаш учун самарали янги метод ва воситаларидан тўлақонли фойдаланишни талаб этади.

Ушбу методик қўлланма ўрта умумтаълим мактабларининг 5-синфи учун тузилган «Ўзбек тили» дарслигига (муаллифлар: Мирзахидова М. И., Абулкосимова Х., Халмуратова М.) уйғун тарзда ёзилган бўлиб, ўқитувчиларни дарсликнинг тузилиши, ўрганиладиган материаллар тизими билан таништиради (Қуйида дарслик асосида тузилган календар-тематик режа –ўқув материалининг тахминий режаси; таълимнинг кутилган натижалари ва индикаторлар намунаси, таълим натижалари берилган).

Қўлланма янги дастур олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли амалга оширишда талаб этиладиган янги методларни танлашда ўқитувчиларга маълум даражада ёрдам беришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Қўлланма янги стандарт, янги дастур асосида тузилган «Ўзбек тили» дарслиги билан ишлаш, ундаги назарий ва амалий материалларнинг берилишини тушуниб етиш ҳамда дарслик билан ишлаш бўйича фойдали усулларни эгаллашда ёрдам беради.

Мазкур қўлланмада ҳар бир бўлимга оид материалларни ўрганиш юзасидан методик мулоҳазаларни беришдан олдин шу мавзулар бошланғич синфда қай даражада ўрганилганлиги изоҳланади. Қўлланмада 5-синф учун ўқув йили давомида ўрганиладиган грамматик қоидалар, имло ва матн билан ишлаш усуллари, боғланишли нутқни ўстириш материаллари дарсларга тақсимланган. Берилган дарслар ишланмасида ўзбек тили фани олдига қўйилган вазифаларга, лингвистик билимлар беришга, ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстиришга, тафаккурни ривожлантиришга аҳамият берилади. Янги мавзу билан ўтилган мавзунини боғлаб олиб бориш, машқ ва топшириқларни бажариш усулларини кўрсатиб бериш ва синов саволлари, расмий хужжатларни тузиш, иншо ва диктантларни ҳар чоракда ва мавзудан кейин ўтказиш зарурлиги белгиланади. Ёзма ишлар таҳлили ва хатолар устида ишлаш дарсининг намунаси берилади.

Ҳар бир ўқитувчи қўлланма муаллифлари тавсия этган кўрсатмаларга ўз иш тажрибаларига асосланиб ҳамда ўқувчилар имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ижодий ёндашиши ва ўзгартишлар киритиши мумкин.

Ўзбек тили ўқитишнинг умумдидактик ва ўзига хос принциплари (тамойиллари)

Принцип (тамойил) (лотинча *principium*) асос, қоида, талаб каби маъноларни билдиради. Ўқитиш принципи деганда дарс самарадорлигини таъминлашга қаратилган, таълим жараёнини ташкил этиш, уюштиришга қўйилган асосий талаблар, қоидалар тушунилади.

Ўзбек тили дарсларида умумдидактик таможиллар ҳамда шу фанни ўқитишнинг ўзига хос таможилларини ҳисобга олишга тўғри келади.

Умумдидактик таможиллар:

- ўқитишнинг болага маълумот бериш, тарбиялаш ва ривожлантиришга қаратилганлиги;
- ўқитишнинг илмийлиги ва тушунарлилиги;
- системалилик ва изчиллик;
- назария билан амалиётнинг узвий алоқаси;
- онглилик, фаоллик ва мустақиллик;
- кўрсатмалилик;
- ўқувчиларга яқка ҳолда муносабатда бўлиш ва бошқ.

Ўзбек тили ўқитишда умумдидактик таможиллар билан бир қаторда ўзига хос таможиллари мавжуд:

- ўзбек тили фанини ўқитиш орқали ўқувчилар тафаккурининг ўсишига эришиш принципи;
- ўзбек тилини ўқитишда мавзулараро, бўлимлараро ва фанлараро боғланишга қатъий амал қилиш принципи;
- ўқувчиларнинг тил қоидаларини ажратишга ўргатиш принципи;
- ўзбек тилини ўқитиш орқали ўқувчиларнинг нутқ малакаларини мустаҳкамлаш ва тил сезгирлигини ошириш принципи ва бошқ. Мактабда ўзбек тили ўқитишнинг бу ўзига хос принциплари умумдидактик принциплар билан билан боғланиб, ўзбек тили дарслари самарадорлигини таъминловчи асосий талаблар тизимини вужудга келтиради.

Юқорида таърифланган таълим принциплари бир-бири билан чамбарчас боғланган, бир-бирини тўлдирадиган методик талаб бўлиб, уларга қатъий амал қилиш дарс самарадорлигини ошириш, ўқувчиларни замон

талабида пухта билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантиришга эриштиради.

Қуйида биз таълимий жараёни уюштиришга бўлган талаблар ҳамда ўқитишга сабаб бўладиган қулай муҳитни яратишнинг янги йўналишларини сиз – ўқитувчилар ҳукмига ҳавола этмоқдамиз. Ўйлаймизки ушбу ўқитишнинг интерфаол усуллари она тили дарсларини ўтишда Сизларга янги қурол бўла олади.

Ўқитишнинг асосий усуллари. Коммуникатив-фаолият муносабати ўқувчиларни интерфаол ўқиш орқали нутқий мулоқотнинг узлуксиз занжирига жалб этишни кўзлайди. Бу таълим жараёнини махсус уюштиришни ва таълим шароитини яратишни талаб этади. Унда ўқувчилар дарсда бошқа ўқувчилар ва ўқитувчи билан ўзаро ҳаракат жараёнида ўзини, жамият, умуман оламни билишнинг таниш усуллар тизимини эгаллайди ҳамда предмет ва асосий компетентларни эгаллашдаги ривожланишнинг шахсий траекториясини тузади.

Интерфаол ўқитиш барча таълимий муҳит каби (кўп қиррали мулоқот, қулай руҳий шароит, ўқув маконини махсус ташкил этиш) бевосита қўлланувчи усуллар билан ҳам берилади.

Ташкил этилган усуллар таснифи асосида ўқувчиларнинг предмет ва асосий компетентликларини шакллантирилишини таъминлайдиган ўқув-билиш фаолияти ётади:

- Ўйчан ўқиш малакаларини ривожлантиришга йўналтирилган усуллар.

- Ёзма нутқни ривожлантирувчи усуллар.
- Таққослаш ва қиёслаш усуллари.
- Ўқувчиларнинг тадқиқотчилик фаолият усуллари.
- Ҳамкорликда ўқитиш усуллари.

1. Ўйчан ўқиш малакаларини ривожлантиришга йўналтирилган усуллар. Бу усуллар матн билан ишлашга бўлган янги муносабатларни беради ва барча ўқувчиларни ўқитиш жараёнига жалб этишга, ўрганилаётган мавзуга бўлган қизиқишни ошириш, фикрлаш фаолиятини фаоллаштиришга ёрдам беради.

- Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин: ИНСЕРТ, икки қисмли кундалик, ўқиш ва жуфтликда жамлаш, БИО, чалкаштирилган мантикий занжир ва б.

2. Ёзма нутқни ривожлантириш усуллари. Шахсий матнни яратиш бўйича турли хил ишлар ўқувчиларда англашнинг ўзгача кенглигини ишлаб чиқади. Уларни янада қузатувчан қилади, ўз шахсий нуктаи

назарини, ёзув услубини топишга ёрдам беради, шахсий фикрлар ва тажрибасини хурмат қилишни ривожлантиради.

- Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин: РАФТ, беш-ўн минутли эссе, иншо элементлари билан баён ёзиш, аргументли эссе ва б.

3. Такқослаш ва қиёслаш усуллари. Бу усуллар маълумотни тасниф қилиш, баҳолаш, системалашга имкон беради. График ташкилотчиларни қўллашда (махсус схемалар, графиклар, айланалар, жадваллар) ўрганилаётган предметларнинг ўхшашликлари ва тафовутлари ҳақида кўргазмали тасаввур беришга имкон беради.

- Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин: Венн диаграммаси, концептуал жадвал, Т-схема, категориал шарҳ ва б.

4. Ўқувчиларнинг тадқиқотчилик фаолият усуллари. Она тили дарсларида ўқувчиларни тадқиқотчилик фаолиятига жалб этиш: муаммони қўйиш, ечиш усулларини аниқлаш, фаолият усулларини танлаш, қўтилган натижаларни шакллантириш, ҳақиқий натижаларни ва ўз-ўзини таҳлилни тақдим этиш.

- Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин: лойиҳалар усули, ҳужжатли манбалар тадқиқоти усули, муҳим маълумотларни олиш ва йиғиш, интервью, портфолио, концепциялар харитаси ва бошқалар.


5. Ҳамкорликда ўқитиш усуллари. Бу усуллар ўқувчиларга маълумот билан ўзаро алмашишни ўргатишга имкон беради, гуруҳда ўзаро ҳаракат қилиш кўникмаларини олишга, командада қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун, ўз нуктаи назарини далиллаш, хушмуомалалик билан мунозарани юритишга имкон беради.

Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин: ақлий ҳужум, жуфтликда ва кичик гуруҳдаги иш, мозаика, мунозаранинг ҳар хил тури (ҳамкорликда излаш, бурчаклар, охириги сўзни ўзимда колдиринг, стол ўртасидаги ручка) ва б.

Ресурсларни таъминлашга бўлган талаблар

Билим беришнинг янги фалсафаси янги, алоҳида эътиборни ўз олдига қўйиши ҳозирги таълим жараёнининг долзарб мавзуларига айланиб бормоқда. Таълим ва ўқишга янгича ёндашиш мақсадли ўқитиш ва режалаштиришга мувофиқ яққол кўринадиган жараёндир. Буни қуйидаги схемада яққол кўриш мумкин.

Схема 1. Таълим мақсадини қуйидагича тасаввур этиш мумкин:



Мазкур жараёнда боланинг нуткий, тилшуносликка оид, маданият-шусосликка оид компетентликларини ривожлантириш, ўқув материалининг самарали натижалари қандай ресурслар ёрдамида сингдирилишига боғлиқ.

Ўқувчи кўриш, тинглаш, ушлаб кўриш, тажрибада қўлаб кўриш ёрдамида предмет ҳақидаги тасаввурларни тезроқ англайди, у ҳақда фикрлайди, хулосалар беради.

Ўқувчининг кўриш кўникмалари иллюстрациялар, диафильм, портрет, пейзаж, жадваллар орқали ривожланади.

Аудио ёзувлар, магнитофонлар, телефонлардаги музыкалар орқали унинг ижодкорлик лаёқати шаклланиши ва ривожланиши мумкин.

Тажрибалар юритиши, ушлаб кўриши, қўлаб кўриши туфайли ўқувчида ассоциациялаш (ўхшатиш), таккослаш, таҳлил қилиш, жонлантириш, оқлаш ёки қоралаш каби кўникма ва малакалар ўсади. Ўқувчи ўз ишининг натижасини кўрганида масъулият, шу ишнинг муаллифлиги, ихтирочилигига нисбатан туйғулари колипланади ва келажакда ўз ўрнини топишга бўлган ишончи янада ортади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган мазмуний йўналишлардаги бўлимлар характеридан келиб чиққан ҳолда ўқувчиларда кўникма ва малакаларни ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи ресурсларни 5 турга бўлиш мумкин:

1. Кўришга мўлжалланган – видео кассеталар, слайдлар, DVD дисклар, расмлар (портрет, пейзаж, интерьер (бино ёки хонанинг ташқи кўриниши, жиҳози), экстерьер (хайвонларнинг ташқи кўриниши)), жадваллар ва ш.к.

2. Эшитишга мўлжалланган – аудио кассеталар, уяли телефонлардаги мусикалар, магнитофон ленталарига ёзилган машҳур актёрлар овози билан айтилган эртаклар, шеърлар, ашулалар ва ш.к.

3. Ёзишга мўлжалланган – тест-карточкалар, тестлар, эсселар, турли услубда, турли матбуот ва бадий асарлардан олинган матнлар, мактублар, баён, иншо, диктанлар ва ш.к.

4. Тадқиқ қилишга мўлжалланган – лойиҳалар, тажрибалар, изланишлар, луғатлар, энциклопедиялар ва ш.к.

5. Сўзлашга мўлжалланган – тақдимотлар, сахна кўринишлари, гуруҳдаги ишлар, бадий асарлар ва б.к.

Ўқитувчи ривожланиш ва янгилекларни севган ва шунга интилган ақл кишилари ҳисобланади. Юқорида айтилган фикр ва таклифлар ижодий ёндашишни талаб қилган ресурслардир. Шунинг учун Меъёрий

Миллий Стандартга киритилган, ресурсларга бўлган талаблар ҳар бир ўқитувчидан ижодкорликни талаб қилган зарур манбалардир.

Предмет компетентликларни ривожлантиришда аудиторияда турли шаклда парта ва стулларнинг жойлаштирилиши турли метод ва стратегияларнинг мазмунига самарали таъсир кўрсатиши инобатга олиниши муҳим. Муаллиф учун аталган стул, парталарнинг П шаклида қўйилиши, жуфтлик, гуруҳда ишлаганда ўқувчилар бемалол силжишларига шароит яратилиши, диалог тузишда, муҳокамали мавзулар ёритилганда доира шаклида туриш учун кенгликнинг яратилиши ресурсларни таъминлашга бўлган зарур шартлардан биридир.

Ўргатувчи ўзининг педагогик мақсадини ўқувчилар мақсади билан мослаштиради. Мақсад кўзлашда ўқишнинг мазмуни, методлар ва ундан сўнг ресурслар ҳисобга олинади.

Ўқувчиларнинг дарсадаги материалларни ўзлаштириши таълим ресурсларининг танланишига боғлиқ. Ўқув жараёнини уюштиришнинг у ёки бу ресурсларига боғлиқ бўлган билимлар ўзлаштирилишининг тақсимланиш суръатини берувчи ўқитиш пирамидасига эътиборни қаратиш зарур:

– Агар дарс монотон маъруза (ўқитувчининг монологи) билан яқунланса, бундай дарс ўқувчида фақат 5% га эсда қолиши мумкин.

– Агар бундай дарс мустақил ўқиш билан бирга олиб борилса 10%, аудио-видео ёрдамида бўлса 20%, маълум бир стратегия, усуллар, эсселар, сахна кўринишлари кўрсатилса 30%, мавзу кичик гуруҳларда муҳокама тарзида ёритилса 50%, берилган муаммо амалиёт билан узвий боғлиқликда олиб борилса 75%, бошқалар ўқитилса (ўқувчини ўқувчи ўқитса) 90% натижа беришини тадқиқотлар кўрсатган. Шунингдек, бу нарса ўқитувчининг ҳам муваффақияти бўлиши шубҳасиздир.

Ўқув материалининг тахминий режаси
5-синфнинг календарь режаси
Нутқда сўз
(Қуйи синфда ўтилганларни такрорлаш ва мустаҳкамлаш)
Ўқув-тематик режа

№ бўлим	Мундарижа	Дарс соати	Назорат ишлари миқдори
1	Кириш. 4-синфда ўтилганларни такрорлаш. Тил билими ҳақида	5 соат	
2	Матн	5 соат	
3	Нутқда гап	23 соат	
4	Сўз ва унинг товуш қобиғи	16 соат	
5	Сўз ва унинг лексик маъноси	8 соат	
6	Сўз ясалиши	5 соат	
7	Сўз сўз туркуми сифатида. Мустақил сўз туркумлари	37 соат	
	Сўз ва унинг грамматик маъноси	1 соат	
	От сўз туркуми	16 соат	
	Сифат сўз туркуми	9 соат	
	Феъл сўз туркуми	11 соат	
8	5-синфда ўтилганларни такрорлаш	3 соат	
	Жами	102 соат	

Календарь-тематик режа

№	Дарс мавзуси	Дарс соат-лари	Баҳолаш шакл-лари	Муддати	Ресурслар
I чорак, 42 соат					
Тил ва жамият. Матн (10 соат)					
1	Кириш. 4-синфда ўтилганларни так-рорлаш	1			
2	Тилнинг жамиятдаги роли. А.Навоийнинг миллий тилнинг ривожланишига қўшган ҳиссаси.	1			А.Навоий-нинг «Муҳока-матул луғотайн» асари
3	Китоб билан ишлаш маданияти. Ўзбек ти-лининг гўзал, ифода-ли ва эстетик имко-ниятлари.	1			Мактаб кутубхона-сига ташриф буюриш
4	Нутқ шакллари. Оғзаки ва ёзма нутқ.	1			Диктантлар тўплами
5	Матн. Асосий фикр. Сарлавҳа	1			Турли манба-лардан олин-ган матнлар
6	Таянч сўзлар. Сатр боши матн бўлаги сифатида. Оддий режа.	1			Бадиий китоблар
7	Матн турлари: ривоя, тасвир, муҳокама ва унинг асосий хусу-сиятлари	2			Турли матнлардан лавҳалар

8	Баён-эссе. «Мен нима учун таътилни ёқтираман?», «Ким бўлишни хоҳлайман ва нима учун?»	2			Жадвал, карточкалар, слайдлар
Нутқда гап (23 соат)					
9	Сўз бирикмаси ва унинг турлари.	1			Жадвал, слайдлар
10	Гап. Гапнинг ифода мақсадига кўра турлари. Дарак гап	1			Карточка, тестлар
11	Сўроқ гап	1			Турли манбалардан олинган матнлар
12	Буйруқ гап.	1			Бадий китоблар
13	Истак гап	1			Турли матнлардан лавҳалар
14	Ҳис-ҳаяжон гаплар	1			Жадвал, карточкалар, слайдлар
15	Текширув диктанти	1			Жадвал, слайдлар
16	Гап бўлаклари Гапнинг грамматик асоси. Бош бўлақлар. Кесим	1			Карточка, тестлар Жадвал, карточкалар
17	Эга	1			Бадий китоблар
18	Гапнинг иккинчи даражали бўлаклари. Тўлдирувчи	1			
19	Аниқловчи. Изоҳловчи	1			
20	Ҳол	1			
21	Текширув диктанти	1			

22	Содда ёйиқ ва содда йиғиқ гаплар	1			Жадвал, карточкалар, слайдлар
23	Уюшиқ бўлакли гаплар	1			
24	Уюшиқ бўлақларда тиниш белгиларининг ишлатилиши	1			
25	Ундалма ва унда тиниш белгиларининг ишлатилиши	1			
26	Кириш сўзлар ва уларда тиниш белгилар	1			
27	Гапнинг тузилиш жиҳатдан турлари	1			
28	Қўшма гапда тиниш белгилар	1			
29	Диалог ва унда тиниш белгиларининг қўлланилиши. Этикетли диалог	1			
30	Кўчирма гап	1			
31	Текширув диктанти	1			
Сўз ва унинг товуш қобиғи. Фонетика (16 соат)					
32	Нутқ товушлари ва уларнинг хосил бўлиши	1			Алфавит
33	Унли ва ундош товушлар	1			Тест тўпламлари
34	Жарангли ва жарангсиз ундошлар	1			Алфавит
35	Бўғин. Бўғин турлари	1			Магнитофон
36	Урғу. Урғу турлари	1			Диктантлар тўплами
37	Графика. Ёзувда товушларнинг белгиланиши. Алифбо	1			Алфавит

38	Текширув диктанти	1			
39	<i>и</i> ва <i>у</i> унлиларининг айтилиши ва ёзилиши	1			Турли хил луғатлар
40	<i>а</i> , <i>о</i> ва <i>ў</i> унлиларининг айтилиши ва ёзилиши.	1			
41	э унлисининг айтилиши ва ёзилиши	1			
42	<i>е</i> , <i>ё</i> , <i>ю</i> , <i>я</i> ҳарфларининг ишлатилиши	1			
43	Айрим ундош товушларнинг ёзувда ифодаланиши	1			
44	Айриш ва юмшатиш белгиларининг ишлатилиши	1			
45	Орфоэпия. Орфография	1			Луғатлар
46	Нутқ маданияти	1			
47	Текширув диктанти	1			Диктантлар тўплами
Сўз ва унинг лексик маъноси II чорак, (8 соат)					
48	Лексикология. Сўз. Сўзнинг луғавий (аташ) маъноси	1			
49	Кўп маъноли ва бир маъноли сўзлар	1			Магнитофон, телевизор
50	Сўзнинг ўз ва кўчма маънолари	1			
51	Омоним (шаклдош) сўзлар	1			
52	Синоним (маънодош) сўзлар	1			Синонимлар луғати
53	Антоним (зид маъноли) лар	1			Антонимлар луғати
54	Паронимлар (талаффуздош сўзлар). Уядош сўзлар	1			

55	Текширув диктанти	1			
Сўз ясалиши (5 соат)					
56	Морфема –сўзнинг маъновий бўлаги. Ўзак (асос) хақида маълумот	1			Жадвал, карточкалар, слайдлар
57	Қўшимчалар ва уларнинг турлари. Сўз ясовчи қўшимчалар	1			Жадвал, слайдлар
58	Шакл ясовчи қўшимчалар.	1			Карточка, тестлар
59	Сўз яшаш усуллари	1			Жадвал, карточкалар
60	Сўзларнинг тузилиш жиҳатидан турлари: содда, қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар	1			Турли манбалардан олинган матнлар
Сўз сўз туркуми сифатида. Муस्ताқил сўз туркумлари. (37 соат) От сўз туркуми 16 соат.					
61	Сўз ва грамматик маъноси От- сўз туркуми	1			Бадий китоблар
62	Отларнинг маъно жиҳатдан турлари. Атоқли отлар. Турдош отлар	1			
63	Аниқ (конкрет) ва мавҳум (абстракт) отлар	1			Жадвал, карточкалар, слайдлар
64	Якка ва жамловчи отлар	1			Жадвал, слайдлар
65	Расм асосида иншо. «Сулаймон тоғи» сурати.	2			Расм
66	Отларда сон	1			Турли манбалардан олинган матнлар

67	Отларда эгалик қўшимчалари ва уларнинг ёзилиши	1			Бадий китоблар
68	Отларнинг турланиши. Келишак шакллари. Бош келишак	1			Турли манбалардан олинган матнлар
69	Қаратқич келишиги ва унинг ёзилиши	1			Турли матнлардан лавҳалар
70	Тушум келишиги ва унинг ёзилиши	1			Жадвал, карточкалар, слайдлар
71	Жўналиш келишиги ва унинг ёзилиши	1			Жадвал, слайдлар
72	Текширув диктанти	1			Диктантлар тўплам
73	Ўрин-пайт келишиги ва унинг ёзилиши	1			Карточка, тестлар
74	Чиқиш келишиги ва унинг ёзилиши	1			Жадвал, карточкалар
75	Тест-синов топшириқлари. От сўз туркуми юзасидан савол ва топшириқлар	1			Тест топшириқлар тўплами
Сифат сўз туркуми (7 соат)					
76	Сифат – сўз туркуми. Сифатларнинг лексик ва грамматик маъноси	1			Турли манбалардан олинган матнлар
77	Аслий ва нисбий сифатлар	1			
78	Сифат даражалари	3			

79	Сифатларнинг тузилишига кўра турлари. Содда, кўшма, жуфт ва такрорий сифатлар	1			
80	Сифатларнинг отлашуви	1			
81	Сифатларнинг ясалиши Сифат ясовчи кўшимчалар ва уларнинг имлоси	1			
82	Текширув диктанти	1			
Феъл сўз туркуми (11 соат)					
83	Феъл – сўз туркуми. Феълнинг ноаниқ шакли	1			
84	Бўлишли ва бўлишсиз феъллар	1			
85	Феълларнинг тусланиши	1			
86	Феъл замонлари Ўтган замон феъли	1			
87	Ҳозирги замон феъли	1			
88	Келаси замон феъли	1			
89	Феълларнинг ясалиши	1			
90	Феъл сўз туркуми юзасидан тест-синов саволлари. Такрорлаш учун савол ва топшириқлар	1			
91	5-синфда ўтилганларни такрорлаш	3			
	Жами:	102			

		Максад ва индикаторлар		
		1-даража	2-даража	3-даража
№	Мазм. йўнал.			
1	Нутқда магн	<ul style="list-style-type: none"> • Магн белгиларини айтади • Ўқув матнининг структуравий қисмларини айтади • Ўқув матни мавзусини айтади • Магн барча турларининг белгиларини айтади • Ўрганилган нутқ услубларининг белгиларини айтади. 	<ul style="list-style-type: none"> • Матнни магн бўлмагандан фарқлайди • Ўқув матнининг структуравий қисмлари, асосий маъносини, асосий ва иккинчи даражали маълумотни ажратади • Ўқитувчи раҳбарлигида ўқув матнининг турини яратади • Ўқитувчи раҳбарлигида ўқув матнининг турини аниқлайди • Ўқитувчи раҳбарлигида нутқнинг сўзлашув ва китобий услубларини фарқлайди 	<ul style="list-style-type: none"> • Нотаниш матннинг асосий маъноси, структуравий қисмлари, асосий ва иккинчи даражали маълумотларни ажратади • Нотаниш матннинг содда режасини мустақил яратади • Нотаниш матннинг турини мустақил аниқлайди • Нутқнинг сўзлашув ва китобий услубларини мустақил фарқлайди
2		5.1.2.1. Магн структураси, унинг тур ва услублари (сўзлашув, илмий ва бадий) ўқув дастурлари томонидан берилган жанрлар доираси ҳақидаги оғзаки ва ёзма нутқни қўллайди.		
		<ul style="list-style-type: none"> • Китобий услубдаги таклиф қилинган матнларни мазмунини мувофиқ бўлган лексика ва жанр спецификасини сақлаш билан айтиб бера олади • Намунага қараб шакли ўзгартirilган матнни такомиллаштиради 	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи томонидан берилган бошқа ўхшаш мавзуга оид намунага ўхшаш ўзининг матнни яратади • Ўқитувчи раҳбарлигида иншога тўпланган материални гуруҳлашни, айтилганларни умумлаштиришни, хулосалар қилишни билади • Таклиф қилинган алгоритм бўйича шакли ўзгартirilган матнни такомиллаштиради 	<ul style="list-style-type: none"> • Ибора/магн мавзусини ва унинг ёритилишига оид ўзининг муносабатини мустақил аниқлайди • Шакли ўзгартirilган матнни мустақил такомиллаштиради

		<ul style="list-style-type: none"> • Таклиф қилинган ўқув ҳолатларида ролларга мувофиқ диалогга ёрдам кўрсатади • Луғат ёрдамида матнлардаги миллий-маданий компонентларни ақс эттирувчи сўзларнинг маъносини тушунтиради 	<ul style="list-style-type: none"> • Нутқда миллий-маданий компонент маъносидаги лексикадан фойдаланади • Картина ва предметларни тасвирлашда халқнинг маданият ва анъаналарининг ўзига хос хусусиятларини белгилайди 	<ul style="list-style-type: none"> • Ўзбеклар табиати ва она ўлка табиати, ўз ватани ва бошқа мамлакатлар тарихини ақс эттирувчи санъат асарларига ўз муносабатини ифода қилади, унинг ҳаётида илмий билимларнинг фойдаси ҳақидаги жумлаларни тузади
2	Нутқда гап	<p>5.2.1.1. Содда гапнинг коммуникатив функцияси, тузилиши, интонацияси, турлари ва қўшма гапдаги алоқа воситалари ҳақидаги тасаввурга эга</p> <ul style="list-style-type: none"> • Берилган намуна бўйича сўз бирикмалари, уюшқ бўлакли, ундалмали, кириш сўзли содда гапларни, қўшма гаплардаги алоқа воситаларини тавсифлайди • Берилган алгоритм бўйича сўз бирикмалари, уюшқ бўлакли, ундалмали, кириш сўзли содда гапларни тавсифлайди 	<p>5.2.1.1. Содда гапнинг коммуникатив функцияси, тузилиши, интонацияси, турлари ва қўшма гапдаги алоқа воситалари ҳақидаги тасаввурга эга</p>	
		<p>5.2.2.1. Содда гапнинг коммуникатив функцияси, тузилиши, интонацияси, турлари ҳақидаги оғзаки ва ёзма нутқ маълумотларидан фойдаланади</p>		

	<ul style="list-style-type: none"> • Берилган намуна бўйича сўз бирикмалари, уюшқик бўлакли, ундالمалари, уюшқик бўлакли, ундالمалари, уюшқик кириш сўзли содда гапларни, ўрганилган алоқа воситалари билан қўшма гаплар тузади • Берилган алгоритм бўйича сўз бирикмалари, уюшқик бўлакли, ундالمалари, кириш сўзли содда гапларни, ўрганилган алқа воситалари билан қўшма гаплар тузади 	<ul style="list-style-type: none"> • Берилган намуна бўйича сўз бирикмалари, уюшқик бўлакли, ундالمалари, кириш сўзли содда гапларни, ўрганилган алоқа воситалари билан қўшма гаплар тузади • Берилган алгоритм бўйича сўз бирикмалари, уюшқик бўлакли, ундالمалари, кириш сўзли содда гапларни, ўрганилган алқа воситалари билан қўшма гаплар тузади 	<ul style="list-style-type: none"> • Мустақил равишда сўз бирикмалари, содда гап, қўшма гапни коммуникатив вазифасига мувофиқ турини танлайди
	5.2.3.1. Қўндалик мулоқотнинг этикет нормаларини билади		
	<ul style="list-style-type: none"> • Таниш нутқий ҳолатда ўзбек тили нутқий этикетининг серунум қўлланадиган оброллари билан фойдаланади 	<ul style="list-style-type: none"> • Ўзгарган нутқий ҳолатда ўзбек тилидаги нутқ этикетининг серунум оброллари билан фойдаланади 	<ul style="list-style-type: none"> • Нутқий ҳолат билан мувофиқ равишда ўзбек тилида нутқ этикет оброллари билан мустақил танлайди
3	<p>Нутқда сўз</p> <ul style="list-style-type: none"> • Ҳарф ва товушларни фарқлайди • Сўз маънога эга ва у маъноли қисмлардан иборат эканлигини тушунаётганлигини намойиш этади 	<p>5.3.1.1. Сўзнинг фонетик, маъновий, морфем таркиби, сўз яшашнинг асосий усуллари ва мустақил сўз туркумлари(от, сифат, феъл) ҳақида маълумотга эга</p> <ul style="list-style-type: none"> • Ўқитувчи раҳбарлигида сўзнинг фонетик, морфем, сўз яшалиши ва лексик тахлилини бажаради • Ўқитувчи раҳбарлигида ўрганилган сўз туркумларининг морфологик тахлилини бажаради 	<ul style="list-style-type: none"> • Мустақил равишда сўзнинг фонетик, морфем, сўз яшалиши ва лексик тахлилини бажаради • Мустақил равишда ўрганилган сўз туркумларининг морфологик тахлилини бажаради

	<ul style="list-style-type: none"> • Сўзларнинг асосий яшалиш усулларини айтади • Ҳранилган мустикал сўз туркумлари категорияларини айтади 		
	<p>5.3.2.1. Сўзларни орфоэтик, сўз яшалиш ва лексик меъёрлар билан мувофиқ равишда оғзаки ва ёзма нутқда ишлагади; от, сифат, феълларни уларнинг грамматик тавсифлари ва матний вазифалари билан мувофиқ равишда қўллайди</p> <ul style="list-style-type: none"> • Унли, ундош товушларни ва уларнинг сўздаги мувофиқлашини, шунингдек серунум сўзларни тўғри талаффуз қилади • Таниш нутқий ҳолатда сўзларни уларнинг лексик ва грамматик маъноларига мувофиқ қўллайди • Нутқдаги ўрганган синонимлар ва антонимлардан фойдаланади • Намуна бўйича сўзларни эмоционал-баҳолаш қўшимчалари билан ишлагади • От, сифат ва феълларни асосий ва иккинчи даражали бўлақлар ролида намуна бўйича ўрганилган синтактик конструкцияларда қўллайди 	<ul style="list-style-type: none"> • Янги сўзларни тўғри талаффуз қилади • Сўзларни уларнинг лексик ва грамматик маъноларига мувофиқ, синонимлар, антонимларни ўзгарган нутқий ҳолатда қўллайди • Ҳкитувчи раҳбарлигида синонимларни матнда гапларнинг алоқа воситаси сифатида ва ноўрин такрорийликни бартараф этиш воситаси сифатида қўллайди • Сўзларни эмоционал-баҳолаш қўшимчалар билан ишлагади • От, сифат ва феълларни асосий ва иккинчи даражали бўлақлар ролида алгоритм бўйича ўрганилган синтактик конструкцияларда қўллайди 	<ul style="list-style-type: none"> • Мустикал равишда сўз ва сўз шаклларини уларнинг лексик ва грамматик маъноларига мувофиқ, синонимлар, антонимларни ўзгарган нутқий ҳолатда танилади • Матнда гапларни боғлаш ва ноўрин такрорийликни бартараф этиш учун синонимларни мустикал равишда танилади • От, сифат ва феълларни асосий ва иккинчи даражали бўлақлар ролида турли синтактик конструкцияларда ўринли қўллайди

		<p>5.3.3.1. Ҷзбек тилидаги макол, матал, ҳикматли сўзлар ва ибораларнинг маъносини тушунадин</p> <ul style="list-style-type: none"> • Тиниш нутқий ҳолатда Ҷзбек тилида Ҷрганилган макол, матал, ҳикматли сўзлардан фойдаланади 	<ul style="list-style-type: none"> • Ҷзтарган нутқий ҳолатда Ҷзбек тилидаги Ҷрганилган макол, матал, ҳикматли сўзлардан ҳақли равишда фойдаланади 	<ul style="list-style-type: none"> • Нутқий ҳолатга мувофиқ серунум макол, матал, ҳикматли сўзлар ва ибораларни мустақил танлайди
4	Орфография	<p>5.4.1.1. Ҷрганилган қоидаларни ёзувда 5-синфнинг орфография минимуми доирасида қўллайди</p> <ul style="list-style-type: none"> • Тиниш белгиларга кўра Ҷрганилган орфограммаларни аниқлайди • Ҷқув матнларида Ҷрганилган орфограммалар билан сўзларни тўғри ёзади 	<ul style="list-style-type: none"> • Ҷрганилган орфография қоидаларини қўллаш учун бир Ҷзақли ва текшириладиган сўзларни танлайди 	<ul style="list-style-type: none"> • Орфография ҳатоларни топади ва тузатади
5	Пунктуация	<ul style="list-style-type: none"> • Гапда тиниш белгилари билан ажратиш зарур бўлган маъновий парчаларни (икки ёки ундан ортик грамматик асослар, уюшиқ бўлақлар, ундалмалар, кириш сўзлар) топади • Ҷқитувчи раҳбарлигида Ҷрганилган қоидалар билан мувофиқ равишда тиниш белгиларини кўяди 	<ul style="list-style-type: none"> • Ҷрганилган конструкцияларда тиниш белгининг Ҷрни ва танловини асослайди • Берилган алгоритм бўйича Ҷрганилган қоидаларга мувофиқ тиниш белгиларини кўяди 	<ul style="list-style-type: none"> • Мустақил яратган матнларда тиниш белгининг Ҷрни ва танловини асослайди • Пунктуацион ҳатоларни топади ва тузатади

Таълимнинг 5-йил натижалари
Нутқий фаолият компетентлиги соҳасида

Нутқ фаолиятининг турлари	Таълим натижалари
Тинглаш	<ul style="list-style-type: none"> - кичкина ҳажмдаги илмий-ўқув, бадий матнларнинг асосий мазмунини тушунади – 100-150га сўз; - интонациянинг маъновий функциясини тушунади; - дастлабки матннинг асосий маъносини, структуравий қисмини ажратади.
Ўқиш	<ul style="list-style-type: none"> - гагда, матнда мантиқий урғу, паузаларни тўғри қўяди ва ифодалиликка риоя қилади; - матннинг мавзусини ва асосий мазмунини аниқлайди; - матнда асосий ва иккинчи даражали маълумотни ажратади; - гагда маъновий бўлақларни топади; - матнни маъновий қисмларга бўлади ва оддий режа тузади; - ўқилган матннинг мазмуни бўйича саволларга жавоб беради; - матннинг мавзуси ва асосий мазмунини ақс эттирувчи сарлавҳа танлайди; - ўқишнинг таништирувчи ва ўрганувчи турларини билади.
Сўзлаш	<ul style="list-style-type: none"> - берилган мавзуга оғзаки фикрини айтади, унинг асосий мазмунини ёритиб беради, савол беришни билади; - ўқилган матннинг қурилиши, нутқ типини сақлаган ҳолда коммуникатив вазифасига боғлиқ равишда батафсил, қисқа ва танлаб айтиб беради; - турли тил воситалари ва интонация ёрдамида нутқ предметиға бўлган ўз муносабатини билдиреди.

Ёзув	<ul style="list-style-type: none"> - ўқилган матннинг қурилиши, нутқ типини сақлаган ҳолда коммуникатив вазифасига боғлиқ равишда батафсил ва қисқа баён қилади; - иншонинг оддий режасини тузади ва матнни яратиш жараёнида унга риоя қилади; - шахсий фикрларининг мавзуси ва асосий мазмунини очиб беради; - берилган мавзуга нутқнинг турли типидagi бадий ва ўқув-илмий услубларида кичкина ҳажмдаги (иншо-миниатюралар) матнларни яратади.
------	--

Тилшуносликка онд компетентлик соҳасида

Бўлимлар	Таълим натижалари
Матн	<ul style="list-style-type: none"> - абзацни турли шахсларнинг лўқма ташлашидаги формал чегаралаши каби диалогик нутқда, матннинг композицион-муҳим қисми каби монологик нутқда аниқлайди; - матнда тасвир, дарак, мулоҳазанинг типовой фрагментларини топади; - нутқнинг функционал-маъновий типларининг асосий хусусиятларини айтади: тасвир, дарак, мулоҳазалар; - нутқ услубини аниқлайди (сўзлашув, бадий, илмий).
Матнда сўз ва гап	<ul style="list-style-type: none"> - гапда сўз бирикмаларини ажратади; - сўз бирикмасидаги ҳоким ва тобе сўзни аниқлайди; - зарур шаклда от, сифат, феъл билан сўз бирикмаларини тузади; - баён қилиш мақсади, интонация бўйича гап турларини аниқлайди; - гапнинг грамматик асосини ажратади; - гап турини грамматик асослар сони бўйича аниқлайди; - гап турини иккинчи даражали бўлақларнинг мавжудлиги/мавжуд эмаслиги бўйича аниқлайди; - гапда уюшиқ бўлақлар, кириш сўзлар ва ундалмаларни ажратади;

	<ul style="list-style-type: none"> - баён қилиш мақсади, интонацион бўёқдорлик бўйича ўрганилган турларнинг грамматик асослари сони бўйича ҳар хил гаплар тузади; - ўрганилган турларнинг уюшиқ бўлаклари, кириш сўзлари ва ундалмалари билан гаплар тузади; - гапни синтактик таҳлил қилади.
<p>Сўз ва унинг товуш қобиғи</p>	<ul style="list-style-type: none"> - унли, ундош товушларни ва уларнинг сўздаги уйғунлигини тўғри талаффуз қилади; - ўрганилган сўз туркумларида қўлланиладиган сўзларни тўғри талаффуз қилади; - орфоэпик луғат билан ишлайди; - луғатлар билан ишлашда алфавитдан эркин фойдаланади; - сўзнинг товуш кўринишини унинг график тасвири билан мувофиқлаштиради; - ҳарфлар ва товушларни аралаштирмайди; - сўзни фонетик таҳлил қилади.
<p>Сўз ва унинг лексик маъноси</p>	<ul style="list-style-type: none"> - сўзнинг лексик маъносини турли йўللар билан тушунтиради (тасвир, қисқа изоҳлаш, синонимлар, антонимлар, бир хил ўзакли сўзларни танлаш); - сўзнинг лексик маъносини белгилаш ва аниқлаш учун изоҳли луғатлардан, синонимлар, антонимлар луғатидан фойдаланишни билади; - сўзлардан уларнинг лексик маъносига мувофиқ фойдаланади; - сўзларнинг тўғри ва кўчма маъносини ажратади; - нутқда синоним ва антонимлардан фойдаланади; - ўзбекча нутқий этикетнинг энг кўп қўлланиладиган оборотларини билади; - матнда синонимларни алоқа воситаси ва ноўрин такрорийликни бартараф этиш каби қўллайди.

Сўз ясалиши	<ul style="list-style-type: none"> -морфемаларни сўзнинг маъновий тахлили асосида ажратади; -янги сўзларни ўрганилган сўз туркумларига хос бўлган олд қўшимча, аффикслар ёрдамида хосил қилади; - сўз маъносини ҳисобга олган ҳолда бир хил ўзақли сўзларни танлайди; - олд қўшимча ва аффикслар қўшилгандаги бир хил ўзақли сўзлар маъносидаги фарқларни тушунтиради; - эмоционал-бўёқдор аффикслар билан бадий матнларни сўзлашув услубида қўллайди.
Сўз сўз туркуми сифатида	<ul style="list-style-type: none"> - ўрганилган сўз туркумларини уларнинг морфологик белгилари бўйича ажратади; - от ва сифатларни турлайди; - феълларни туслайди; - ўрганилган сўз туркумларини морфологик тахлил қилади; - отлар, сифатлар ва феълларни бош бўлақлар ва иккинчи даражали бўлақлар вазифасида ўринли қўллайди - матнда ўрганилган сўз туркумларининг вазифасини аниқлайди.
Орфография	<ul style="list-style-type: none"> - ўрганилган орфограммаларни таниш белгиларига қараб аниқлайди; - ўрганилган орфография қоидалари учун бир хил ўзақли ва текшириладиган сўзларни танлайди; -ўрганилган қоидаларга мустақил равишда сўзлар танлайди; - ўрганилган қоидаларга мувофиқ орфографик ҳағоларни топади ва тузағайди; - текширилмаган орфограммалар билан ўрганилган сўзларни тўғри ёзади; - орфографик лугатдан мустақил фойдаланади; - эғалик аффикеларини тўғри қўллайди; - қўшма сўзларни тўғри қўллайди.

<p>Пунктуация</p>	<ul style="list-style-type: none"> - тиниш белгилари билан ажратиш зарур бўлган, ўрганилган конструкциялардаги гапларни топади; - тиниш белгисининг ўрни ва танловини асослаб беради; - ўрганилган коидаларга мувофиқ пунктуацион хагаларни тузагади; - ўрганилган коидаларга мувофиқ тиниш белгиларини қўйиб чиқади.
<p>Ўқувчилар:</p> <ul style="list-style-type: none"> – тақдим этилган ўқув ҳолатидаги ролларга мувофиқ диалогни давом эттиради; – нутқда маънонинг миллий-маданий компонентли лексикасидан фойдаланади; – луғат ёрдамида матнларда миллий-маданий компонентни ақс эттирувчи сўз маъноларини тушунтиради; – расмларни тасвирлашда халқнинг маданият ва урф-одаатларидаги ўзгача хусусиятларни белгилаб ўтади; – она ўлка табиати, ўз ватани тарихи ва шу тилдаги халқ ватани тарихини ақс эттирувчи санъат асарларига ўз муносабатини айтиб беради; – кундалик мулоқотнинг одоб меъёрларини билади (этикетли диалог) 	<p style="text-align: center;">Маданиятшуносликка оид компетентлик соҳасида</p>
<p>Илова: баъзи бир дарс ишланмаларида мақсад; қутилган натижалар стандарт асосида такрорланиб берилган. Ўқувчининг ижодкорлиги ва ёндашув йўналишига кўра топшириқлар турига қараб ўзгартирилиши мумкинлиги инобатга олинган</p>	

Кириш дарси

Дарснинг мақсади:

а) таълимий: ўқувчи дарслик билан танишади, мустақиллик байрами ҳақида фикр юритади, таътил таассуротлари ҳақида кичик ҳикоя ёзади; ўқув матни мавзусини айтади;

б) ривожлантирувчи: фикрларини ўртоқларининг фикрлари асосида ривожлантиради;

в) тарбиявий: Ватан истикболи мустақилликда, эркинликда эканини ҳис қиладилар.

Дарснинг ресурслари: рангли расм, шеърий тўплам, Мустақиллик ҳақидаги фотоэтьюдлар.

Дарс усули: суҳбат, жуфтликда иш, гуруҳда иш

Дарснинг бориши

I. Ташкилий қисм.

Ақлий ҳужум: ўқувчиларга топшириқли ватман билан ишлаш таклиф қилинади, сўзларда тушириб қолдирилган ҳарфларни қўйиб, сўзларни бир-бирига боғлаб гап тузади.

Қуйидаги топшириқлар ёзилган флипчарт доскага илинади. Ўқувчилар шу саволларга жавоб бериш орқали катаклардаги тушириб қолдирилган сўзларни топадилар.

1. Юрт сўзининг синоними
2. Суверенитет сўзининг ўзбекча аталиши
3. Келажак сўзининг синоними

Сўзлар: Ватан, мустақиллик, истикбол

1.

В		т		н
---	--	---	--	---

2.

м		с	т		қ		л	л		к
---	--	---	---	--	---	--	---	---	--	---

3.

и		т	и		б		л
---	--	---	---	--	---	--	---

Ўқувчилар мана шу сўзлар иштирокида Ватан истикболи – мустақилликда гапини тузадилар.

II. Дарслик билан ишлаш.

«Мустақиллик байрами» матни устида ишлаш.

- индивидуал ўқиш
- гуруҳда саволлар устида ишлаш.

– жуфтликдаги хулоса (Мустақиллик байрамини нимага ассоциация-лайсиз – тахминий жавоблар: шодиёна, она-юрт тўйи, сайил, оммавий тантана)

– Расм устида ишлаш. «Салом мактаб» матни ва расм орасидаги боғланиш устида суҳбат.

III. «Ёзги ишлар» ёки «Ёзги таътилда» мавзуларининг бирида кичик ҳикоя ёзиш.

– индивидуал ёзиш

– кичик гуруҳда бир-бирларига ўқиб эшиттириш

– умумий гуруҳда ўқиб эшиттириш учун битта оригиналини танлаб олиш

– тақдимот

IV. 1, 2-машқлар ёзма бажарилади.

• 3-машқ шеър ифодали ўқилади, топшириқлар оғзаки бажарилади.

• «Ватан мен учун...» мавзусида эссе ёзиш учун қондаси билан танишилади.

• Кичик гуруҳда 4-машқдаги бошқотирма устида ишланади.

V. Хулоса.

Ўқитувчи: «Нима деб ўйлайсиз?»

1. Ватан истиқболи – мустақилликда. Тилга эътибор – элга эътибор. Жисму жонсан сен Ватан. фикрлари орасида қандай боғлиқлик бор?

2. Кимга олий бир умидсан, Кимга армонсан Ватан. жумлаларини синфдош ўртоқларингизга ўқиб, қандай тушунтириб бера оласиз?

Ўқитувчи хулосаси: Ватан якка-ягонадир. Уни ҳеч нарсага алмаштириб бўлмайди. Биронтамизга Ватан армон бўлиб қолмаслиги зарур.

VI. Уйга топшириқ. 6-машқ. Пўлат Мўминнинг «Бугун биринчи сентябрь» шеърини ифодали ўқиб беринг. Муаллифнинг ўқувчи тилидан айтган воқеасини сўзлашга тайёрланинг. Феълларни топиб, замонини аниқланг.»Ватан мен учун...» мавзусида эссе ёзинг.

Қуйи синфда ўтилганларни такрорлаш

Дастур материалларини пухта ўзлаштиришнинг муҳим шартларидан бири тўғри уюштирилган такрорлашдир. Такрорлаш аввал ўрганилган материалларни ёддан чиқармасликка, уларни пухта ўзлаштиришга ёрдам беради, ўқувчилар билимини системалаштиради, уларнинг мантиқий тафаккурини ривожлантиради.

Йил бошидаги такрорлашнинг асосий мақсади аввал ўрганилиб сўнгра ўқув йили давомида ўрганиладиган мавзуларга замин бўладиган асосий материалларни ёдга туширишдан иборат.

Ўқув йили бошидаги такрорлашнинг натижаси фойдали бўлиши учун ўқитувчи I–IV синфда ўзбек тили фанидан қандай мавзулар ўтилганини, улар қандай ҳажмда ўрганилганини билиши даркор.

Дастурда ўқув йили бошидаги такрорлашга 4 соат ажратилади. Ана шу қисқа вақт ичида бошланғич синфда ўтилган материалларни такрорлаш керак. Шунинг учун ҳам такрорлаш юзасидан иш мазмунини аниқлашда шу синф ўқувчиларининг тайёргарлигини ҳисобга олиш зарур.

4-синфда ўтилганларни такрорлаш

Дарснинг мақсади:

а) таълимий: ўқувчи матн билан танишади, саволлар устида ишлаб баён, эссе ёзади; ўқув матни мавзусини айтади;

б) ривожлантирувчи: индивидуал, жуфтликда ўз фикрлари билан ўртоқлашиб, фикр-мулоҳазаларини ривожлантиради;

в) тарбиявий: турли матнлар, халқ мақолларидан ибрат олади, эътиборли бўлишни ўрганади; она ўлка табиати, ўз ватани тарихи ва шу тилдаги халқ ватани тарихини акс эттирувчи санъат асарларига ўз муносабатини айтиб беради;

Дарснинг ресурслари: рангли расм, мўъжизалар майдони ўйини, Венн диаграммаси

Дарс усули: суҳбат, жуфтликда иш, гуруҳда иш.

Дарснинг бориши

I. Ташкилий қисм.

Ақлий ҳужум: ўқитувчи синф хонасидаги бир нечта нарса-буюм (предмет)ларнинг номларини атайди ва ўқувчилардан шундай сўзларни топишни таклиф қилади.

Ўқитувчи саволлари:

1. Предметнинг номини билдириб, ким? нима? қаер? сўроқларига жавоб бўлган сўзларни нима деб атаймиз?

2. Нима? сўроғига жавоб бўладиган сўзларни топинг.

3. Ким? сўроғига жавоб бўладиган сўзларни топинг.

4. Қаер? сўроғига жавоб бўладиган сўзларни топинг.

Шу тарзда – сифат, сон, олмош, феълга ҳам оид бўлган саволларни беради. Ўқувчиларнинг бошланғич синфда олган билимларини қайта хотирасида тиклашга ёрдам беради.

II. Дарслик билан ишлаш.

7-машқ. «Кўчма -кутубхона» матни устида ишлаш.

– индивидуал ўқиш

– гуруҳда саволлар устида ишлаш.

– жуфтликдаги муҳокама ва хулоса.

III. 8, 10, 14, 20, 22-машқлар иқтидорли ўқувчилар учун мўлжалланган. Шу машқлар асосида ўқувчи бошланғич синфда от, сифат, тўлдирувчи мавзуларида олган билимларини такрорлайди.

13, 17, 21-машқларни жуфтликда, партадош ўртоғи ёки ўқитувчи ҳосил қилган жуфтликдаги иш асосида бажаради. Жуфтликда ишлаган бола ўзи айтган фикр ва ғояларни мулоҳаза қилишни, фикрларни солиштириши, фикрлар хилма-хил бўлишида ўзининг ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилади.

11, 19-машқлар гуруҳдаги ишлар учун мўлжалланган машқлар. Ўқувчи индивидуал ишлашда ўзининг фикри билан ёлғиз қолади. Бирок гуруҳдаги иш айtilган масала ва мисолларнинг янада тез, аниқ бажарилишига таъсир кўрсатади. Гуруҳга бўлишда турли хил усуллардан фойдаланиш мумкин. Масалан, ўқувчилар йил фасллари бўйича санаб бўлинишлари, 1дан 4 гача санашлари, ҳар хил фазилатлари асосида бўлинишлари мумкин. Шу ўринда 11-машққа алоҳида тўхталиб ўтиш зарур. Сабаби бу машқда ўқувчига Венн диаграммаси таклиф қилинади. Венн диаграммасини ташкил қилишнинг ўзига хос қоидаси бор. Диаграмма анализ ва синтез каби тафаккур кўникмаларини кузатиш ва ривожлантиришга имкон беради. Унинг қадамлари қуйидаги тартибда берилади:

1. Мавзу ёки муаммо танланади. Таққослаш учун параметрлар аниқланади. Мухими 2 ёки 3та предмет орасида ўзаро боғлиқлик ва ўзига хос хусусиятлар бўлиши зарур.

2. Таққосланаётган объектларнинг умумий хусусиятлари айланалар кесишган жойга, фақат ўзигагина хос томонлари доиралар ичига ёзилади. Масалан, «Хамса» ва хамса сўзлари таққосланади.


Намуна: 1. «Хамса» бу А.Навоий яратган йирик дoston. Икки бўғиндан иборат. Битта унли, учта ундош товуш бор. Бу бадий асар бўлиб, у ўқишга мўлжалланган. От сўз туркумига оид сўз.

2. Хамса – урғу иккинчи бўғинга тушадиган сўз бўлиб, балиқ номи. Денгиз ва дарёларда бўладиган балиқ тури. Икки бўғиндан иборат. Битта унли, учта ундош товушдан иборат. От сўз туркумига оид сўз.

Демак, Хамса сўзининг ўзига хос томонлари унинг ёзилган бадиий асар – дoston эканлиги, у ўқишга мўлжалланган предмет эканлиги до- ранинг чап тарафига;

Хамса – балиқ эканлиги, у сувда яшайдиган жонивор эканлиги диа- граммининг ўнг тарафига ёзилади.

Иккала сўз учун умумий хусусиятлар: сўз сифатида ёзилиши мумкин- лиги, битта унли, учта ундошдан иборатлиги, от сўз туркумига оид экан- лиги, иккаласида ҳам аташ маъноси борлиги айланалар кесишган жойга ёзилади.



19-машқда ўқувчилар ўқилган матн асосида баён ёзиш малакала- рини яна бир марта эслаб, баён ёзиш коидасини ўрганиб, уни ёзишни ўрганадилар.

Бундан ташқари ўқувчилар дарсликдаги маълум бир машқларни оғзаки бажариш орқали қуйи синфда ўтилган мавзуларни такрор- лайдилар.

Қирғизистоннинг машхур рассоми Гапар Айтиев ҳақида ўқитувчи кенг маълумот берганидан сўнг, «Жилваланган кўл» пейзажи асосида ўз таассуротларини эссе тарзида ёзишни ўқувчиларга мустақил иш ўрнида беради. Ишда сифатлардан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

IV. Хулоса.

Ўқитувчи: «Нима деб ўйлайсиз?»

1. Сиз қуйи синфда ўрганган мавзулар ҳақидаги тушунчаларингиз хо- тирангизга жамландими?

2. Келгуси дарсларимизда 5-синф учун берилган янги мавзулар усти- да фикрлаш учун замин яратдикми?

3. Дарсда такрорланган мавзуларнинг қайси бири ёдингизда кўпроқ колди? Нима учун?

V. Уйга топшириқ. 12,18,28-машқлар. Ўқувчи машқлар асосида унли товушлар ҳақидаги билимларини такрорлаб, улар юзасидан янада янги машқлар шартини бажариш малакаларига эга бўлади.

1-§. Тил билими ҳақида

2-§. Ўзбек тилининг гўзал, ифодали ва эстетик имкониятлари

Дарснинг мақсади:

а) таълимий: кичкина ҳажмдаги илмий-ўқув, бадиий матнларнинг асосий мазмунини тушунади; матннинг мавзусини ва асосий мазмунини аниқлайди; берилган мавзуга оғзаки фикрини айтади, унинг асосий мазмунини ёритиб беради; савол беришни билади;

б) ривожлантирувчи: матн билан ишлаш кўникмалари шакллантирилади;

в) тарбиявий: тил миллатнинг бойлиги эканлигини, уни кадрлаш ва севиш зарурлигини, аждодларимиз ҳаётидан ибрат олиш каби миллий қадриятларни англайдилар. Ўзбек тилининг гўзал, ифодали ва эстетик имкониятларини кадрлайдилар, ўзбек тилининг ривожланишига ўзларининг ҳиссаларини қўшадилар.

Дарснинг ресурслари: тил ҳақидаги турли мақоллар, А. Навоий асарлари, расмлар

Дарс усули: суҳбат, жуфтликда ишлаш.

Дарснинг бориши

I. Ташкилий қисм:

Ақлий ҳужум. Тилсиз ҳаётни тасаввур қилиб кўринг. Ўйлаб кўринг. Бу нарса нималарга олиб келиши мумкин?

- индивидуал ишлаш
- жуфтликда ишлаш
- гуруҳда ўз фикрларини муҳокама қилиб, хулоса чиқариш

II. Дарслик билан ишлаш.

Матн устида ишлаш.

1. «Тил билими ҳақида» номли матнни ўқийдилар. Ўқиш тартиби матнни қисмларга бўлиш орқали бажарилади.

Масалан, 3 та қаторда ўтирган ўқувчиларга матн уч қисмда берилади.

1-қатор – 1,2,3-гаплар устида ишлайди.

2-қатор – 4,5,6,7-гаплар устида

3-қатор – 8,9,10,11-гаплар устида ишлайди.

Умумий гуруҳда фикрлар тингланиб, саволлар устида ишланади, сўнг хулоса чиқарилади.

Хулоса. Фикр ифодалаш ва ўзаро алоқа қуроли бўлиб хизмат қиладиган товушлар, сўзлар ва грамматик воситалар системаси тил билимини ташкил этади. Демак тил – бутун жамиятга хизмат қилувчи ижтимоий ҳодиса.

2. 29-машқдаги «А. Навоийнинг миллий тилнинг ривожланишига қўшган ҳиссаси» номли матн юқоридаги тартибда ўтказилиши мумкин.

3. 30-машқни жуфтликда бажарадилар. Бир-бирига яқин мавзуларни солиштирадилар. Ўзлари танлаган мавзунини оғзаки равишда давом эттирадилар.

III. Дарсликдаги «Иншо ёзиш учун эсдалик»ни ўқийдилар.

Ҳар битта коидани ўқиб, ўқитувчи раҳбарлигида фикр алмашадилар.

IV. Хулоса. «Тил билими ҳақида» ва «А. Навоийнинг миллий тилнинг ривожланишига қўшган ҳиссаси» матнларини ўқиб қандай хулосага келдингиз?

Ўқитувчи: «Ўзбек адабий тилининг асосчиси, унинг равнақи учун курашган улуғ шоир ва мутафаккир А. Навоий ўзининг бой адабий мероси билан тилимизнинг ривожланишига қўшган ҳиссаси беқиёсдир. Тил ҳар бир халқ, миллатнинг битмас-туганмас бойлиги ва шу халқ маданиятини юксалтиришда энг муҳим воситадир...» матнини давом эттириб, мутафаккир А. Навоийнинг ўзбек адабий тилининг ривожи ва унинг равнақи учун олиб борган ишлари ҳақида, ёзган асарлари ҳақида кенг тушунча беради.

V. Уйга вазифа: 33-машқ. 29-машқ асосида «Иншо ёзиш учун эсдалик»дан фойдаланиб кичик иншо ёзади.

3-§. Китоб билан ишлаш маданияти

Дарснинг мақсади:

а) таълимий: ўқув матни мавзусини айтади, кичкина ҳажмдаги илмий матннинг асосий мазмунини тушунади, матннинг мавзусини ва асосий мазмунини аниқлайди; берилган мавзуга оғзаки фикрини билдиради, унинг асосий мазмунини ёритиб беради, савол беришни билади;

б) ривожлантирувчи: фикрларини ўртоқларининг фикрлари асосида ривожлантирадилар;

в) тарбиявий: шахсий фикрларининг мавзуси ва асосий мазмунини очиб беради. Китоб билан ишлаш маданиятини ўрганади.

Дарснинг ресурслари: илмий, бадий китоблардан намуналар, кутубхоналар ҳақида турли рангли расмлар.

Дарс усули: суҳбат, жуфтликда иш, гуруҳда иш.

Дарснинг бориши

I. Ташкилий қисм.

II. Уй вазифасини текшириш.

Ақлий ҳужум: Ўқитувчи: «Нукталар ўрнига керакли сўзни қўйиб мақолларни тикланг.

.... – билим булоғи, ўқувчининг ўртоғи.

... – билим манбаи.

III. Дарслик билан ишлаш. «Инсон тафаккури», «Китоб» матнлари билан ишлаш учун кўрсатма берилади. Ўқитувчи:

1. «Ўқиш жараёнида қалам билан дарсликда кўрсатилган белгиларни қўйинг».

2. «Нима учун белгини айнан ўша жойга қўйганингизга изоҳ беринг».

3. «Берилган жадвални намуна асосида тўлдириңг».

– индивидуал ўқиш

– жуфтликда муҳокама

– гуруҳда савол ва топшириқлар устида ишлаш .

IV. Ўқувчи учун эслатма рубрикаси остида берилган китоб билан ишлаш қоидалари билан танишилади. Керакли изоҳлар берилади.

Индивидуал равишда 38, 39, 40-машқлар бажарилади.

Ўқитувчи таянч сўзлар билан ишлаш учун кўрсатма беради. «Ушбу берилган таянч сўзлар сиз ёзадиган «Она – табаррук зот» мавзусидаги эсседа қўлланиши керак: оёқлари остида жаннат, табаррук, улғайтирган, фарзандларимиз, гўдаклик чоғимиз, она, меҳр нури, тарбиялади, дунёга келтирди, оқ сутини оқлаб, дуолар қилади». 41-машқ жуфтликда бажарилади. Берилган таянч сўзларни қўллашда бир- бирлари билан ўзаро фикр алмашиб, яхлит бир эссе матнини яратадилар.

V. Дарснинг хулосаси. Ўқитувчи: «Синфдош ўртоқларингиз учун мустақил равишда китоб ўқиш қоидалари тузинг».

VI. Уйга вазифа: 42- машқ.

4-§. Нутқ шакллари. Оғзаки ва ёзма нутқ

Дарснинг мақсади:

а) таълимий: кичкина ҳажмдаги илмий-ўқув, бадиий матнларнинг асосий мазмунини тушунади; матннинг мавзусини ва асосий мазмунини аниқлайди; берилган мавзуга оғзаки фикрини айтади, унинг асосий мазмунини ёритиб беради, савол беришни билади; шахсий фикрларининг мавзуси ва асосий мазмунини очиб беради;

б) ривожлантирувчи: ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқ шакллари ривожланади;

в) тарбиявий: кундалик мулоқотнинг одоб меъёрларини билади; оғзаки ва ёзма нутқда яратилган адабий меросга ҳурмат билан қараш хисси ривожланади.

Дарснинг ресурслари: мақол, қоида ёзилган флипчарт, схема

Дарс усули: суҳбат, жуфтликда ишлаш.

Дарснинг бориши

I. Ташкилий қисм:

Ақлий ҳужумга 43-машқдаги мақоллар устида иш олиб борилади.

Кечаси ётиб ўйла, эртаси туриб сўйла.

Билим билан ҳикмат – олтиндан қиммат.

Мақолларни ўқинг. Ўйлаб кўринг. Мақолларнинг мазмунини изоҳланг.

– индивидуал

– жуфтликда

– гуруҳда муҳокама қилинг.

Муҳокамадан сўнг ўқувчиларнинг чизма ҳақидаги фикрлари сўралади. Оғзаки ва ёзма нутқ шакллари қандай нутқдан иборатлиги хусусида муҳокама ўтказилади.

II. Дарслик билан ишлаш.

• 44-машқда берилган топшириқ иқтидорли ўқувчилар учун мўлжалланган. Саволлар устида ишлаган ўқувчи дастлаб оғзаки, сўнгра ёзма нутқ пайдо бўлганлиги ҳақидаги хулосага келади.

• Оғзаки ва ёзма нутқ нима деган саволларга жавоб берадиган қоида ўқилиб, гуруҳ билан муҳокама қилинади.

• 45, 47-машқлар ёзма равишда бажарилади. Ўқувчиларда жадвал ва Венн диаграммаси билани ишлаш малакаси ривожлантирилади.

• 46-машқ оғзаки тарзда бажарилади.

III. Хулоса. Айтингчи, оғзаки ва ёзма нутқ бизга қанчалик зарур?
Қайси нутқни энг муҳими деб аташимиз мумкин?

- индивидуал
- жуфтликда
- гуруҳда муҳокама қилинади.

Ўқитувчи хулосаси: Демак, оғзаки нутқ таҳрир имкониятидан маҳрум. У қандай шаклда борлиққа келган бўлса, шундайлигича тингловчига ҳавола этилади. Оғзаки нутқ ёзма нутқнинг асосидир. Ёзма нутқ оғзаки нутқдан равондир. Келажак авлод учун ёзиб қолдирилган барча турдаги асарлар ёзма нутқда битилган.

Уйга вазифа: 48-машқда берилган сўзлар орасида оғзаки ва ёзма нутқда энг кўп ишлатиладиган сўзларни топиш малакаси ривожлантирилади.

5-§. Матн (2 соат)

Дарснинг мақсади:

а) таълимий: кичкина ҳажмдаги илмий-ўқув, бадиий матнларнинг асосий мазмунини тушунади; берилган мавзуга оғзаки фикрини айтади; савол беришни билади; матнда асосий ва иккинчи даражали маълумотни ажратади; матнни маъновий қисмларга бўлади ва оддий режа тузади; матннинг асосий мазмунини ақс эттирувчи сарлавҳа танлайди; абзацларга ажратишни билади; тиниш белгисининг ўрнини билади, хатоларни тузатади.

б) ривожлантирувчи: матн билан ишлаш кўникмалари шакллантирилади;

в) тарбиявий: луғат ёрдамида матнларда миллий-маданий компонентни ақс эттирувчи сўз маъноларини тушунтиради; тил миллатнинг бойлиги эканлигини, уни қадрлаш ва севиш зарурлигини англайдилар.

Дарснинг ресурслари: турли шаклдаги матнлар ва матн бўлмаган ёзма маълумотлар, Қирғизистонга бағишланган матнлар, расмлар.

Дарс усули: суҳбат, жуфтликда, гуруҳда муҳокама.

Дарснинг бориши

I. Ташкилий қисм:

Дарслик билан ишлаш.

- 49-машқ асосида ақлий ҳужум уюштирилади.

Топширик: Матнларни ўқинг. Бир-бирига солиштиринг. Қайси бири матн эканлигини ўйлаб кўринг.

- индивидуал ишлаш
- жуфтликда ишлаш
- гуруҳда ўз фикрларини муҳокама қилиб, хулоса чиқариш.
- Матн нима? Ўйлаб кўринг. У қандай бўлиши керак?
- индивидуал ишлаш
- гуруҳда ўз фикрларини муҳокама қилиб, кластер тузиш
- матн ҳақидаги қондани индивидуал ўқийдилар.

II. Матн устида ишлаш.

– 51-машқда берилган матн устида иш олиб борилади. Ўқувчилар ўзларига ёққан фикр ва жумлалар олдига белгисини қўйиб, матндаги асосий фикр устида ишлайдилар. Умумий гуруҳда фикрлар тингланиб, саволлар устида ишланади, сўнг хулоса чиқарилади.

– 54, 56-машқларда берилган матнлар асосида ўқувчилар матн сарлавҳаси, режа, таянч сўзлар ҳақидаги маълумотга эга бўладилар. Вазифалар индивидуал, жуфтликда бажарилади.

– Иқтидорли ўқувчилар 52, 55-машқларда берилган топшириқлар устида ишлаб, ўзларининг матн ҳақидаги фикрларини синаб, мустақамлайдилар. Айтиб ўтилган машқлар ва улардаги савол ҳамда топшириқлар асосида ўқувчилар ўзлари матн ҳақидаги тасаввурларига хулоса ясайдилар.

III. Хулоса. Бир мавзу доирасидаги ёзма ёки оғзаки нутқ парчаси матн дейилади. Матн нутқий ҳодиса бўлиб, у икки ва ундан ортиқ гапнинг мазмунан бирикишидир.

IV. Уйга вазифа: 53, 57-машқлардаги топшириқларга биноан ўқувчилар матн тузиш, гаплар чегарасини аниқлаш, сарлавҳа, режа тузиш, матндаги асосий фикрни аниқлаш каби малакаларга эга бўладилар ҳамда ўз ишларини тақдимот қилишга тайёрлайдилар.

6-7-§. Матн турлари: тасвир, ривоя, муҳокама матнлар ва уларнинг асосий хусусиятлари (3 соат)

Дарснинг мақсади:

а) таълимий: кичкина ҳажмдаги илмий-ўқув, бадий матнларнинг асосий мазмунини тушунади; берилган мавзуга оғзаки фикрини айтади; савол беришни билади; матнда асосий ва иккинчи даражали маълумотни ажратади; матнни маъновий қисмларга бўлади ва оддий режа тузади; матннинг асосий мазмунини акс эттирувчи сарлавҳа танлайди; абзацларга ажратишни билади; тиниш белгисининг ўрнини билади, хатоларни тузатади.

б) ривожлантирувчи: матн билан ишлаш кўникмалари шакллантирилади; гапда, матнда мантикий урғу, паузаларни тўғри қўяди ва ифодалилиқка риоя қилади;

в) тарбиявий: луғат ёрдамида матнларда миллий-маданий компонентни акс эттирувчи сўз маъноларини тушунтиради; тил миллатнинг бойлиги эканлигини, уни кадрлаш ва севиш зарурлигини англайдилар.

Дарснинг ресурслари: турли шаклдаги матнлар ва матн бўлмаган ёзма маълумотлар, расмлар, Венн диаграммаси туширилган флипчарт, қоидалар ёзилган ватманлар.

Дарс усули: суҳбат, жуфтликда, гуруҳда муҳокама.

Дарснинг бориши

I. Ташкилий қисм:

Дарслик билан ишлаш.

• 58-машқ асосида ақлий хужум уюштирилади. Топширик: Матнни ўқинг. Каклик ҳақидаги маълумотларни билиб олинг. Саволларга жавоб беринг. Муҳокамада қатнашинг. Иш куйидаги тартибда олиб борилади:

– индивидуал ишлаш

– жуфтликда ишлаш

– гуруҳда ўз фикрларини муҳокама қилиб, хулоса чиқариш.

• Матннинг қандай турларини биласиз? Ўйлаб кўринг. Уларни ташқи кўринишига қараб бири-биридан ажратса бўладими?

– индивидуал ишлаш

– гуруҳда ўз фикрларини муҳокама қилиб, кластер тузиш

– матн ҳақидаги қоидани индивидуал ўқийдилар.

II. Матн устида ишлаш.

– 59, 61, 62-машқларда берилган матнлар устида иш олиб борилади. Ўқувчилар берилган савол ва топшириқлар асосида матнни муҳокама қиладилар ва тасвир матннинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида маълум бир хулосага келадилар. Умумий гуруҳда фикрлар тингланиб, саволлар устида ишланади. Тасвир матнга берилган қоидани ўқийдилар.

– 60, 64-машқлар жуфтликдаги иш учун берилган. Берилган матнлар асосида ўқувчилар матндаги асосий фикр, мазмун, сарлавҳа ҳақидаги маълумотга эга бўладилар. Вазифалар аввал индивидуал, сўнгра жуфтликда бажарилади.

– Иқтидорли ўқувчиларга 60, 62, 65-машқларда берилган матнлар ва улардаги топшириқлар устида ишлаш, ўзлари мустақил равиш-

да матн турларини ўрганишлари, матн ҳақидаги фикрларини синаб, мустаҳкамлаш вазифаси топширилади. Айтиб ўтилган машқлар ва улардаги савол ҳамда топшириқлар асосида ўқувчилар ўзлари матн ҳақидаги тасавурларига хулоса ясайдилар.

– Матнларни ўрганиш жараёнида ўқувчилар жадвални саволларга жавоб бериш орқали тўлдиришни ўрганадилар.

III. Хулоса. Ўқитувчи: ҳар бир матн турининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида нималарни айтиб бера оласиз?


– индивидуал

– жуфтликда

– гуруҳда муҳокама бўлиб ўтади ва хулосалар чиқарилади.

– бўлим юзасидан савол ва топшириқлар устида ишлаш жараёнида ўқувчи учала матн турини Венн диаграммаси асосида таҳлил қилишни вазифа қилиб беради. Яъни уч доирали диаграмма чизилади.

IV. Уйга вазифа: 69-машқ. Бундан ташқари бўлим юзасидан савол ва топшириқларга тайёрланиш вазифаси топширилади.



8-9-§. Сўз бирикмаси

Дарсининг мақсади:

а) таълимий: гапда сўз бирикмаларини ажратади, сўз бирикмасидаги ҳоким ва тобе сўзни аниқлайди, зарур шаклда от, сифат, феъл билан сўз бирикмаларини тузади;

б) ривожлантирувчи: турли тил воситалари ва интонация ёрдамида нутқ предметиға бўлган ўз муносабатини билдиради;

в) тарбиявий: ақл ва одоб ҳақидаги мақолларни ўқиб, мазмунини таҳлил қиладилар ва ибрат оладилар. Кундалик мулоқотнинг одоб меъёрларини билади.

Дарснинг ресурслари: рангли расмлар, сўз бирикмасида ҳоким ва тобе сўз боғланиши ҳақида жадвал, топшириқли карточкалар.

Дарс усули: суҳбат, жуфтликда иш, гуруҳда иш.

Дарснинг бориши

I. Ташкилий қисм.

II. Уй вазифасини текшириш ва ўтилган мавзу юзасидан суҳбат.

Ақлий ҳужум. Ўқитувчи: «Топшириқларга диққат қилинг».

1-топшириқ.

Катта мактаб, чиройли мактаб, баланд мактаб бирикмаларидаги тобе (эргаш) ва ҳоким (бош) қисмларни аниқланг.

Эслатма! *Тилишуносликда тобе бўлакни эргаш, ҳоким бўлакни бош сўз деб ҳам юритамиз.*

2-топшириқ.

Мактаб сўзига қайси сўзлар боғланиб келяпти? Савол беринг.



III Дарслик билан ишлаш.

Янги мавзу баёни:

1. Ўқитувчи ҳоким (бош) сўз ва тобе (эргаш) сўзнинг боғланиши ҳақидаги жадвал орқали сўз бирикмаси ҳақидаги маълумот билан таништиради. Бино, шаҳар, ўқувчи, дарё ҳақидаги рангли расмларга сўз бирикмалари тузиш таклифини беради. Саволлар бериш орқали бош ва эргаш сўзларнинг фарқлари изоҳланади.

2. Тасаввурларни кенгайтириш 69, 72, 74- машқлар бажарилади.

3. 1) *китоб*; 2) *беҳи*; 3) *куй*; 4) *қизча*; 5) *тоғ* расмлари ёки сўзлари ёзилган карточкалар орқали ўқувчиларни 5 гуруҳга ажратади. Гуруҳда 70- машқ устида ишланади. Ҳар бир гуруҳ ўзига берилган сўз ва сўз бирикмалари устидаги топшириқлар устида ишлайдилар.

4. Иқтидорли ўқувчилар учун берилган 71, 73, 75 машқлар бажарилади.

5. Грамматик ўйин. 79- машқ асосида ўтказилади. «Ким кўп сўз бирикмаси тузади?»


6. 82-машқ. Ўқувчилар машқни иккига бўлиб бажарадилар. Машқ топшириғи ўрта мураккаб ва жуда мураккаб бўлиб, биринчисини иккинчи топшириқ тўлиқлаб кетади.

1-топширик. Қуйида берилган сўзларни гуруҳларга ажратинг. *Ан-жир, анор, олча, нашивати, олма, лимон, кичкина гилос, ўрик, қимизак олма, тут*

1) нордон

2) ширин

2-топширик. Синоним ва антонимлардан тузилган сўз бирикмаларининг ясалишига диққат қилинг. Ўқувчиларга дастлаб синонимлар (маънодош) сўз бирикмаларини, сўнгра зид маъноли сўз бирикмаларини аниқлайдилар. Ясалиш қоидаларига диққат қиладилар. Бу машқ «Сўз ва унинг маъноси» бўлимини ўтишга замин яратади.



IV. Дарсинг хулосаси. Ўқитувчи:

Саволларга оғзаки жавоб беринг.

– Сўз бирикмаси деб нимага айтаемиз?

– Қандай боғланишга тобе боғланиш дейилади?

– Ҳоким сўз деб нимага айтилади?

– Қалам кизилдир ва Сув – тоза гапларини сўз бирикмаларига айлантиринг.

– Улкан бино сўз бирикмасидаги ҳоким ва тобе бўлакни айтинг.

– Савол қайси бўлақдан қандай бўлаққа қараб берилади?

V. Уйга вазифа: 9-§ (назария) 83-машқ (амалий).

10-11-12-13-14-§. Гапнинг ифода мақсадига кўра турлари (4 соат) Дарак гап. Сўроқ гап. Буйруқ гап. Истак гап

Дарснинг мақсади:

а) таълимий: кичкина ҳажмдаги илмий-ўқув, бадиий матнларнинг асосий мазмунини тушунади; савол беришни билади; баён қилиш мақсади, интонация бўйича гап турларини аниқлайди; матнда асосий ва иккинчи даражали маълумотни ажратади; матнни маъновий қисмларга бўлади ва оддий режа тузади; матннинг асосий мазмунини акс эттирувчи сарлавҳа танлайди; абзацларга ажратишни билади; тиниш белгисининг ўрнини билади, хатоларни тузатади.

б) ривожлантирувчи: матн билан ишлаш кўникмалари шакллантирилади; гапда, матнда мантикий урғу, паузаларни тўғри қўяди ва ифодалиликка риоя қилади;

в) тарбиявий: луғат ёрдамида матнларда миллий-маданий компонентни акс эттирувчи сўз маъноларини тушунтиради; «Ватан» муқаддас, бизнинг туғилиб ўсган еримиз, тупроғимиз, бойлигимиз эканлигини, уни қадрлаш ва севиш зарурлигини англайдилар.

Дарснинг ресурслари: турли шаклдаги матнлар ва матн бўлмаган ёзма маълумотлар, қоидалар ёзилган ватманлар.

Дарс усули: суҳбат, жуфтликда, гуруҳда муҳокама.

Дарснинг бориши

I. Ташкилий қисм:

Ақлий ҳужумда мавзунинг бошига берилган топшириқ бажарилади. Ўқувчиларга берилган гапларнинг бир-биридан фарқини топиш таклиф қилинади.

1. *Биз дунёда тинчлик бўлишини истаймиз.* 2. *Майин шабада кўм-кўк япроқларни аста тебратди.* 3. *Тўкин куз қандай яхши!* 4. *Қани энди сенга ўхшаб ҳамма ақлли бўлса!* (С. Аҳм.)

5. *Фан кўкида қил парвоз,*

Тинмасдан ўқи, ўрган! (Қ. М.)

7. *Пода яйловдан қайтдимиз?* (С.А.)

Бу топшириқ ҳам аввал индивидуал, сўнг гуруҳда муҳокама тарзида ўтади. Яъни ўқувчилар ўзлари ўқиб, мулоҳаза юритади, сўнг уни синфда кўпчилик билан муҳокама қилади. Ўқитувчи гапларда турли хил тиниш белгилари борлигини, турли оҳангда айтилаётганлигини йўналтирувчи саволлар билан текшириб туриши зарур.

II. Дарсликдан фойдаланиб қоида ва машқлар устида ишлаш

• Ўқувчилар топшириқдан олган хулосаларига асосланиб гаплар ифода мақсадига кўра 4 турга: дарак, сўроқ, буйруқ, истак гапларга бўлиниши ҳақида гапирадилар.

• 85-машқ оғзаки иш учун берилган. Матнни ўқиб, гапларнинг ифода мақсадига кўра турларини аниқлашлари ва бу гаплар қандай оҳангда ўқилиши зарурлигини ўйлаб кўришлари зарур.

• 86-машқ гуруҳдаги иш учун мос бўлиб, ўқувчилар 4 гуруҳга бўлинишлари ва ҳар бир гуруҳ маълум бир гап тури устида иш олиб бориши лозим. Болаларни гуруҳга бўлишда улардан тартиб билан «Дарак, сўроқ, буйруқ, истак» сўзларини санаш оҳангида айтиб 4 гуруҳга бўлинишлари ёки 1,2,3,4 гача санаб 4 гуруҳга бўлинишлари таклиф қилинади. Масалан, дарак деган болалар битта гуруҳга, сўроқ деганлар битта гуруҳга, буйруқ деганлар битта гуруҳга, истак деганлар яна битта гуруҳга бўлинишлари мумкин. Бу билан болалар бир жойда давомли ўтириб зерикмаслиги олди олинса, бошқа томондан фикрлар хилма-хиллигига интилиш бўлади.

• 87-машқ жуфтликдаги иш учун берилган бўлиб, ўқувчилар бунда қиёсий жадвалини ўқитувчи ёрдамида тўлдиришлари зарур бўлади.

Ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш, масъулиятни зиммасига олиш, вазифани ўз вақтида ўрганиш, изланиш каби кўникма ва малакаларга ўргатиш учун дарснинг янгича кўринишларини ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, иқтидорли ўқувчилар кўп бўлган синфда мавзуни 4 та гуруҳга бўлиб, шу гуруҳдаги ўқувчилардан мавзуларни синфдаги барча ўқувчиларга тақдимот қилиб беришлари мумкинлигини вазифа қилиб топширилиши ўқувчиларда изланиш, мавзуни чуқур ўрганиш, катталардан ёрдам сўраб ишнинг пухта бўлишига интилиш каби фазилатларнинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Мавзуларга маълум бир гуруҳдаги болалар муддати келган куни ҳеч қандай огоҳлантиришсиз дарсни ўқитувчининг қувватлаб туришида тақдимот қилиши мумкин, чунки бу дарс бола учун бутунлай янгилик эмас, қуйи синфда ўрганилган мавзулар доирасига киради. Мисол учун 1-гуруҳга Асадбек, Наргиза, Моҳичеҳра, Исломбек, Авазбеклар кирди. Уларга Дарак гап мавзуси берилди. Болалар китоб, ундаги машқлар, қўшимча адабиётлар ва албатта, ўқитувчи кўмагида мавзуга тайёргарлик кўрадилар. Ҳар бир бола синфдаги чиқишларида ўз ролларини бўлиштириб олишлари – Асадбек ақлий хужумни, Наргиза – жуфтликдаги ишларни, Моҳичеҳра гуруҳдаги ишни, Исломбек иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш каби вазифаларни бўлишиб олган бўлишлари зарур. Ишнинг

унумли ва тартиб билан ўтишини ўқитувчи назорат қилади. Шу тарзда 4 та дарс болаларнинг меҳнати ва изланиши билан ўтади. Болаларининг фаол ўқув жараёнига жалб этилиши улардаги бўш ўтирмаслик, ялқовланиш, дарсга келмаслик каби ёмон хислатларини баргараф этишга сабаб бўлиши шубҳасиз.

III. Матнлар устида ишлаш.

– Мавзулар ичида Соё бўйида (87-машқ); Мактабимиз боғида (11-§ 1-топширик); қамиш ҳақида (90-машқ); «Уйқу» (91-машқ) номли матнлар берилган бўлиб, ўқувчилар бу матнларни бажаришда маълум бир топшириқлар устида ишлайдилар. Ўқитувчи учун матн билан ишлаш жараёнида болаларнинг қанчалик даражада гапнинг ифода мақсадини тушунганлиги, матндаги асосий фикрни илғаганлиги, матнга сарлавҳа топиб, муаллиф айтмоқчи бўлган фикрни тушуниб етганлиги муҳим.

– Дарсликдаги бу мавзулар учун оғзаки ишлашга, ёзма бажаришга оид бер нечта машқлар киритилган. Ўқитувчи ўзининг ижодийлигига таяниб, оғзаки машқлардан ёзма ишлар, ёзма ишлардан оғзаки ишлаш учун топшириқлар ўйлаб топиши мумкин. Ўқувчилар ҳар бир берилган маълумот қимматли эканлигини ҳис қилишлари зарур.

– Иқтидорли ўқувчиларга берилган машқлар оддий болаларнинг шахсига панд бермай, яхши ўқийдиган ўқувчиларни ғурурлантирмай бажартирилиши лозим. Чунки ҳар бир шахс ўзига хос иқтидорга эга бўлиб, ўқитувчи буни ўз вақтида сезмай қолиши, табиий.

– Матнларни ўрганиш, машқ топшириғини бажариш, саволларга жавоб бериш натижасида болаларга йўналтирувчи саволлар бериш орқали ўзлари маълум бир хулоса чиқаришлари таклиф қилинади. Масалан, нима деб ўйлайсиз?, сизнингча қандай бўлиши мумкин?, ўзингиз тузиб кўрингчи каби саволлар берилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

IV. Хулоса. Ўқитувчи: ҳар бир гап турининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида нималарни айтиб бера оласиз?

– индивидуал

– жуфтликда

– гуруҳда муҳокама бўлиб ўтади ва хулосалар чиқарилади.

Ўқитувчи хулосаси: Демак, дарак гап – даракни, сўроқ гап – сўроқни, буйруқ гап – буйруқ, илтимосни, истак гап – истак, ниятни билдиради. Нутқимиз бундай гапларсиз мавжуд бўлиши мумкин эмас.

V. Уйга вазифа: 90,95,99, 103 -машқлар.

15-§. Ҳис-ҳаяжон гаплар

Дарсинг мақсади:

а) таълимий: баён қилиш мақсади, интонация бўйича гап турларини аниқлайди; матнда асосий ва иккинчи даражали маълумотни ажратади; ҳис-ҳаяжон гапларни аниқлашни билади;

б) ривожлантирувчи: матн билан ишлаш кўникмалари шакллантирилади; гапта, матнда мантикий урғу, паузаларни, ундов, сўроқ белгиларини тўғри қўяди ва ифодалиликка риоя қилади;

в) тарбиявий: луғат ёрдамида матнларда миллий-маданий компонентни ақс эттирувчи сўз маъноларини тушунтиради; нутқда маънонинг миллий-маданий компонентли лексикасидан фойдаланади; тил миллатнинг бойлиги эканлигини, уни қадрлаш ва севиш зарурлигини англайдилар.

Дарсинг ресурслари: турли шаклдаги матнлар ва матн бўлмаган ёзма маълумотлар, қоидалар ёзилган ватманлар.

Дарс усули: суҳбат, жуфтликда, гуруҳда муҳокама.

Дарсинг бориши

I. Ташкилий қисм:

Ақлий ҳужум. Мавзунини ёритувчи қоида устида ишлаш.

1. Қоидани маълум бир саволлар асосида гуруҳларда муҳокама қилиб, ўрганиш:

А гуруҳ – Ҳис-ҳаяжон гап деб нимага айтилади?

Б гуруҳ – Мисоллар билан изоҳланг.

В гуруҳ – Қандай тиниш белгилари қўлланади?

Г гуруҳ – Мисоллар келтириб тушунтиринг.

Юқоридаги савол ва топшириқларга гуруҳлар алоҳида-алоҳида тайёргарлик кўриб, қоида устида ишлайдилар.

II. Матн устида ишлаш

– 104, 105-машқлар оғзаки бажарилади. Ўқувчиларнинг овозини чиқариб ўқишлари жуда муҳим. Ҳис-ҳаяжон ифодаланган гаплар оғзаки нутқда кўпроқ ўзининг асл маъносини ифодалашни мумкин. Шунинг учун ўқувчиларга оғзаки топшириқ бериб, уни ёзувда ифодалашни ўргатиш зарур.

– Дарсда ўқувчиларга шеърини матнларни ўқитиш ҳам мақсадга мувофиқ иш. Ўқувчилар ёдлаган шеърларидаги ҳис-ҳаяжон гапларни тезроқ топадилар.

– 106-машқ ёзма равишда бажарилади. Ўқувчиларга ҳис-ҳаяжонсиз гапларни ҳис-ҳаяжонли гапларга айлантириш ва гапларни жадвалга тўлдириш топшириғи берилади.

– 108-машқда берилган матн гуруҳдаги иш учун мос бўлиб, ўқувчилар 4 гуруҳга бўлиниб, матнни топшириқлар асосида бажарадилар:

Топшириқ.

«Қиш» гуруҳи – матнни ўқинг, ундаги асосий фикрни аниқланг.

«Баҳор» гуруҳи – учта вариантда сарлавҳа ўйлаб топинг.

«Ёз» гуруҳи – қандай тиниш белгилари борлигини ва улар нима учун қўйилганлигини изоҳланг.

«Куз» гуруҳи – гапларни мақсадга кўра турларини тасниф қилиб, киёсий жадвални тўлдириш.

Ҳар бир гуруҳ иши якунлангандан сўнг ўқувчилар умумий синф бўлиб хулоса чиқаришлари зарур.

Уйга вазифа. 107-машқ. Ўқувчилар сўзларни диққат билан ўқиб, умумий сўз остига бирлашадиган сўзларни топиб, уни аташи ва ортиқча сўз қайси жиҳатида қараб ортиқча бўлиб қолганлигини тушунтириб беришлари зарур.

16-§. Гап бўлаклари

Дарснинг мақсади:

а) таълимий: гапнинг грамматик асосини ажратади; гап бўлақларини савол бериб топишни билади; тиниш белгисининг ўрнини билади, хатоларни тузатади.

б) ривожлантирувчи: гапдаги грамматик асосни топиш малакаси ривожланади; луғат ёрдамида матнларда миллий-маданий компонентни аниқлаш сўз маъноларини тушунтиради;

в) тарбиявий: тил миллатнинг бойлиги эканлигини, уни қадрлаш ва севиш зарурлигини англайдилар.

Дарснинг ресурслари: турли шаклдаги матнлар ва матн бўлмаган ёзма маълумотлар, қоидалар ёзилган ватманлар.

Дарс усули: суҳбат, жуфтликда, гуруҳда муҳокама.

Дарснинг бориши

I. Ташкилий қисм:

Ақлий ҳужум. Топшириқ. Берилган сўроқларга жавоб бўладиган сўзлар ёрдамида тўртта гап тузинг. Ким?, қачон?, қаерда?, нима қилди?

Ўқувчилар яккахон тарзда ўзлари гап тузиб, жуфтликда шериги билан тузган гапларини ўртоқлашади. Сўзларга савол берадилар. Хулосалайдилар.

Ўқувчилар чиқарган хулосаларига қараб таърифни ўқиб, ўқитувчи кўмагида муҳокама қиладилар.

II. Дарслик билан ишлаш

– 111-машқ оғзаки бажарилади.

– 109 машқ умумий синф учун, 110-машқ иктидорли ўқувчилар учун мўлжалланган.

112-машқдаги матн асосида ўқувчилар ўзлари мустақил равишда қуйи синфдаги билимларига асосланиб, ҳар бир гапда нечта бўлак борлигини, қайсилар бош бўлак ва қайсилари иккинчи даражали бўлак эканлиги айтадилар, тўртта гапни кўчириб, бош бўлакларнинг тагига чизадилар. Бу топшириқни синфдаги ўқувчиларнинг ҳаммаси бажариши талаб қилинади. Сўнг матнга оид топшириқлар устида ишлаш вазифаси топширилади. Топшириқ суҳбат тарзида ўтказилади. Ўқувчиларга бўлган дўстона кайфиятни бериш учун ўқитувчи суҳбатни давра куриб ўқувчилар билан бир каторда ўтириб ўтказилади. Суҳбат бир маромда овозни баланд кўтармай олиб бориш зарур.

III. Хулоса. Айтингни, матнни ўқиган пайтингизда қайси сўроққа жавоб бўлган сўзларни учратдингиз? Ҳа, деярли ҳар қандай сўзга савол берилмасин ҳар бирига жавоб олса бўлади. Сўроққа жавоб бўлган сўзларнинг барчаси гап бўлагига вазифасини бажара олади. Демак гап бўлаклари бу – гап таркибида маълум сўроққа жавоб бўлувчи мустақил сўз ёки сўзлар бирикмасидир. Гап бўлаклари икки турли бўлади: бош бўлаklar ва иккинчи даражали бўлаklar. Бундай бўлаklar билан келгусида дарсда суҳбатлашамиз.

IV. Уйга вазифа. 113-машқ.

Бош бўлаklar

17-§. Кесим. 18-§.Эга

Дарсинг мақсади:

а) таълимий: гапнинг грамматик асосини ажратади;

– гап турини грамматик асослар сони бўйича аниқлайди;

– гап турини иккинчи даражали бўлаklarнинг мавжудлигини аниқлайди;

– баён қилиш мақсади, интонация бўйича гап турларини аниқлайди;

б) ривожлантирувчи: кичик ҳажмдаги матнларнинг мазмунини таҳлил қилиш ва грамматик асосларини топиш кўникмаларини ривожлантирадидлар;

в) тарбиявий: меҳнат, меҳнат қилишга муносабати шаклланади, меҳнат туфайли билимларини кенгайтириб боради.

Дарснинг ресурслари: гап бўлаклари ҳақида тузилган жадвал, топшириқли карточкалар.

Дарс усули: зигзаг, жуфтликда ва гуруҳларда ишлаш.

Дарснинг бориши

I. Ташкилий қисм.

II. Уй вазифасини текшириш ва ўтилган мавзу юзасидан суҳбат.

Ақлий хужум. Ўқитувчи: «Топшириқларга диққат қилинг».

* Берилган сўроқлар ёрдамида тўртта гап тузинг. Ким?, қачон?, қаерда?, нима қилди?

Грамматик топишмоқларнинг жавобини топинг.

*Бош келишиқда сўзи,

Гапда бош бўлак ўзи?

*Бош бўлақлардан бири

Ҳар ишнинг ижрочиси.

Бош келишиқ сўроғи,

* Берилган гапларда ажратиб кўрсатилган бўлақларга савол беринг, уларнинг гапдаги вазифасини аниқланг.


Онам – мактабда ўқитувчи.

Илм қишда эрийди, ёзда музлайди.

Ўш – қадимий ва гўзал шаҳар.

III. Дарслик билан ишлаш.

Янги мавзу баёни: ўқитувчи доскага гап бўлаклари ҳақидаги жадвални илади



Қадамлар	Кўрсатмалар
Мавзу ва мақсадни аниқлаб, қуйи синф-да мавзу юзасидан ўтилганларнинг муҳимини ажрата олади.	Гап бўлаклари ҳақида нима биласиз? Уларнинг қандай турлари ҳақида айта оласиз? Бош бўлақларни сананг, саволларини айтинг.
II. Ўқувчилар 1,2,3 деб санаб орқали кооператив гуруҳларга ажралди.(1,2,3) (1,2,3)	Биз кичик гуруҳларда ишлаймиз. Гуруҳингизни эслаб қолинг. Бу сизнинг кооператив гуруҳингиз.
III. Кооператив гуруҳда ишлаш учун вазифа. 1. Гап бўлаклари. 2. Гапнинг грамматик асоси. Кесим. 3. Эга.	Ҳар бирингиз ўзингизга берилган қисмни ўқийсиз. Бир-бирингизга ўз ўқиган қисмингизни тушунтириб беришингиз керак. Натижада дарс сўнгида гуруҳнинг ҳар бир аъзоси маълумотни тўлиқ билиб олмоғи керак.
IV. Мавзуларни ўқиш.	Ҳар бир ўқувчи ўзига берилган қисмни ўқийди. (Вақт белгиланади)
V. Эксперт гуруҳларни ташкил қилиш ва ишлаш. (1+1+1+1), (2+2+2+2), (3+3+3+3)	Сиз энди эксперт гуруҳда ишлайсиз: биринчилар бирга, иккинчилар бирга ва ҳоказо. Сизнинг вазифангиз бир-бирингиз билан ўқиганларингиз ҳақида ўртоқлашиб, ўз ўқиган маълумотингизни кооператив гуруҳдаги дўстларингизга тушунтириб бериш йўлини ишлаб чиқиш. Кооператив гуруҳдаги дўстларингизнинг сиз етказадиган маълумотни қандай тушуниши сизга боғлиқ.(вақт белгиланади).
VI. Кооператив гуруҳларга қайтиш. Мавзунини ўзлаштириш бўйича ишлаш. Бир-бирини ўқитиш.	Бир-бирингизга ўзингиз ўқиган қисмдан нима ўрганганингиз ҳақида гапириб бериш. (Вақт белгиланади)

IV. Ўқилган маълумотларни мустаҳкамлаш.

*Ўқитувчи ўқувчиларга 110, 114, 115 ёки 120-машқларни оғзаки ба-
жартириш орқали бош бўлақлар, кесим ва эга ҳақида бир-бирларидан
ўрганган маълумотларини текшириб, тузатиб ва чуқурлаштириб боради.

* 114-машқ.»Отам ҳақида»,120-машқ.»Меҳнат»,122-машқ. «Овда»
матнлари ва улар юзасидан берилган савол, топшириқлар жуфтликда,
умумий гуруҳда ишланади.

*123-машқ. Иқтидорли ўқувчи учун топшириқ қилиниши мумкин.

117-машқдаги топишмоқларнинг жавоби: 1.Оқ варақ, ручка сиёҳи;
2. Ракета

V. Дарснинг ҳулосаси.Ўқитувчи:

1. Гап бўлақлари ҳақида сиз учун қандай маълумотлар янгилик бўлди?
2. Гапнинг грамматик асоси деганда нима тушундингиз?
3. Эга қандай сўз туркумлари билан ифодаланади?
4. Сиз учун дарсда нима қимматли бўлди?
5. Матнлар сизда қандай таассурот қолдирди?

VI. Уйга вазифа: 17, 18, 19, 20-§ (назария), 113, 123-машқ (амалий)

19-§. Гапнинг иккинчи даражали бўлақлари 20 -§. Тўлдирувчи

Дарснинг мақсади:

а) таълимий: матннинг асосий мазмунини ақс эттирувчи сарлавҳа
танлайди; гапнинг грамматик асосини ажратади; гап бўлақларини савол
бериб топишни билади; тиниш белгисининг ўрнини билади, хатоларни
тузатади.

б) ривожлантирувчи: матн билан ишлаш кўникмалари шакллан-
тирилади; гапдаги грамматик асосни топиш малакаси ривожланади;
луғат ёрдамида матнларда миллий-маданий компонентни ақс эттирувчи
сўз маъноларини тушунтиради;

в) тарбиявий: тил миллатнинг бойлиги эканлигини, уни қадрлаш ва
севиш зарурлигини англайдилар.

Дарснинг ресурслари: турли шаклдаги матнлар ва матн бўлмаган ёзма
маълумотлар, қоидалар ёзилган ватманлар.

Дарс усули: суҳбат, жуфтликда, гуруҳда муҳокама.

Дарснинг бориши

I. Ташкилий қисм:

1. Уй вазифасини текшириш. 124-машқдаги шеърни ўқинг. Гапларда бош бўлақларнинг берилишини тушунтиринг.

2. Ақлий ҳужум. Дарсликда берилган топшириқлар асосида ақлий ҳужум уюштирилади.

1-топшириқ. Қуйидаги гапларни қиёсланг:

А. Ўқувчи уйғонди.

Ўқувчи барвақт уйғонди.

Ўқувчи эрталаб хушчақчақ уйғонди.

Ўқувчи дўсти билан мактабга бориш учун барвақт уйғонди.

2- топшириқ. Қиёсланган гаплардан сўз бирикмаларини ажратинг.

3- топшириқ. Ҳар бир сўзга савол беринг.

4. 1чи ва 4чи гапларнинг мазмуни орасидаги фарқни айтинг.

5. Ким билан? сўроғига жавоб бўлган сўзни топинг. У гапда қандай вазифа бажариши мумкинлигини ўйлаб кўринг.

Б. Берилган гапларни ўқинг. Ҳар бир сўзга савол беринг.

1. Мен устозимни кўрдим. 2. Музаффар шеърни ўқиди. 3. Ўқитувчи Баҳодирдан сўради. 3. Биз ишимиздан қаноатландик.

1-топшириқ. Кимни?, нимани?, кимдан?, нимадан? каби сўроқларга жавоб бўлган сўзларни ёзинг.

2-топшириқ. Ёзган сўзларингиз гапдаги қайси сўзга боғланганини аниқланг.

3-топшириқ. Мустақил равишда тўлдирувчилар сўз бирикмалари ҳосил қилинг.

Берилган топшириқлар асосида ўқувчиларнинг эътиборини таърифларга тортинг. Ҳар бир таърифни тўғри англашларига ёрдам беринг.

II. Дарслик билан ишлаш.

Иккинчи даражали бўлақлар ҳақидаги маълумотларни эсга олиш, мустақамлаш учун 124,125,128-машқлар оғзаки равишда бажаришга, 126-машқ эса ёзма тарзда бажаришга берилган. Ўқувчилар учун берилган машқлардаги топшириқлар мазмунини ўқитувчи ўзи ўзгартиришга ҳақли.

129-машқ жуфтликдаги иш бўлиб, унда ўқувчилар шериги билан ҳадис, мақоллардаги фикрни аниқлаб, уларга изоҳ беради ва тўлдирувчиларни топади. Сўнг машқ охирида берилган мўъжизалар ўйинида берилган бўш катакларни тўлдирадilar. Ундаги Дўст дўстини кулфатда синар мақолини топадилар

130-машқ иқтидорли ўқувчининг нукталар ўрнига гапнинг мазмунига мос сўзни топиб, зарур ўринда сўзни ишлата олиш кўникмасини текшириш учун мўлжалланган. Шундай машқлар тузилган карточкаларни ўқитувчи олдиндан тайёрлаб қўйиши ишни янада самарали қилади.

III. Уйга вазифа. 131-машқ. Боланинг дарс давомида олган билимларини синаш ва мустақамлаш учун бериладиган топшириқ.

21-22-§. Аниқловчи. Изоҳловчи (2 соат)

Дарснинг мақсади:

а) таълимий: гапнинг грамматик асосини ажратади; бош ва иккинчи даражали бўлақларини савол бериб топишни билади; аниқловчи ва изоҳловчи ҳақидаги маълумотларни қиёслайди, ўхшатади;

б) ривожлантирувчи: матн билан ишлаш кўникмалари шакллантирилади; гапдаги иккинчи даражали бўлақни топиш малакаси ривожланади; лугат ёрдамида матнларда миллий-маданий компонентни аёс эттирувчи сўз маъноларини тушунтиради;

в) тарбиявий: нутқда маънонинг миллий-маданий компонентли лексикасидан фойдаланишни, тил лексик бойлигини ташкил этувчи компонентларни ҳис қилади, уни кадри ҳақида фикр юритади.

Дарснинг ресурслари: турли шаклдаги матнлар ва матн бўлмаган ёзма маълумотлар, қоидалар ёзилган ватманлар.

Дарс усули: суҳбат, жуфтликда, гуруҳда муҳокама.

Дарснинг бориши

I. Ташкилий қисм:

1. Уй вазифасини текшириш. 131-машқдаги ҳикматлар ўқинг. Гапларда бош бўлақларнинг берилишини тушунтиринг.

2. Ақлий ҳужум. Дарсликда берилган топшириқлар асосида ақлий ҳужум уюштирилади.

1-топшириқ. Қуйида берилган сўзларга савол беринг.

Ширин ва ёқимли. Улкан ва чиройли

Совуқ ва намли. Ўйқучи ва ялқов

2-топшириқ. Юқоридаги сўзлар иштирокида гаплар тузинг.

3-топшириқ. Қайси сўзларга боғланиб келганлигини аниқланг.

4-топшириқ. Мустақил равишда аниқловчили сўз бирикмаларини ҳосил қилинг.

5-топширик. Бинокор Рустам юмушга эрта боради жумласидаги бинокор Рустам сўзларини қайта алоҳида ўқинг. Қайси сўзни қайсиниси аниқлаётганлигини айтинг.

Ақлий ҳужумни уюштиришда 5 та иқтидорли ўқувчини дарснинг бошидаёқ синаб олишингиз мумкин. Дарсликдаги мавзуга синфнинг эътиборини тортишдан аввал, 5 та топширик ёзилган варақчаларни доскага тескари қилиб илиб қўйинг. Доскага чиққан 5 та ўқувчи хоҳлаганини танлаб жавоб бериши керак бўлади. Сўнг ўқувчиларнинг жавобларига хулоса қилиш учун «Айтингчи, бугунги мавзу нима деб номланган?» саволи билан мурожаат қилинг. Шундан сўнг синф ўқувчилари ўзлари аниқловчи ва изоҳловчига берилган таърифларни ўқийдилар. Мазмунини ўқитувчи ёрдамида тушуниб оладилар.

II. Матн устида ишлаш. Аниқловчи мавзусига оид дарсликда қизиқарли матнлар берилган.

Булар -132-машқдаги «Отахон композиторни эслаб...», 134-машқдаги «Урушнинг сўнгги қурбони» асаридан олинган матн, 146-машқдаги мактаб боғи ҳақидаги матнлардир. Ўқувчилар матнни англашга ёрдам берадиган саволларга жавоб беришдан ташқари, мавзуга оид бўлган топшириқларни ҳам бажаришади. Шулардан бири (134-машқ) жуфтликдаги иш учун мўлжалланган. Ўқувчилар матндаги қизиқарли тафсилотларни шериги билан ўқиб ўрганса, ўқитувчининг яккахон баёнидан кўра тез мақсадга етади. Синфда бекор ўтирган ўқувчи қолмайди. Бундан ташқари 143-машқ ҳам жуфтликдаги ишга мўлжалланган.

133, 136, 137, 138, 140, 142, 144-машқлар оғзаки тарзда бажаришга мўлжалланган бўлиб, ўқувчиларнинг ёзма нутқини мавзуга оид топширик асосида ривожлантириш мумкин. Қизиқарли топшириқлар синфдаги барча ўқувчиларни оммавий ишлашга тартади. Бу машқларни синфдаги ўқувчиларнинг билим даражасига қараб гуруҳлаб қўйиш мақсадга мувофиқ. Ўқувчининг шахсиятига озор бермасдан ҳар бир машқни ўз эгасига бериб, унинг билимларини мустаҳкамлаб олиш мумкин.

138-машқда берилган топширик учун оқ варақлар ва рангли қаламлар керак бўлади. Ўқувчиларга бўлиб берилган сўзлар намунадагидай оқ вараққа батартиб тарзда бажарилиши ўқувчининг бу ишга қанчалик билимдонлик ва ижодийлик билан ёндашишини текширади. Қилинган ишлар синф деворларига ёпиштириб қўйилади.

Ўқувчиларнинг мустақил тарзда матн тузиш малакаларини ривожлантиришга ёрдам берадиган машқлар ҳам «Аниқловчи» мавзусига киритилган бўлиб ўқувчилар оғзаки тарзда нутқини шакллантириб, сўнг

уни ёзма ифодалашга ҳаракат қиладилар. Бундай топшириқлар 139, 143-машқларда берилган.

III. Хулоса. Ўқувчиларнинг ўзлари хулосага келишлари учун уларга йўналтирувчи саволлар беринг.

Саволлар:

Аниқловчи мавзусига оид қайси матн кўпроқ эсингизда қолди?

Аниқловчиларни гап ичида нимага асосланиб топа олдингиз?

Сифатловчи аниқловчи билан қараткичли аниқловчини қандай фарқлаш мумкин?

Изоҳловчи қайси сўз туркуми билан ифодаланади?

Изоҳловчини нима учун изоҳловчи деб атаймиз?

IV. Уйга вазифа. 135,147-машқлар. Ўқувчиларга аниқловчиларни ўзлари тузган матндан топиш топшириғи берилади.

23-§. Ҳол

Дарснинг мақсади:

а) таълимий: гапнинг грамматик асосини ажратади; гап бўлақларини савол бериб топишни билади; ҳол ҳақидаги маълумотларни умумлаштирилади, муҳимини ажратишни билади;

б) ривожлантирувчи: матн билан ишлаш кўникмалари шакллантирилади; гапдаги ҳолни топиб, қандай сўз туркумлари билан ифодаланганлигини аниқлаш кўникмаси шаклланади;

в) тарбиявий: нутқда маънонинг миллий-маданий компонентли лексикасидан фойдаланишни, тил миллатнинг бойлиги эканлигини англайдилар.

Дарснинг ресурслари: турли шаклдаги матнлар ва матн бўлмаган ёзма маълумотлар, қоидалар ёзилган ватманлар.

Дарс усули: суҳбат, жуфтликда, гуруҳда муҳокама.

Дарснинг бориши

I. Ташкилий қисм:

1. Уй вазифасини текшириш. Мавзу юзасидан саволлар бериш.

2. Ақлий ҳужумга «Ҳол» мавзусига берилган топшириқлардан фойдаланинг.

1-топшириқ. Қуйидаги сўзларни ўқиб, уларга савол беринг.

Мақтабда, кўчадан, кеча, юролмаслиги сабабли, ҳовлига.

2-топшириқ. Шу сўзлар иштирокида гаплар тузинг.

3-топширик. Сўзлар гап ичида қайси сўзга боғланиб келганлигини тушунтиринг.

4-топширик. Нима мақсадда?, қачон?, нега? саволларини қандай маънодаги сўзларга берамиз?

Топшириқларни бажаришда ўқувчиларнинг берган жавобларига ўртокларининг ҳам берган фикрларини тинглаб хулоса чиқаришга ёрдам беринг. Ўқувчиларнинг эътиборини ҳолга берилган таърифга тортинг. Уни биргаликда муҳокама қилинг.

II. Матн устида ишлаш

150-машқда кўллар ҳақида берилган матн бўлиб, ўқувчилар ушбу матн асосида савол бериш йўли билан ҳолларни топадилар ва матн учун тузилган топшириқни бажарадилар. Топшириқда ўқувчилар бир-бирлари билан жуфтликда «Қирғизистондаги кўллар ҳақида нималарни биласиз?» мавзусида диалог тузишлари зарур. Диалог учун жуфтликда ишламоқчи бўлган ўқувчиларга қоралама нусхада бериладиган тахминий саволларни тузиб олишларини тушунтиринг. Саволлар қисқа ва мазмунли бўлишига кўмак кўрсатинг. Сўнг тахминий савол ва жавобларни оққа кўчириб, синфдаги дўстлари олдида диалог олиб боришларининг тартибини белгилаб беринг.

III.151-машқдан то 155-машққа қадар ўқувчиларга аввал оғзаки кўринишда, сўнг ёзма шаклда топшириқни бажаришларини кузатинг. 155-машқда ўқувчи ўзи мустақил тарзда ҳол иштирок этган гапларни топиши керак бўлади. Ўқувчиларга ёрдам бўлиши учун синф кутубхонасидаги китоблардан бир-иккитадан намуна беринг. Китоб varaқлаган ўқувчи ўзига зарур бўлган гапларни топиши шубҳасиз.

IV. Хулоса. Ўқувчилар биттадан синфдошларига беришлари учун савол тузишларини сўранг. Ҳар бир ўқувчи синфдаги ўртокларига савол бериб, дарсга хулоса чиқаришлари керак. Якуний хулосани чиқариб беришга шошилманг. Охирги хулосани уйга топшириқ қилиб беришингиз мумкин.

V. Уйга вазифа. 156-машқда ўқувчилар «Саёҳатда» мавзусига оид кичик ҳикоя тузишлари зарур. Ўқувчилар тузган гапларида ҳоллардан кўпроқ фойдаланишга ҳаракат қилишлари лозимлигини айтинг. Ўзингиз 1-2 та гап айтиб, мисол келтиринг.

25-§. Уюшиқ бўлақлар.

26-§. Уюшиқ бўлақларда тиниш белгиларининг ишлатилиши

Дарснинг мақсади:

а) таълимий: гапда уюшиқ бўлақларни ажратади;

– баён қилиш мақсади, интонацион бўёқдорлик бўйича, ўрганилган турларнинг грамматик асослари сони бўйича ҳар хил гаплар тузади;

– ўрганилган турларни уюшиқ бўлақлар билан гаплар тузади;

– гапни синтактик таҳлил қилади;

б) ривожлантирувчи: матн билан ишлаш кўникмалари шакллантирилади, саволлар бериш, тиниш белгиларини тўғри кўйиш кўникмалари ривожлантирилади; ижтимоий кўникмаларга эга бўлади;

в) тарбиявий: нутқда маънонинг миллий-маданий компонентли лексикасидан фойдаланади;

Дарснинг ресурслари: рангли расмлар, флипчарт, маркер, рангли бўр.

Дарс усули: индивидуал ишлаш, жуфтликда ишлаш.

Дарснинг бориши

I. Ташкилий қисм.

II. Уй вазифасини текшириш ва ўтилган мавзу юзасидан суҳбат.

Ақлий хужум. Ўқитувчи: «Топшириқларга диққат қилинг ва бажаринг»

1-топшириқ. Қуйида берилган гаплардан бир хил саволга жавоб бўлган сўзларни топинг.

1. *Ўтлоқ оқ, сариқ, қизил гулларга бой эди. (Ҳ. Н)* 2. *Осмонда, дарахтларда, бўғотларда чумчуқлар чирқиллашади. (М. И.)*


3. *Келажакни севганлар менга*

Севгисини, меҳрини берсин! (У.)


4. *Бу дарахтларни Ҳиндистондан, Афғонистондан яна аллақерлардан олиб келди. (М.И.)* 5. *У содда, уятчан, камтарин йигит эди. (О)*

2-топшириқ. Жадвалдаги сўзларни диққат билан ўқинг. Қайси сўзлар бир хил сўроққа жавоб бўляпти? Схемани давом эттиринг.

1. Навоий китобни, гулни, рангни жуда севар эди. (О.)



2. Гижжак, танбур, чанг, уд, най овози янгради. (О.)



3. боғлардан
адирлардан
тоғлардан

гул келтирдим

4. ўтириб чиқди
толиқди

Она

III Дарслик билан ишлаш.

Янги мавзу баёни: ўқитувчи дарсликдаги топшириқларни бажартириш орқали ўқувчиларнинг диққатини куйидаги саволларга торади:

1. Схемадаги қатор сўзлар қандай саволга жавоб бўлмоқда?
2. Бир хил саволга жавоб бераётган сўзларнинг қўшимчалари, грамматик шаклларида қандай ўхшашлик бор?
3. Уларни қайта талаффуз қилиб кўринг, қандай оҳангда айтилмоқда?
4. Гапда бундай сўзларнинг орасида қандай тиниш белгилари ишлатилмоқда?

Жавоблар тинглангач, дарсликдаги назарий маълумотларни ўқиш орқали фикрлар умумлаштирилади.

IV. Ўқилган маълумотларни мустаҳкамлаш.

*161-машқни оғзаки бажариш орқали гапда қандай бўлақлар уюшиб келганини аниқланади. 163-машқда уюшиқ бўлақлар қандай боғланганини вергулнинг қўйилиш ёки қўйилмаслик сабабларини тушунтирадилар. 165-машқда уюшиқ бўлақларга саволлар бериш кўникмалари ўстирилади.

* 166, 168-машқларни грамматик ўйин тарзида ўтиш орқали ўқувчиларни мавзу ёки грамматик категориялар юзасидан фикр юритишлари ривожлантирилади. Грамматик топишмоқлар айнан ўрганилаётган мавзуларга қаратилган.

*164, 167-машқлар жуфтликда ишлашга қаратилган, матн юзасидан олиб бориладиган иш якунлангач, «Маккажўхори ҳақида» диалог, «Ўзбек тили дарсида» мавзусида уюшиқ бўлақлардан унумли фойдаланиб ҳикоя тузадилар.

V. Дарснинг хулосаси: ўқитувчи ўқувчиларни уюшиқ бўлақларнинг грамматик белгиларини умумлаштириб фикрлар рўйхати тузишга чақиради.

Уюшиқ бўлақлар:

- бир хил саволга жавоб беради;
- бир хил вазифа бажаради;
- бош ва иккинчи даражали бўлақлар уюшиб кела олади;
- санаш оҳанги билан айтилади;
- боғловчисиз боғланса улар орасига вергул,
- боғловчи билан боғланса олдидан вергул қўйилади;
- ва боғловчиси билан боғланса қўйилмайди.

VI. Уйга вазифа: 25, 26-§ (назария) 162, 169-машқ (амалий).

27 -§ Ундалма ва унда тиниш белгиларнинг ишлатилиши

Дарснинг мақсади:

- а) таълимий:** – гапда уюшиқ бўлақлар ва ундалмаларни ажратади;
– ўрганилган уюшиқ бўлақлар ва ундалмалар билан гаплар тузади;
– гапни синтактик таҳлил қилади;

б) ривожлантирувчи: матн билан назарий маълумот билан ишлаш кўникмалари шаклланади, саволлар бериш, тиниш белгиларини тўғри қўйиш кўникмалари ривожлантирилади; ижтимоий кўникмаларга эга бўлади;

в) тарбиявий: нутқда маънонинг миллий-маданий компонентли лексикасидан фойдаланади;

Дарснинг ресурслари: кўча ҳаракати қоидалари ҳақида рангли расмлар, флипчарт, маркер

Дарс усули: индивидуал ишлаш, жуфтликда ишлаш.

Дарснинг бориши

I. Ташкилий қисм.

II. Уй вазифасини текшириш ва ўтилган мавзу юзасидан суҳбат.

Ақлий ҳужум. Ўқитувчи: «Топшириқларга диққат қилинг ва бажаринг»

1-топширик. Топишмоқларнинг жавобларини топинг.

1. Гап боши, ўртаси, охирида келар,
Тингловчи диққатин ўзига тортар.
Йиғиқ, ёйиқ тарзда нутқда қўлланар,
Гапда оҳанг, вергул билан ажралар?
2. Гап бошида келганда,
Ундан кейин қўлланар.
Гап ўртасида келса,
Икки ёндан қўйилар.
Гап охирида келса,
Ундан олдин қўйилар? (Р. Сирожиддинов)

2-топширик. «Тингловчи диққатин ўзига тортар» гапи нима ҳақида бўлиши мумкинлигини дўстингиз билан муҳокама қилинг.

Ўқитувчи жуфтликларга 2,3 гапдан иборат кичик мурожаат этмоқликни таклиф этади. Ўқувчиларга қуйидаги саволларни бериш орқали мавзунини ўрганишга қизиқишини орттириб боради.

1. Сизнинг нутқингиз кимга қаратилмоқда?
2. Кимга қарата сўзлаётганингизни қайси сўз ёки бўлак билдирмоқда?
3. Фикрингиз қаратилган сўз қандай оҳангда талаффуз қилинмоқда?

III Дарслик билан ишлаш.

Янги мавзу баёни:

*назарий маълумотни юқоридаги саволларга жавоб излаган ҳолда индивидуал ўқиб чиқиш уқтирилади;

*ўқиш натижалари гуруҳда умумлаштирилади;

IV. Ўқилган маълумотларни мустаҳкамлаш.

*172-машқда сўзловчининг нутқи кимга ёки нимага қаратилганини оғзаки бажариш, 173-машқда ундалмада тиниш белгиларнинг ишлатилишига эътибор қилиш орқали, 174-машқда уюшган ундалмаларни топиб, тушириб қолдирилган тиниш белгиларни қўя олади.

*176-машқ матн устида ишлашга қаратилган, ўқувчи хулосалари кичик эсседа акс этилиши кўзда тутилган, тақдимот галерея бўйлаб саёҳат усулида ўтказилади.

*жуфтликда расмлар асосида «Кўча ҳаракати қоидаларини биласизми?» мавзусида диалог тузадилар.

*иқтидорли ўқувчилар 174-машқда шеърини матндаги ундалмалар ўрнини ўзгартириб тақдим этишлари мумкин.

V. Дарснинг хулосаси:

1. Ундалма ҳақида нима билиб олдингиз?
2. Сизнингча, нутқимизда ундалманинг аҳамияти нимада?
3. Дарсада сиз учун нима қимматли бўлди?

VI. Уйга вазифа: 27-§ (назария), 178-машқ (амалий).

28 -§. Кириш сўзлар. Кириш сўзли гапларда тиниш белгилар

Дарснинг мақсади:

а) таълимий:

– кириш сўзларни гапда ажрата олади, уларни қатнаштириб гаплар тузади;

– ўрганилган турларнинг уюшиқ бўлаклари, кириш сўзлари ва ундалмалари билан гаплар тузади;

– гапни синтактик таҳлил қилади.

б) ривожлантирувчи: матн билан, назарий маълумот билан ишлаш кўникмалари шаклланади, саволлар бериш, тиниш белгиларини тўғри қўйиш кўникмалари ривожлантирилади;

в) тарбиявий: нутқда маънонинг миллий-маданий компонентли лексикасидан фойдаланиш ва уни ўрганиш муҳимлигини ҳис қилади.

Дарснинг ресурслари: рангли расмлар, топшириқлар ёзилган флипчарт, маркер

Дарс усули: индивидуал ишлаш, жуфтликда ишлаш.

Дарснинг бориши

I. Ташкилий қисм.

II. Уй вазифасини текшириш ва ўтилган мавзу юзасидан суҳбат.

Ақлий ҳужум. Ўқитувчи: «Топшириқларга диққат қилинг ва бажаринг» (Кириш сўзлар бошқа ранг билан ажратилиб ёзилган топшириқларли флипчарт доскага илиниши мумкин).

I-топшириқ. Гапларни ўқинг. Сўзловчининг ўзи баён қилган фикрга бўлган турли хил муносабатларини билдирган сўзларни аниқланг.

1. Олимларнинг фикрича, сабзавотлардан дастлаб қарам маълум бўлган. 2. Шундай қилиб, кўрғазма экспонатлари бўйлаб саёҳатимиз бошланди. 3. Шубҳасиз, топшириқ ўз вақтида бажарилади. 4. Олимларнинг ҳисоблашича, сайёрамиздаги барча ўсимликлардан йилига

100 миллиард тонна кислород ажралиб чиқади. 5. Билим, маърифат, албатта, яхши ахлоқ билан безатилмоғи лозим. 6. Осмоннинг бир бурчагида, дарҳақиқат, оқ булут парчаси турар, кўрган киши уни йироқдан қир деб гумон қилар эди. (О.)

2-топшириқ. Бу сўзлар қандай маъноларни англатаётганлигини изоҳланг.

Гапда улар қандай ажратилмоқда? (саволлар орқали билимлар активлаштирилади)

III Дарслик билан ишлаш.

Янги мавзу баёни:

* назарий маълумотни юқоридаги саволларга жавоб излаган ҳолда индивидуал ўқиб чиқиш уқтирилади. Ўқиш жараёнида жавоб бўлаётган ўринларга, ўқувчи учун янги маълумотларга қалам билан белгилар + ёки ! ни қўйиб бориш таъкидланади. Ўқувчи ўқиётган назарий маълумотига диққатли бўлишга ўрганиб боради.

* ўқиш натижалари гуруҳда умумлаштирилади;

* менимча, дўстимнинг айтишича, ҳақиқатан каби кириш сўзлар иштирокида гаплар тузилади, улар англатаётган маънолар изоҳланади.

IV. Ўқилган маълумотларни мустаҳкамлаш.

* 179- 180- машқлардаги кириш сўзларни топадилар, тиниш белгиларнинг қўйилишини изоҳлайдилар.

* жуфтликда менимча, назаримда, ўйлашимча, хулосам шуки кириш сўзлар иштирокида кичик матн тузадилар. Топшириқ ўрганилган маълумотни мустақил равишда нутқда қўллай олишига қаратилади.

V. Дарснинг хулосаси:

1. Кириш сўзлар ҳақидаги маълумотлар сиз учун нимаси билан муҳим бўлди?

2. Сиз учун айтилаётган фикрга ўз муносабатингизни билдиришнинг аҳамияти қандай?

VI. Уйга вазифа: 28-§ (назарий), 182-машқ (амалий).

29-§ Гапнинг тузилиш жиҳатдан турлари

Содда ва қўшма гаплар

30-§ Қўшма гапда тиниш белгилар

Дарснинг мақсади:

а) таълимий: -гап турини грамматик асослар сони бўйича аниқлайди; гапни синтактик таҳлил қилади, содда гап билан қўшма гапнинг фарқини изоҳлай олади, содда гапдан қўшма гап ҳосил қилади, қўшма гапни содда гапга айлантира олади.

б) ривожлантирувчи: матн ва назарий маълумот билан ишлаш кўникмалари шаклланади, саволлар бериш, тиниш белгиларини тўғри қўйиш кўникмалари ривожлантирилади; ижтимоий кўникмаларга эга бўлади;

в) тарбиявий: нутқда маънонинг миллий-маданий компонентли лексикасидан фойдаланади, расмларни тасвирлашда халқнинг маданият ва урф-одатларидаги ўзгача хусусиятларни белгилаб ўтади.

Дарснинг ресурслари: рангли расмлар, топшириқлар ёзилган флип-чарт, маркер.

Дарс усули: ўқиш- ўқиганларини жуфтликда жамлаш, индивидуал ишлаш, жуфтликда ишлаш, Венн диаграмма.

Дарснинг бориши

I. Ташкилий қисм.

II. Уй вазифасини текшириш ва ўтилган мавзу юзасидан суҳбат.

Ақлий ҳужум. Ўқитувчи: «Топшириқларга диққат қилинг ва бажаринг»

1-топшириқ. Икки устундаги гапларни диққат билан ўқинг.

2-топшириқ. Қайси устундаги гаплар содда гап, қайсилари қўшма гап?

Тонг отди. Хўрозлар қичқира бошлади, оппоқ тонг отди.

Ҳаво айниди. Осмонни булут қоплади ва ҳаво айниди.

Мир Алишер мактабга кетди.

Мир Алишер иссиқ кийинди ва мактабга кетди.

Дарс бошланди. Қўнғироқ чалинди ва дарс бошланди.

Мир Алишер беш олди.

Мир Алишер дарсда яхши жавоб берди ва беш олди.

1. Эшик гарч этиб очилди ва руҳсат сўраб Дарवेशали кирди. (О.)

2. Вужудимиз ерниқидир, лекин шарафли ишларимиз – элники. (Саъдий).

3. Дўст орттириш ҳар ёшда зарур, аммо ёшлиқда бошланган дўстликнинг илдизи жуда чуқур ва мустаҳкам бўлади. (Саъдий). 4. Азонга бориб бўрон

шиддатидан тушиди, бироқ энгил шамол ҳавода қум зарраларини учуриб юрибди. (Х.Н.) 5. Қиш кечалари узун, шунинг учун чойхоналар обод. (А.Қ.) 6. Юрагингни кўз қорачигидай сақла, чунки у ҳаёт манбаидир.

3-топшириқ. Ажратилган сўзлар қандай вазифа бажаряпти?

№	Қадамлар	Кўрсатмалар
1	Назарий маълумот устида ишлаш учун фаоллаштириш (чақириш босқичида мавзунини ўқиш учун ўқувчининг қизиқишини орттириш).	Саволлар: -1–2- устундаги гапларнинг фарқи нимада? - Ажратилган сўзлар қандай вазифа бажаряпти? - Сизнингча, 1–2- устунчадаги гапларни тузилишига кўра қандай номлаш мумкин?
2	Жуфтликларга бўлиниш (ўқитувчи ўқувчиларни ўтирган жойларига, қаторига кўра бўлиши мумкин).	Жуфтликларга бўлинамиз.
3	Жуфтлик аъзоларини номерлаш. (мавзу 2 қисмдан иборат бўлгани учун 1,2).	Матн устида ишни жуфтликда олиб борасизлар. 1- «Содда ва кўшма гаплар». 2- «Кўшма гапта тиниш белгилар» мавзусини ўқийди. Лекин аввал бирингиз 1-қисмни докладчи (нотик), иккинчигиз тингловчи ёки қисм юзасидан савол тузувчи ролида ўқишингиз керак бўлади. Ўқиб бўлгач, 1-қисмни муҳокама қиласиз, тингловчининг саволларига нотик жавоб беради, 2-қисмни ўқишда ролларингиз алмашади.
4	Жуфтликда ишлаш бўйича кўрсатма (ҳар бир жуфтлик аъзолари ўз топшириғи устида ролларидан келиб чиққан ҳолда ахборотни ўрганади. Нотик, тингловчи).	Ўзингиз ўқиб тушунган маълумотларингиз натижаларини қоғозда акс эттириш ҳақида ўйланиб кўринг. Тақдимотга тайёргарлик кўринг.

5	<p>Жуфтликларнинг мавзудаги ўз қисмларини тақдимотга тайёр-гарлиги.</p>	<p>Келинлар, ҳар бир жуфтлик-лар ишининг натижаларини муҳокама қиламиз. Аввал биринчи рақамдаги роллар бошлайди. 1- «Содда ва қўшма гап» мавзуси талқин этилади. Кейин 2- «Қўшма гапда тиниш белгилар»</p>
6	<p>Навбат билан материаллар тақдими ва муҳокамаси. Аввал ҳамма биринчилар, кейин иккинчилар.</p>	<p>Тақдимотни тингланг, тингловчиларнинг саволларига жавоб беринг.</p>
7	<p>Ўқилган маълумотларни мустаҳкамлаш. * 183-машқда берилган содда гаплардан қўшма гап тузиш. * Жуфтликларда назарий маълумотларга таяниб, содда ва қўшма гап ҳақида Венн диаграммаси тузиш. 188-машқ. * Иқтидорли ўқувчилар учун берилган топширик билан ишлаш. * Дарснинг хулосаси: 1. Содда ва қўшма гап ҳақидаги қандай маълумот сиз учун муҳим бўлди? 2. Қўшма гап таркибидаги содда гаплар қандай боғловчилар ёрдамида боғланади?</p>	<p>2 содда гапдан боғловчи воситалар ёрдамида қўшма гап ҳосил қилиб ёзинг. 185-машқ. Гапларни ўқинг. Қўшма гап таркибидаги содда гапларни бириктирувчи воситалар рўйхатини тузинг. 189-машқ. Берилган матндан фақат қўшма гапларни ажратиб ёзинг. **190-машқ. Ўқинг. Қўшма гап таркибидаги содда гап орасига тиниш белгиларни қўйиб, кўчиринг. Ҳар бир гапнинг эга ва кесимини топинг, остига чизинг. Саволларга жавоб беришда дарсликдаги назарий маълумотдан фойдаланинг. Матнни ўқинг. Матнга таяниб «Куз кунларининг бирида» мавзусида иншо ёзинг.</p>
<p>*Уйга вазифа: 29,30-§ (назарий), 191-машқ. (амалий)</p>		

31-§. Кўчирма гап

Дарснинг мақсади:

а) таълимий: кўчирма гап ўзганинг гапи эканини, кўчирма гапни ёзувда қандай ифодаланишини, қандай тиниш белгилар қўйишни билиб олади.

б) ривожлантирувчи: матн ва назарий маълумот билан ишлаш кўникмалари шаклланади, саволлар бериш, тиниш белгиларини тўғри қўйиш кўникмалари ривожланади, ижтимоий кўникмаларга эга бўлади;

в) тарбиявий: нутқда маънонинг миллий-маданий компонентли лексикасидан фойдаланади, расмларни тасвирлашда халқнинг маданият ва урф-одатларидаги ўзгача хусусиятларни белгилаб ўтади.

Дарснинг ресурслари: рангли расмлар, топшириқлар ёзилган флип-чарт, маркер.

Дарс усули: индивидуал ишлаш, жуфтликда ишлаш.

Дарснинг бориши

I. Ташкилий қисм.

II. Уй вазифасини текшириш ва ўтилган мавзу юзасидан суҳбат.

Ақлий ҳужум. Ўқитувчи: «Топшириқларга диққат қилинг ва бажаринг. Ўқинг. Тиниш белгиларга аҳамият қилинг.

1. «Тонг борликнинг кўзи ҳисобланади», – деди Йўлдош бобо.
2. Мазлума опа деди: «Манманлик, кизганчиклик, ёлғончилик, кўрслик қилсанг, сени ҳеч ким ёқтирмайди».
3. Назаров отадан сўради: «Раҳим ота, «Фарҳод» га сизни ким юборган?»

III Дарслик билан ишлаш.

Янги мавзу баёни: ўқитувчи қуйидаги саволлар орқали ўқувчиларнинг мавзунини ўрганишга бўлган қизиқишини орттиради.

1. Ўзганинг (бировнинг) гапи деганда қандай гапни тушунасиш?
2. Нутқимизда ўзгаларнинг гапларидан фойдаланамизми?
3. Топшириқда нима учун айрим гаплар қўштирноққа олинган?

* кичик муҳокамадан сўнг ўқитувчи дарсликдаги назарий маълумотни саволларга жавоб излаган ҳолда индивидуал ўқиб чиқишни таклиф этади. Ўқувчи бу топшириқ орқали матнни аниқ кўрсатма билан ўқийди. Ўқиб бўлингач, муҳокама айнан саволлар устида олиб борилмоғи, жавоб ўринлар дарсликдан цитата тарзида келтирилиши мақсадга мувофиқдир.

IV. Ўқилган маълумотларни мустаҳкамлаш.

192, 193-машқларда ўқувчи кўчирма гапларни топади, уларнинг ўринларини изоҳлайди. 194, 195-машқда кўчирма гап билан муаллиф гапининг ўрнини алмаштириб ёзиш орқали мустақил равишда гапларни қайта куриш ва орфографик ва пунктуацион қоидаларига риоя қилиш кўникмалари шаклланади. 198- машқ матн устида ишлашга қаратилган. Ўқувчи «Дўстлик ҳақидаги мунозаралар» ни ўқиб, кўчирма гапларни ажратиб ёзади, матнга муносабат билдиради ва ўз дўсти ҳақида гапириб беради. Топшириқ ўқувчининг мустақил фикрини, ижодкорлигини шаклланишига ёрдам беради.

V. Дарснинг хулосаси:

1. Кўчирма гапнинг қандай белгилари ёдингизда қолди?
2. Кўчирма гап билан муаллиф гапининг ўрнини ўзгариши тиниш белгиларининг ишлатилишига қандай таъсир кўрсатади?
3. Дарсдан қандай хулоса олдингиз?

VI. Уйга вазифа: 32-§ (назария), 197-машқ (амалий).

32-§. Диалог ва унда тиниш белгиларининг қўлланилиши.

Этикетли диалог

Дарснинг мақсади:

а) таълимий: диалогнинг ёзувда қандай ифодаланишини, қандай тиниш белгилар қўйишни билиб олади, тақдим этилган ўқув ҳолатидаги ролларга мувофиқ диалогни давом эттиради;

б) ривожлантирувчи: матн ва назарий маълумот билан ишлаш кўникмалари шаклланади, саволлар бериш, тиниш белгиларини тўғри қўйиш кўникмалари ривожланади, ижтимоий кўникмаларга эга бўлади;

в) тарбиявий: нутқда маънонинг миллий-маданий компонентли лексикасидан фойдаланади, расмларни тасвирлашда халқнинг маданият ва урф-одатларидаги ўзгача хусусиятларни белгилаб ўтади, кундалик мулоқотнинг одоб меъёрларини билади (этикетли диалог)

Дарснинг ресурслари: рангли расмлар, топшириқлар ёзилган флип-чарт, маркер.

Дарс усули: индивидуал ишлаш, жуфтликда ишлаш.

Дарснинг бориши

I.Ташкилий қисм.

II. Уй вазифасини текшириш ва ўтилган мавзу юзасидан суҳбат.

Ақлий ҳужум. Ўқитувчи: «Топшириқларга диққат қилинг ва бажаринг».

1-топшириқ.

Масални ўқинг, унда нечта қаҳрамоннинг суҳбати баён этилганини аниқланг. Ёзувда ифодаланишига этибор қилинг. Масалда ифода этилган асосий фикрни аниқланг.

Бўрон, Жала, Куёш, Дарё Одамзоднинг олдига боришибди.

–Эй, одамзод, сен бизга бир муаммони ҳал қилиб бермасанг, оқибати ёмон бўладиганга ўхшайди, –дебди Куёш табассум билан.

–Бажонидил, –жавоб қилибди Одам.

–Дунёда энг зўр ким? – Менми ё бошқами? – сўрабди биринчи бўлиб Бўрон.

– Йўқ, сен эмассан.Сени жиловлаб қўювчи куч-қудрат бор! –жавоб берибди Одам.

–Бўлмаса, менми? –орага тушибди Жала.

–Сен ҳам эмассан. Сенинг йўлингни тўса оладиган бор!

–Бўрон. Жала бўлмаса мен зўр эканман-да, –дебди Дарё.

–Дунёда шундай бир куч борки, у сени жиловлаб олиб, истаган кўйга сола олади.

Одамнинг бу сўзларини эшитган Куёш:

–Мен энг зўрман, деб айтмабмидим, – дея мағрурланибди. Қаҳримга олсам, ер юзини буткул жизғанақ қила оламан.

–Эй, Куёш, кўп катта кетма, у сени ҳам измига сола олади.

–Ҳой, Одамзод қани очиқ айт, бизлардан ҳам зўр ким ўзи? – сўрашибди Куёш, Бўрон, Жала, Дарё.

– Аҳиллик, дўстлик! – дебди Одам.– Аҳиллик, Дўстлик бор жойда сенлар ҳеч нарса эмассанлар, Дарёдан зўр, Жаладан кучли, Бўрондан қудратли, Куёшдан ҳароратли бу –Аҳиллик, Дўстлик, Биродарликдир!

2-топшириқ. Ҳар бир қаҳрамоннинг гапи ёзувда қандай берилганини айтинг.

Ўқитувчи топшириқни бажаришда ўқувчилар диққатини суҳбатнинг мазмунига ҳамда нутқ шаклига тортади. Йўналтирувчи саволлар орқали мавзуга олиб кирилади.

1. Одатда, суҳбат неча киши орқали қурилади?

2. Юқорида сиз ўқиган матнда ҳар бир қаҳрамоннинг гапи ёзувда қандай ифодаланмоқда, қандай тиниш белгилари қўлланмоқда?

III Дарслик билан ишлаш.

Янги мавзу баёни:

*Кичик муҳокама ва мунозарадан сўнг диалог ҳақидаги назарий маълумотни индивидуал равишда ўқиш таклиф этилади. Ўқиганлари натижаларини жуфтликда шериги билан муҳокама қиладилар. Умумий гуруҳда диалог ҳақидаги яхлит фикр чиқарилади.

IV . Ўқилган маълумотларни мустаҳкамлаш.

* 199-жуфтликда ишлаш учун мўлжалланган, диалог ҳақидаги диалогни ўқиш ва муҳокама қилиш орқали мустақил равишда шериги билан 200-машқ шартига кўра диалог тузадилар. 200, 201, 202-машқларни бажариш орқали диалогда тиниш белгиларни тўғри ишлатишга ўрганадилар. 203-машқда шериги билан берилган мавзуларнинг бирини танлаб диалог тузадилар.

«Кутубхонада», «Истироҳат боғида», «Танаффусда», «Ҳашарда».

*204-машқдаги топишмоқлар орқали бир-бирлари билан суҳбат курадилар ва фикр алмашадилар.

*207, 208-машқни иқтидорли ўқувчилар диалогда тиниш белгиларни тўғри қўйиб, телефондаги суҳбатни давом эттириб, ўртоқларига тақдимот этишлари мумкин.

V. Дарснинг хулосаси:

1. Диалог ҳақида ўрганганларингизни хулосаланг.
2. Диалогда қандай тиниш белгилар ишлатилади?
3. Дарсда сиз учун нима қимматли бўлди?

VI. Уйга вазифа: 31-§ (назарий) 210-машқ «Икки дугонанинг ўзаро суҳбати», «Синф мажлисидаги ўқувчилар» мавзуларининг бирига суҳбат матни тузинг.

33 - §. Нутқ товушлари ва уларнинг ҳосил бўлиш

34-§. Унли ва ундош товушлар

Дарснинг мақсади:

а) таълимий: нутқ товушлари, уларнинг ҳосил бўлиши, нутқ аъзолари ҳақида маълумотлар билиб олади, ёзувда унли, ундош товушларни ва уларнинг сўздаги уйғунлигини тўғри талаффуз қилади;

б) ривожлантирувчи: матн ва назарий маълумот билан ишлаш кўникмалари шаклланади, саволлар бериш, унли ва ундош ёрдами-

да маъно жиҳатдан фаркланаётган сўзларни ажрата олади, ижтимоий кўникмаларга эга бўлади;

в) тарбиявий: нутқда маънонинг миллий-маданий компонентли лексикасидан фойдаланади, расмларни тасвирлашда халқнинг маданият ва урф-одатларидаги ўзгача хусусиятларни белгилаб ўтади.

Дарснинг ресурслари: нутқ аъзолари расми, топшириқлар ёзилган флипчарт, маркер.

Дарс усули: индивидуал ишлаш, жуфтликда ишлаш, Венн диаграммаси.

Дарснинг бориши

I. Ташкилий қисм.

II. Уй вазифасини текшириш ва ўтилган мавзу юзасидан суҳбат.

Ақлий хужум. Ўқитувчи: «Топшириқларга диққат қилинг ва бажаринг».

Кўчиринг. Унли товушларни ифодаловчи ҳарфларнинг тагига бир чизик, ундош товушларни ифодаловчи ҳарфларнинг тагига икки чизик чизинг.

*Борганимда ҳар сафар Ўшга,
Энг аввало, назарим тушар
Довруғи йўқ кичик тоғларга.
Кичик тоғлар азал-азалдан
Маълум бўлган кўп инсонларга,
Нега ўсмай қолган бу тоғлар,
Тенг келмаган Тиёншонларга?
(Ш.Р.)*

Ўқитувчи саволлари:

1. Унли ва ундош товушларни қандай ажратдингиз?
2. Унли ва ундош товушларнинг талаффузида қандай ўзгачалик бор?
3. Ўзингиз яхши кўрган кўшиқдан 1,2 мисра хиргойи қилиб кўринг, қандай товушлар чўзиб талаффуз қилинмоқда?
4. Ундош товушларни ҳам шундай талаффуз қилиш мумкинми?

III. Дарслик билан ишлаш.

Янги мавзу баёни: Ўқитувчи нутқ аъзолари расми, қоидалар ёзилган флипчартдан фойдаланиб, нутқ товушлари ва уларнинг турлари, нутқ аъзолари ҳақида ўқувчиларга йўналтирувчи саволлар бериб, мавзунини ёритади. Ўқувчининг дастлабки билимларини кенгайтириб боради. «Унли ва ундош товушлар» ҳақидаги мавзунини қалам билан махсус белгилар кўйиб ўқишни таклиф қилади:

- (v) – билардим;
- (+) – мен учун янгилик;
- (?) – тушунмадим.

Ўқиш натижалари умумий гуруҳда муҳокама қилиниб, саволларга жавоблар берилади.

IV. Ўқилган маълумотларни мустақкамлаш.

*211, 212-машқларда унли ёки ундош товуш орқали маъно жиҳатдан фарқланаётган сўзларни ажратиб ёзадилар. 213-машқда унли ва ундош товушларни мустақил равишда классификация қиладилар.

Унли товушлар	
Ундош товушлар	

*214-машқни жуфтликда бажариб, Венн диаграмма тузадилар, иш тартиби аввал ўзгачалиги, сўнгра ўхшаш томонларини ишлаб чиқадиладар. 215-машқ оммавий бўлиб, ўқувчилар уни мустақил бажарадиладар.

Анаграмма ҳақида ўқитувчи тушунча беради ва ўқувчилар қуйидаги топшириқни бажарадиладар.

Анаграммадаги (яширинган сўз) ҳарфларни ўз ўрнига қўйиб, сўз тузинг:
 АНИН
 МАЛО
 РАҲОБ

V. Дарснинг хулосаси:

1. Фонетика нимани ўрганади?
2. Нутқ товушлари қандай ҳосил бўлади, уларнинг қандай турларини биласиз?
3. Нутқ аъзолари – нутқ аппарати деганда нима тушундингиз?

VI. Уйга вазифа: 33, 34-§. 216-машқ. Имло лугатидан унли билан бошланган 10 та, ундош билан бошланган 10 та сўз ёзинг. Сўзлардаги ҳарфлар ва товушлар сонини қиёсланг.

35-§. Жарангли ва жарангсиз ундошлар

Дарснинг мақсади:

а) таълимий: жарангли ва жарангсиз ундошларнинг ҳосил бўлиши, уларнинг фарқи ҳақида маълумотлар билиб олади, ёзувда жарангли ва жарангсиз ундошларни тўғри ёзишни ўрганади;

б) ривожлантирувчи: матн ва назарий маълумот билан ишлаш кўникмалари шаклланади, саволлар бериш, жарангли ва жарангсиз ундошлар (боб- боп, дод- тот) ёрдамида маъно жиҳатдан фарқланаётган сўзларни ажрата олади; жарангли-жарангсиз ундошларнинг жуфт ҳосил қилишини англайди; ижтимоий кўникмаларга эга бўлади;

в) тарбиявий: нутқда маънонинг миллий-маданий компонентли лексикасидан фойдаланади, расмларни тасвирлашда халқнинг маданият ва урф-одатларидаги ўзгача хусусиятларни белгилаб ўтади.

Дарснинг ресурслари: нутқ аъзолари расми, топшириқлар ёзилган флипчарт, маркер.

Дарс усули: индивидуал ишлаш, жуфтликда ишлаш, Венн диаграмма.

Дарснинг бориши

I. Ташкилий қисм.

II. Уй вазифасини текшириш ва ўтилган мавзу юзасидан суҳбат.

Ақлий ҳужум. Ўқитувчи луғат диктант ёзишни таклиф этади.

Макта...(б-н), гўш...(д-т), обо...(т-д), озо...(д-т), ҳисо...(б-н) , серо...(б-н) , гурдо...(н-б) , син...(ф-н), били...(б-н), кўри...(б-н), дўс...(т-д), гиш...(т-д), заво...(д-т), офто...(б-н).

Диктант ёзиб бўлингач, сўзларнинг ёзилиши текширилади. Ўқитувчи мавзуга қаратилган саволлар орқали ўқувчиларнинг қизиқишларини орттиради.

1. Қуйидаги товушларга намуна асосида жуфтлар танланг. Намуна: б-п, д-т.

з- ... , г- ... , д- ... , жс- ... , ф-

2. Улар қандай талаффуз қилинмоқда?

3. Луғат диктантда сўз охирида келган ундошларни ёзишда сиз учун қандай қийинчиликлар пайдо бўлди?

III Дарслик билан ишлаш.

Янги мавзу баёни:

– назарий маълумотни индивидуал ўқиш;

– жуфтликда муҳокама қилиш;

– хулоса ва натижаларни жамлаш. Ўқитувчи муҳокамада юқорида берилган саволларга жавоб бўлаётган назарий маълумотни дарсликдан топиб ўқишларини таъкидлаб туради, бу нарса ўқувчида фикрини далиллашга ўргатиб боради.

IV. Ўқилган маълумотларни мустаҳкамлаш.

*218-машқдаги сўзларни айтилиши ва ёзилишидаги фарқни изоҳлайди. Текширув ёзма ишларда бундай сўзларни ёзишда диққат қилишга чақиради. 219-машқда берилган мақоллардаги тушириб қолдирилган ундошларни қўйиб кўчиради, мақолларнинг маънолари изоҳланади. 220- машқда ундошлар классификация қилинади.

Жарангли ундошлар	
Жарангсиз ундошлар	

V. Дарснинг хулосаси:

*Шеригингиз билан «Она тили дарсида ўргандим» мавзуида оғзаки кичик матн тузинг.

VI. Уйга вазифа:35-§(назарий) 221-§-машқ. Имло луғатидан жарангли ундошлар билан бошланган сўзлардан 5та, жарангсиз ундошлар билан бошланган сўзлардан 5 та ёзинг.

36- §. Бўғин. Бўғин турлари

37-§. Урғу. Урғу турлари

Дарснинг мақсади:

а) таълимий: бўғин, унинг турлари, урғули бўғин ҳақида билиб олади; гапда, матнда мантиқий урғу, паузаларни тўғри қўяди ва ифодалиликка риоя қилади;

б) ривожлантирувчи: матн ва назарий маълумот билан ишлаш кўникмалари шаклланади; бўғин ва унинг турлари ҳақидаги билимларни мустаҳкамлайди; урғу ёрдамида маъно жиҳатдан фарқланаётган сўзларни ажрата олади, ижтимоий кўникмаларга эга бўлади;

в) тарбиявий: нутқда маънонинг миллий-маданий компонентли лексикасидан фойдаланиб, уни кадрлашни билади.

Дарснинг ресурслари: рангли расмлар, топшириқлар, назарий маълумотлар ёзилган флипчарт, маркер.

Дарс усули: индивидуал ишлаш, жуфтликда ишлаш, Венн диаграмма.

Дарснинг бориши

I. Ташкилий қисм.

II. Уй вазифасини текшириш ва ўтилган мавзу юзасидан суҳбат.

Аклий ҳужум.

1-топширик. Ҳадисдаги унли товушларни белгиланг.

Имом Бухорий ҳадисларида шундай деб ёзилган: «Кимки ризқим улуғ, умрим узок бўлсин деса, қариндош-уруғларига оқибатли бўлсин».

2-топширик. Ҳар бир сўзни бўғинларга ажратинг.

3. Сўзнинг қайси бўғини, сизнингча, бошқаларга нисбатан кучлироқ оҳангда талаффуз қилинмоқда?

4. Сўздаги унли товушлар билан бўғинлар сонини сананг.

III. Дарслик билан ишлаш.

Янги мавзу баёни:

*Бўғин ва урғу ҳақидаги қоидалар ёзилган флипчарт ёрдамида 3-4-саволлар муҳокама қилинади. Мавзудаги асосий тушунчалар изоҳланади. Очик ва ёпиқ, урғули ва урғусиз бўғинлар ҳақидаги маълумотлар таҳлил қилинади. Сўз урғуси ва гап (мантикий) урғу, унинг гапдаги ўрни ҳақидаги маълумотлар таъкидланади.

IV. Ўқилган маълумотларни мустаҳкамлаш.

* «Олмаҳон ва бўри» ҳақидаги масални ўқиб, сўзлардаги қайси бўғин чўзиқ айтилаётганини аниқлайдилар. Матндаги сўнги абзаци қайта ўқиш ва мазмунини таҳлил қилиш, одамларга нисбатан ибратли томонлари ҳақида фикр юритадилар.

*222, 223-машқларда сўзларни бўғинларга ажратиб, урғули бўғинларни аниқлайдилар. Ўзақдош сўзларда бўғин кўпайиши билан урғунинг силжишини изоҳлайдилар. 224-машқда урғу сўзни маъно жиҳатдан фарқлаётгани таъкидланади ва мисоллар орқали тушунтирилади.

V. Дарснинг хулосаси:

1. Бўғин ва урғу ҳақидаги қандай маълумотлар сиз учун янгилик бўлди?

2.»Ўзбек тилида урғу мавзусида» ўрганганларингиз асосида кичик ҳикоя тузинг.

VI. Уйга вазифа: 36, 37-§ (назарий)

226-машқ. Имло луғатидан 10 та бошқа тиллардан кирган сўзлардан ёзинг ва урғули бўғинни белгиланг.

38- §. Ёзувда товушларнинг белгиланиши. Алифбо

Дарснинг мақсади:

а) таълимий: товуш ва ҳарфнинг фарқини ажратади, сўзларда товушлар ва ҳарфлар сонини аниқлайдилар, турли маълумотлар билан алифбо тартибида ишлай оладилар; сўзнинг товуш кўринишини унинг график тасвири билан мувофиқлаштиради; ҳарфлар ва товушларни аралаштирмайди;

б) ривожлантирувчи: матн ва назарий маълумот билан ишлаш, саволлар бериш, кўникмалари шаклланади, луғатлар билан ишлашда алфавитдан эркин фойдаланади; ижтимоий кўникмаларга эга бўлади;

в) тарбиявий: нутқда маънонинг миллий-маданий компонентли лексикасидан фойдаланишни, алифбодаги товушлар она тилимизнинг лексик бойлигини ташкил этувчилар эканлигини ҳис қилади.

Дарснинг ресурслари: рангли расмлар, топшириқлар, назарий маълумотлар ёзилган флипчарт, маркер.

Дарс усули: индивидуал ишлаш, жуфтликда ишлаш, Венн диаграмма.

Дарснинг бориши

I. Ташкилий қисм.

II. Уй вазифасини текшириш ва ўтилган мавзу юзасидан суҳбат.

Ақлий ҳужум.

1-топшириқ. Алифбони ёддан айтинг.

2-топшириқ. Саволларга жавоб беринг.

1. Алифбо деганда нимани тушунаси?

2. Ҳарф деб нимага айтилади ?

3. Товуш билан ҳарфнинг фарқи нимада?

Саволлар мавзуни ўрганишга чақиради, дастлабки билимларни тиклашга, хотирадаги маълумотларни янгилашга ёрдам беради, қизиқишларини ўстиради.

III. Дарслик билан ишлаш.

Янги мавзу баёни:

*назарий маълумот билан танишадилар, ўқиш давомида саволларга берган ўз жавоблари билан ўхшаш томонларини текширадилар. Ўқувчи назарий маълумот билан аниқ бир кўрсатма асосида танишса, шунчаки ўқиб чиқмайди, балки кузатади, текширади, солиштиради, хулоса чиқаради. Назарий маълумот билан танишган ўқувчи, масалан, мен

«Ҳарфларни кўрамиз ва ёзамиз» деб айтган эдим, жавобим тўғри экан қабилда хулосалар қила оладилар.

IV. Ўқилган маълумотларни мустаҳкамлаш.

*227, 228-машқлар синфдош ўртоқларининг исмларини алифбо тартибда ёзиш, сўзлардаги товуш ва ҳарфлар сонини индивидуал аниқлашга қаратилган. Жуфтликда шахар ва қишлоқлар номларини алифбо тартибда ёзиб мусобақаланиш, ҳарф ва товуш ҳақида ўрганганлари асосида Венн диаграммаси тузиш ўқувчилар қизиқишларини орттириши мумкин.

V. Дарснинг хулосаси:

1. Алифбо нутқимизда қандай аҳамиятга эга?
2. Товуш билан ҳарфнинг фарқи нимада?

Берилган саволларга жавоблар тингланади, ўқитувчи алифбо нима-ларнинг тартибланишига ёрдам бериши ҳақида ўқувчилар фикрини жонлантиради.

VI. Уйга вазифа: 38-§ (назарий) 229-машқ. Берилган сўзларни фонетик таҳлил қилинг.

39-§. и ва у унлиларининг айтилиши ва ёзилиши

40-§. а, о ва ў унлиларининг айтилиши ва ёзилиши

41-§. э унлисининг айтилиши ва ёзилиши

Дарснинг мақсади:

а) таълимий: унлиларнинг айтилиши ва ёзилишидаги фарқларни ажратади, сўзларда тушириб қолдирилган ҳарфларни ўз ўрнига қўйиб ёза оладилар, имло луғати билан ишлай оладилар;

б) ривожлантирувчи: матн ва назарий маълумот билан ишлаш, саволлар бериш кўникмалари шаклланади, луғатлар билан ишлашда алфавитдан эркин фойдаланади; ижтимоий кўникмаларга эга бўлади;

в) тарбиявий: нутқда маънонинг миллий-маданий компонентли лексикасидан фойдаланишни, тилимизнинг ранг-баранг ва жозибали эканлигини ҳис қилади.

Дарснинг ресурслари: рангли расмлар, топшириқлар, назарий маълумотлар ёзилган флипчарт, маркер.

Дарс усули: индивидуал ишлаш, жуфтликда ишлаш.

Дарснинг бориши

I. Ташкилий қисм.

II. Уй вазифасини текшириш ва ўтилган мавзу юзасидан суҳбат.

Ақлий ҳужум. Ўқитувчи луғат диктант ёзишни таклиф этади.

1. Билим, тирак, хирмон, хина, қизик, ғишт, усул, қуш, қовун, туш, бутун, товуш.

2. Қалам, ғалаба, хабар, завод, таом, ўт, кўмир, ўлка, ўрик, ўқи, ош, Ўш, сомон, тонна, нота.

3. Элак, этик, экин, экран, терак, белги, эҳсон, телефон.

Луғат диктант ёзиб бўлингач, имло луғатидан ёки сўзлар ёзилган флипчарт орқали текшириб олинади. Ўқитувчи ўқувчи диққатини ҳар бир гуруҳдаги сўзларнинг айтилиши ва ёзилишидаги ўзгачаликларга тортади. Саволлар орқали муҳокама уюштиради.

**Билим* ва *ғишт* сўзларидаги и унлиси қандай талаффуз қилинмоқда?

**Тонна* ва *ош* сўзларидаги о унлиси қандай талаффуз қилиниб, қандай ёзилмоқда?

**Элак* ва *терак* сўзларидаги э, е унлиси қандай талаффуз қилинмоқда?

III. Дарслик билан ишлаш.

Янги мавзу баёни:

Ўқувчиларни 3 гуруҳга ажратиб, ҳар бир гуруҳга топшириқни уқтиради.

1-гуруҳ и ва у унлиларининг айтилиши ва ёзилиши

2-гуруҳ а, о ва ў унлиларининг айтилиши ва ёзилиши

3-гуруҳ э унлисининг айтилиши ва ёзилиши ҳақидаги назарий маълумотларни ўқиб, тақдим этишга тайёрлаши, бошқа гуруҳнинг мавзуси бўйича саволлар тузиши керак. Тақдимотга чиққан гуруҳ ўзига берилган маълумотни мисоллар ёрдамида тушунтиради ва берилган саволларга жавоб беради.

IV. Ўқилган маълумотларни мустаҳкамлаш.

*232, 235-машқларда нукталар ўрнига зарур унлиларни қўйиб, имло луғатидан текширадилар. 236, 237-машқларда сўзларни тўғри ёзиш ва ёдда сақлаш топшириғи берилган. Ўқитувчи бу топшириқларни хотира диктанти тарзида ўтказиши ҳам мумкин.

*Матн устида ишлаш учун «Олам тўлсин қўшиққа» шеъри берилган. Шеър орқали ўқитувчи бутун дунёда ҳамиша тинчлик бўлишини, болалар тинч ва фаровон ҳаёт кечиришини истаган шоирнинг қалб сўзларини ифодали айтиб беради.

V. Дарснинг хулосаси:

«Унлиларни тўғри ёзиш учун...» мавзусида шеригингиз билан кичик матн тузинг. Дарсада олган маълумотларингиздан фойдаланинг.

VI. Уйга вазифа: 39, 40, 41-§ (назарий); 234, 238-машқларни шартига биноан бажариш.

42-§. е, ё, ю, я ҳарфларининг ишлатилиши

43-§. Айрим ундош товушларнинг ёзувда ифодаланиши

Дарснинг мақсади:

а) таълимий: е, ё, ю, я ҳарфларининг айтилиши ва ёзилишидаги фарқларни ажратади, айрим ундош товушларнинг ёзувда ифодаланишини биладилар, сўзларда тушириб қолдирилган ҳарфларни ўз ўрнига қўйиб ёза оладилар, имло луғати билан ишлай оладилар;

б) ривожлантирувчи: матн ва назарий маълумот билан ишлаш, саволлар бериш, кўникмалари шаклланади, луғатлар билан ишлашда алфавитдан эркин фойдаланади; ижтимоий кўникмаларга эга бўлади;

в) тарбиявий: нутқда маънонинг миллий-маданий компонентли лексикасидан фойдаланади, расмларни тасвирлашда халқнинг маданият ва урф-одатларидаги ўзгача хусусиятларни белгилаб ўтади.

Дарснинг ресурслари: рангли расмлар, топшириқлар, назарий маълумотлар ёзилган флипчарт, маркер.

Даре усули: индивидуал ишлаш, жуфтликда ишлаш.

Дарснинг бориши

I. Ташкилий қисм.

II. Уй вазифасини текшириш ва ўтилган мавзу юзасидан суҳбат.

Ақлий ҳужум. Грамматик топишмоқларнинг жавобини топинг.

1. Қайси сўзларда мавжуд

Я, ё, ю унли ҳарфлар?

Улардан сўнг ёзилмас

Ёзувда қайси ҳарфлар?

2. Бир чизиқча ҳам о дан

Бунёд бўлган ўзлари.

Уни қўтарган бошга

Юрак, юлдуз сўзлари.

3. Бор «ялтиз» да, «яшин» да

Ҳам «яқин», ҳам «яшил» да.

Ундан сўнг ёзилмас а,

У қайси ҳарф экан-а?

4. «Дунё» да бор
«Дарё» да бор.
«Денгиз» да йўқ,
«Олам» да йўқ?

Топишмоқларнинг жавобларини 1) а, о, у; 2) ю ҳарфи; 3) я ҳарфи; 4) ё ҳарфи; топишгач, шу ҳарфлар иштирокидаги сўзлардан кичик луғат диктант ёздирish мумкин. Ёзган диктантни имло луғат ёрдамида текшириб олинади. Имло луғатидан сўзнинг охирида келган жарангли ундошларнинг ёзилишига ва ф, п, қ, х имлосига доир мисоллардан ёздирилади. Саволлар орқали ўқувчилар эътиборини имло қоидаларни ўрганишга тортади.

1. Е, ё, ю, я унлилари қандай талаффуз қилиниб, қандай ёзилади?
2. Сўзнинг охирида келган б, д жарангли ундошларнинг айтилиши ва ёзилишида қандай фарқни кўряпсиз?
3. Ф, п ундошлари билан бошланган сўзларни талаффуз қилинг, ўзгачалик борми?
4. Мақтов, мақсад сўзларидаги қ ундошининг айтилиши ва ёзилишида қандай фарқ бор?

III. Дарслик билан ишлаш.

Янги мавзу баёни:

*сўзларнинг ёзилишига доир имло қоидалари билан таништирилади. Имло луғатидан 8, 9, 10, 11-§ лар е, ё, ю, я ҳарфларининг имлоси; 12, 13, 14, 15-§ лар айрим ундошлар имлоси ҳақидаги маълумотлардан фойдаланиш тавсия этилади. Ҳар бир қоида ўқилгач, юқоридаги саволларга топилган жавоблар таъкидланиб борилади.

IV. Ўқилган маълумотларни мустаҳкамлаш.

*240-машқда нукталар ўрнига қавс ичидаги е, ё, ю, я унлиларидан мосини қўйиб, матнни тўлиқлаб кўчирилади. 239-машқда эса унлилар иштирокидаги сўзлардан фойдаланиб, ўзлари мустақил равишда кичик матн тузишни машқ қилиб кўрадилар.

*242, 243, 244-машқлар айрим ундошлар имлоси бўйича олинган маълумотларни пухталашга қаратилган.

V. Дарснинг хулосаси:

1. Дарсда ўрганган имло қоидаларининг аҳамияти нимада?
2. Ушбу кодаларни пухта ўрганиш сизга қандай ёрдам беради?

VI. Уйга вазифа: 42,43-§ (назарий), 246, 247-машқлар амалий.

44- §. Айириш ва юмшатиш белгиларининг ишлатилиши

Дарснинг мақсади:

а) таълимий: ь ва ь белгиларининг ишлатилишидаги фарқларни ажратади, белгиларнинг вазифаларини билиб олади, сўзларда тушириб қолдирилган белгиларни ўз ўрнига қўйиб ёза оладилар, имло луғати билан ишлай оладилар;

б) ривожлантирувчи: матн ва назарий маълумот билан ишлаш, саволлар бериш, кўникмалари шаклланади, луғатлар билан ишлашда алфавитдан эркин фойдаланади; ижтимоий кўникмаларга эга бўлади;

в) тарбиявий: нутқда маънонинг миллий-маданий компонентли лексикасидан фойдаланишни, халқнинг маданият ва урф-одатларидаги ўзгача хусусиятларни англайдилар.

Дарснинг ресурслари: рангли расмлар, топшириқлар, назарий маълумотлар ёзилган флипчарт, маркер.

Дарс усули: индивидуал ишлаш, жуфтликда ишлаш.

Дарснинг бориши

I. Ташкилий қисм.

II. Уй вазифасини текшириш ва ўтилган мавзу юзасидан суҳбат.

Ақлий ҳужум. Ўқитувчи саволи: айириш ва юмшатиш белгиси ҳақида нима биласиз?

– индивидуал ўйлаш, жуфтликда муҳокамадан сўнг, фикрлар белгиланган вақт ичида кластерга туширилади.

III Дарслик билан ишлаш.

Янги мавзу баёни:

*Янги маълумот билан танишиш учун кўрсатма берилади. Ўқиш давомида сиз таниш маълумотларнинг тасдиғини ва янги маълумотларни излаган ҳолда ишланг. Янги фикрларингиз асосида кластер давом эттирилади. Индивидуал ўкиб, жуфтликдаги муҳокамадан сўнг янги топилган фикрлар рўйхати тузилади. Фикрлар ҳар бир жуфтликлардан олинади. Ўқувчилар куйидагича фикрлар бериши мумкин:

– айириш белгиси ўзидан олдин келган унли ёки ундошни чўзиб, айириб талаффуз этиш учун ишлатилади: маъно, шеър.

– юмшатиш белгиси айрим товушларни ва бўғинларни бири-биридан айириб талаффуз этиш учун ишлатилади: пьеса, батальон, бильярд.

– охири юмшатиш белгиси билан битган сўзларга бирор қўшимча қўшилса, ёзувда юмшатиш белгиси тушириб қолдирилади: Авиамодель-авиамоделчи.

Айтилган фикрлар кластерга қўшиб давом эттириб қўйилади.

IV. Ўқилган маълумотларни мустаҳкамлаш

*249-машқда ўқувчилар берилган сўзларнинг қай бирида ь белгиси унлиларни ундошдан ажратиш учун, қайси сўзларда унлини чўзикрок талаффуз қилиш учун ишлатилганига қараб сўзларни 2 гуруҳга ажратиб ёзадилар, ўрганган қоидаларини мустаҳкамлайдилар. 251-машқда сўзларнинг маъноларини тушунтирадилар.

Шеър-шер, саъва-сава, таъна-тана, даъво-даво, қалъа-қала, санъат-санат.

V. Дарснинг хулосаси: 248-машқда берилган жадвал юзасидан ишлаш дарс давомида олган билимларини хулосалашга ёрдам беради.

№	Саволлар	Ь белгиси	Ъ белгиси
1	Сўзнинг бошида ишлатиладими?		
2	Сўзнинг ўртасида келса қандай талаффуз қилинади ?		
3	Белгилар қатнашган сўзларнинг бўғинлари кейинги йўлга қандай кўчирилади?		
4	Сўзнинг охирида келадими?		
5	Четдан кирган сўзлардан мисол келтиринг.		
6	Сўзнинг охирида келиб, қўшимча қўшилса қандай ёзилади?		

VI. Уйга вазифа: 44-§ (назарий), 250, 252-машқлар (амалий).

45-§. Орфоэпия

46-§. Орфография

Дарснинг мақсади:

а) таълимий:

- ўрганилган қоидаларга мустақил равишда сўзлар танлайди;
- ўрганилган қоидаларга мувофиқ орфографик хатоларни топади ва тузатади;
- текширилмаган орфоргаммалар билан ўрганилган сўзларни тўғри ёзади;
- орфографик луғатдан мустақил фойдаланади;
- имло луғати билан ишлай оладилар;

б) ривожлантирувчи: матн ва назарий маълумот билан ишлаш, саволлар бериш кўникмалари шаклланади, луғатлар билан ишлашда алфавитдан эркин фойдаланади; ижтимоий кўникмаларга эга бўлади;

в) тарбиявий: нутқда маънонинг миллий-маданий компонентли лексикасидан фойдаланади, расмларни тасвирлашда халқнинг маданият ва урф-одатларидаги ўзгача хусусиятларни белгилаб ўтади.

Дарснинг ресурслари: рангли расмлар, топшириқлар, назарий маълумотлар ёзилган флипчарт, маркер.

Дарс усули: индивидуал ишлаш, жуфтликда ишлаш, Венн диаграммаси.

Дарснинг бориши

I. Ташкилий қисм.

II. Уй вазифасини текшириш ва ўтилган мавзу юзасидан суҳбат.

Аклий ҳужум.

Дарсликдаги топшириқларни флипчартга ёзиш ёки слайд ҳолида тайёрлаб ишлаш мумкин.

1-топшириқ. *Дўст, тўрт, дарахт, рост, баланд, хурсанд* сўзларини бир кўздан кечириб оғзаки равишда китобга қарамасдан талаффуз қилинг. Талаффузда қайси ҳарфлар айтилмасдан қоляпти.

2-топшириқ. Синф, қисм, ҳукм, ақл, нашр, расм, сабр сўзларини ўқинг. Сўзларни талаффуз қилган пайтда қайси ҳарфлардан кейин и, у унлилари қўшилиб қоляпти.

3-топшириқ. Тез айтишни ўқинг ва тез айтишга ҳаракат қилинг.

Қишда кишимни пишмасмиш,

Пишса кишимни қишмасмиш.

4-топшириқ. Тез айтишнинг мазмуни нима ҳақида эканлигини айтиб беринг. Сўзлардаги қайси товуш такрорланяпти? Уни қандай талаффуз қилдингиз? Тез айтишни ёдланг ва дўстингиз билан бир-бирингизга айтиб беринг.

***Топшириқ.** Матнни диққат билан ўқинг. Сўзлардаги тушириб қолдирилган ҳарфларни ўрнига қўйиб 1-устунга ва имло хатосига йўл қўйилган сўзларни тўғрилаб 2-устунга ёзинг.

Нутқ маданияти

«Мана бу одам чиройли, со... , аниқ, тўғри гаптиради. Бир сўз билан айтганда, мадани...тли сўзлашади», деган э...тиборга ло...иқ бўлиши учун нималарга аҳамият б...рши лозим. «Нутқ маданияти» тушунчаси кўп нарсаларни ўз ичига олади. Аблат...а, нутқдаги «демак», «шунда... қилби», «иннайкейин», «ҳалиги «каби сўзлар билан кура...иш ҳам керак. Нут...ни ҳар хил бетакаллу... , кўпол ва хашаки сўзлар билан тўлдири... юборишдан сақланиш ло...им.

Кито...ларни кўп ва диқ...ат билан ўқигин.Уйда, иложи борича, қандайдир лу...атлардан, масалан, «Ўзбек тилининг изоҳли лугати» дан тез-тез фойдаланинг. (Болалар энц.)

Топшириқ.

1. Нотўғри ёзилган сўзларни тўғрилаб ёзишда сизга нима ёрдам берди?
2. Фикрни ёзувда тўғри ифодалаш учун нималарни билиш керак?
3. Тўғри ёзиш қоидаларини ўрганишда қандай лугатлардан фойдаланиш мумкин?

III. Дарслик билан ишлаш.

Янги мавзу баёни:

*Топшириқлардан сўнг орфоэпия ва орфография ҳақидаги назарий маълумотлар билан таништирилади. Саволларга берилган жавоблар билан назарий маълумотлар қиёсланади. Ўқувчилар диққати орфоэпия-тўғри талаффуз қилиш, орфография-тўғри ёзиш қоидалари йиғиндиси эканига тортилади.

IV. Ўқилган маълумотларни мустаҳкамлаш.

*253, 254-машқлар орфоэпия юзасидан. 258-259-машқлар орфография, олган билимларини мустаҳкамлайди.

V. Дарснинг хулосаси:

*256-машқ. Матнни ўқинг. Муаллиф фикрига ўз муносабатингизни билдириг.

Талаффуз қилинаётган сўз тингловчига тушунарли ва манзур бўлиши учун унинг таркибидаги товушларни талаффуз меъёрига мослаб айтиш лозим. Товушлар бузиб ёки чала талаффуз қилинса, сўзнинг маъноси бузилади, таъсири йўқолади. (*М.Содиқова*)



260-машқ. Орфоэпия ва орфография ҳақида дарсликдаги маълумотларга таяниб, шеригингиз билан бирга Венн диаграммасини тузинг.



VI. Уйга вазифа: 45, 46-§ (назарий) 257-машқ. Қуйидаги сўзларни тўғри талаффуз қилинг. Уларнинг ўзбекча таржимасини топиб, шу сўзлар иштирокида гаплар тузиб, ёзинг.

Композитор, музика, архитектор, медицина, врач.

261-машқ. «Имло луғати»дан сиз учун ёзиш қийин бўлган сўзлардан 10-15 тасини дафтарингизга кўчириб олинг.

48-§.Сўз ва унинг лексик маъноси

Дарсининг мақсади:

а) таълимий:

– сўзнинг лексик маъносини турли йўллار билан тушунтиради (таъсир, қисқа изоҳлаш, синонимлар, антонимлар, бир хил ўзакли сўзларни танлаш);

– сўзнинг лексик маъносини белгилаш ва аниқлаш учун изоҳли луғатлардан, синонимлар, антонимлар луғатидан фойдаланишни билади;

– сўзлардан уларнинг лексик маъносига мувофиқ фойдаланади;

– сўзларнинг тўғри ва кўчма маъносини ажратади;

– нутқда синоним ва антонимлардан фойдаланади;

б) ривожлантирувчи:

– матн ва назарий маълумот билан ишлаш, саволлар бериш, кўникмалари шаклланади;

– ўрганилган қоидаларга мустақил равишда сўзлар танлайди; ижтимоий кўникмаларга эга бўлади;

в) тарбиявий: нутқда маънонинг миллий-маданий компонентли лексикасидан фойдаланади;

– луғат ёрдамида матнларда миллий-маданий компонентни акс эттирувчи сўз маъноларини тушунтиради;

– расмларни тасвирлашда халқнинг маданият ва урф-одатларидаги ўзгача хусусиятларни белгилаб ўтади;

– она ўлка табиати, ўз ватани тарихи ва шу тилдаги халқ ватани тарихини акс эттирувчи санъат асарларига ўз муносабатини айтиб беради.

Дарснинг ресурслари: рангли расмлар, топшириқлар, назарий маълумотлар ёзилган флипчарт, маркер.

Дарс усули: индивидуал ишлаш, жуфтликда ишлаш, 2 қисмли кундалик, синквейн.

Дарснинг бориши

I. Ташкилий қисм.

II. Уй вазифасини текшириш ва ўтилган мавзу юзасидан суҳбат.

Ақлий ҳужум. Ўқитувчи топшириғи: гапларни диққат билан ўқинг, ажратиб кўрсатилган сўзларнинг маъноларини тушунтиринг.

1. *Бозор расталарида олма, ўрик, шафтоли ва бошқа меваларнинг турфа хиллари терилган.*

2. *Олтин олма, дуо ол. (М.)*

Ўқувчилар гаплардаги олма сўзининг англатаётган маъноларини тушунтирадilar, ўқитувчи мавзуга қизиқиш орттириш учун яна қатор сўзлар айтиб уларнинг маънолари ҳақида фикрлар юритади. Масалан: ачинмоқ, афсусланмоқ, афсус қилмоқ, куймоқ, куйинмоқ, ўкинмоқ. Ўқувчиларга ҳам шунга ўхшаш мисолларни жуфтликда бирга топишга чақиради. Маъноларини биргаликда изоҳлайдилар. Йўналтирувчи саволлар билан мавзуга яқинлаштирилади.

III. Дарслик билан ишлаш.

Янги мавзу баёни: *янги маълумот билан таништириш учун кўрсатма берилади.

Қадамлар	Кўрсатмалар
1. Сўз ва унинг лексик маъноси ҳақида гаплашамиз	Сизнингча сўзларни ноўрин кўллаш нимага олиб келади? Фикрингизни тушунтириш учун баъзан сўз танлаш ёки бирор сўзнинг маъносини изоҳлашга қийналганмисиз?

2. Мавзуни 2 қисмли кундалик асосида ўқиш		Мавзуни ўқиймиз, ўқиш жараёнида сизга ёққан ёки эътиборингизни тортган цитатани (ўринни) ёзинг.
Цитата 1... 2... 3...	Изоҳлар 1... 2... 3...	Нима учун сизга мавзунинг шу ўрни ёқди ёки сиз унга эътибор бердингиз? Унга изоҳ беринг. *цитата сизда қандай фикр уйғотди? *сизга нималарни эслатяпти? *шу фикрга қўшиласизми?
3. Мавзу юзасидан олиб борилган ишнинг муҳокамаси. (Ўқитувчи мавзу юзасидан ёзилган кичик циталарнинг муҳокамасини хронологик тартибда олиб боради, мавзунинг боши, ўртаси, охири) *жуфтликда *гуруҳда		Бир-бирингизга ёзган цитата ва изоҳларингизни ўқиб беринг. Гуруҳда: кимда матн бошидаги цитата бор? Изоҳингиз билан бирга ўқиб беринг. Ким яна шу цитатани ёзди? Сизда қандай изоҳ бор?
4. Ўқилган мавзу юзасидан тақдимот.		Мавзу юзасидан олган тушунчаларингиз асосида синквейн ёзинг. Масалан: «сўз» ҳақида.

IV. Ўқилган маълумотларни мустаҳкамлаш.

*271-машқдаги матн юзасидан ишлаш. Ўқитувчи айрим сўзларнинг маънолари, яна қандай бошқа вариантларини қўллаш мумкинлиги ҳақида фикр юритади. 272-машқда гапнинг мазмунига мос сўзлар танлаб, гапларни тўлиқлаб кўчирадилар, 273-машқда эса ўз ва кўчма маънода қўлланган сўз бирикмалари ёрдамида мустакил равишда гап тузадилар.

V. Дарснинг хулосаси:

*сўз ҳақида ёзилган синквейнлардан намуналар ўқилади.

*синквейн французча «5 қатор» ли шеър маъносини билдириши яна ўқитувчи томонидан ёдга солинади.

1. Мавзу.

2. Мавзуни очадиган сифат 2 та сўз.

3. Мавзуни характерлайдиган феъл 3 та сўз.

4. Мавзу юзасидан билдираётган фикр ёки муносабат 4 та сўз.

5. Мавзуга мос синоним 1 сўз.

Масалан:

1. Сўз
2. Ўринли, ёқимли,
3. Ўқитади, ўргатади, огоҳ этади.
4. Билиб сўзлашга қилгин одат.
5. Калом.

VI. Уйга вазифа: 48-§ (назарий)

Савол ва топшириқлар

1. Лексикология деб тилшуносликнинг қайси бўлимига айтилади?
2. Ёз сўзи қандай маъноларни билдиради? Ҳар бир маъносини гап ичида келтириб асосланг.
3. Катта сўзига зид маъноли бўлган қандай сўзни қўллаш мумкин? Улар иштирокида гап тузинг.



274-машқ. «Саёҳатда» мавзусида эссе ёзинг.

50-§. Кўп маъноли ва бир маъноли сўзлар

Дарснинг мақсади:

а) таълимий:

- сўзнинг лексик маъносини турли йўллар билан тушунтиради (тасвир, қисқа изоҳлаш, синонимлар, антонимлар, бир хил ўзакли сўзларни танлаш);
- сўзнинг лексик маъносини белгилаш ва аниқлаш учун изоҳли луғатдан, синонимлар, антонимлар луғатидан фойдаланишни билади;
- сўзлардан уларнинг лексик маъносига мувофиқ фойдаланади;
- сўзларнинг ўз ва кўчма маъносини ажратади;
- нутқда синоним ва антонимлардан фойдаланади;

б) ривожлантирувчи: матн ва назарий маълумот билан ишлаш, саволлар бериш кўникмалари шаклланади, ўрганилган қоидаларга мустақил равишда сўзлар танлаш каби ижтимоий кўникмаларга эга бўлади;

в) тарбиявий: нутқда маънонинг миллий-маданий компонентли лексикасидан фойдаланади;

– луғат ёрдамида матнларда миллий-маданий компонентни акс эттирувчи сўз маъноларини тушунтиради;

– расмларни тасвирлашда халқнинг маданият ва урф-одатларидаги ўзгача хусусиятларни белгилаб ўтади;

– она ўлка табиати, ўз ватани тарихи ва шу тилдаги халқ ватани тарихини акс эттирувчи санъат асарларига ўз муносабатини айтиб беради.

Дарснинг ресурслари: рангли расмлар, топшириқлар, назарий маълумотлар ёзилган флипчарт, маркер.

Дарс усули: индивидуал ишлаш, жуфтликда ишлаш.

Дарснинг бориши

I. Ташкилий қисм.

II. Уй вазифасини текшириш ва ўтилган мавзу юзасидан суҳбат.

Ақлий ҳужум.

1-топшириқ. Қуйидаги сўзларнинг маъноларини тушунтиринг.

Гул, дафтар, ўрик, пиёз, қор.

2-топшириқ. Гапларнинг мазмунидан келиб чиқиб, нуқталар ўрнига мос келадиган сўзларни қўйинг.

1. Бўрилар - ... ҳайвон. 2. Ирмоқлар ... бориб қўйилади. 3. Бола лой, она 4. Ариқда ... яхши оқиши учун тозаланди. 5. Уй ичи сув қўйгандек ... бўлиб қолди.

3-топшириқ. Катаклардаги к ҳарфидан бошланиб к ҳарфида тугайдиган сўзларни топиб, тўлдиринг. Уларнинг аташ маъноларини изоҳланг.

к				к
к				к

Топшириқ. Қуйидаги бирикмаларда бош сўзи қандай маъноларни билдирмоқда? Изоҳланг.

Бош мутахассис, бош ҳарф, хат боши, жўра боши, боши оғримоқ. Топшириқлар айнан мавзу юзасидан билимларни тоблашга, қизиқишларни ўстиришга қаратилган. Бажариш мобайнида йўналтирувчи саволлар билан сўз англатаётган луғавий маъно ҳамда кўчма маънога эътибор қаратилмоғи керак. Масалан:

1. Дафтар деганда нима тушунилади, қандай маъно билдиради?

2. Бош сўзи нечта маъно билдирапти, уни маънолар билдиришига кўра қандай сўз дейиш мумкин?

III. Дарслик билан ишлаш.

Янги мавзу баёни:

*назарий маълумот билан таништириш учун кўрсатма берилади.

*Ўқинг, мавзудаги сиз учун энг муҳим бўлган қоидаларни ажратинг, уларни мисоллар ёрдамида изоҳланг. Нима учун ушбу қоидаларни муҳим деб ҳисобляяпсиз?

Саволлар ўқувчининг ўзига муҳим бўлган маълумотларни ўрганиш учун мақсад қўймоқликка ёрдам бериши керак. Қоидалар ёзилган флипчарт ёки слайдлар ёрдамида айтилган фикрлар хулоса қилинади.

IV. Ўқилган маълумотларни мустаҳкамлаш.

*275-машқда берилган сўзларнинг маъноларини изоҳлаб намунадагидек тарзда ёзилади. Топшириқ ўқувчини сўзнинг маъносини изоҳлашда изланишга чақиради. 276-машқ матн устида ишлаш, уни муҳокама қилиш ва давом эттиришга қаратилган. 278, 279, 280-машқлар бир ва кўп маъноли сўзларни аниқлашга, уларнинг маъноларини изоҳлаш орқали мавзу юзасидан олган билимларини мустаҳкамлайди.

V. Дарснинг хулосаси:

Саволларга жавоб беринг.

1. Қандай сўзларга бир маъноли сўзлар дейилади?
2. Қандай сўзларга кўп маъноли сўзлар дейилади?
3. Бир маъноли ва кўп маъноли сўзларга мисол келтиринг.

VI. Уйга вазифа: 49, 50-§ 277-машқ. Бешта гап тузинг. Ҳар бир гапдаги сўзларнинг ағаш (луғавий) маъноларини изоҳланг. 281-машқ. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»дан *юз, бел, бурун, огиз* сўзларининг маъно турларини аниқланг. Улар иштирокида гаплар тузинг.

51-§. Сўзнинг ўз ва кўчма маънолари

52-§.Омоним (шаклдош) сўзлар

Дарснинг мақсади:

а) таълимий: сўзнинг лексик маъносини турли йўллар билан тушунтиради (тасвир, қисқа изоҳлаш, синонимлар, антонимлар, бир хил ўзақли сўзларни танлаш);

- сўзнинг лексик маъносини белгилаш ва аниқлаш учун изоҳли луғатлардан, синонимлар, антонимлар луғатидан фойдаланишни билади;
- сўзлардан уларнинг лексик маъносига мувофиқ фойдаланади;

- сўзларнинг ўз ва кўчма маъносини ажратади;
- нутқда синоним ва антонимлардан фойдаланади;

б) ривожлантирувчи: матн ва назарий маълумот билан ишлаш, саволлар бериш кўникмалари шаклланади, ўрганилган қоидаларга мустақил равишда сўзлар танлаш каби ижтимоий кўникмаларга эга бўлади;

в) тарбиявий: нутқда маънонинг миллий-маданий компонентли лексикасидан фойдаланади;

- лугат ёрдамида матнларда миллий-маданий компонентни акс эттирувчи сўз маъноларини тушунтиради;

- расмларни тасвирлашда халқнинг маданият ва урф-одатларидаги ўзгача хусусиятларни белгилаб ўтади;

- она ўлка табиати, ўз ватани тарихи ва шу тилдаги халқ ватани тарихини акс эттирувчи санъат асарларига ўз муносабатини айтиб беради.

Дарснинг ресурслари: рангли расмлар, топшириқлар, назарий маълумотлар ёзилган флипчарт, маркер.

Дарс усули: индивидуал ишлаш, жуфтликда ишлаш.

Дарснинг бориши

I. Ташкилий қисм.

II. Уй вазифасини текшириш ва ўтилган мавзу юзасидан суҳбат. (Текширув фронтал сўров ёки интервью усулида ўтказилиши мумкин)

Ақлий ҳужум. Топшириқлар рангли расмлар тарзида намойиш этилиши мумкин.

1-топшириқ. Ўқинг. Ажратилган сўзларга диққат қилинг.

Одамнинг кўзи	Деразанинг кўзи
Темир қошиқ	Темир ирода
Олтин узук	Олтин кўл
Боланинг қулоғи	Қозоннинг қулоғи

2-топшириқ. Биринчи устундаги бирикмалар таркибидаги ажратилган сўзлар қандай маънода ишлатилмоқда? Иккинчидаги сўзлар-чи?

3-топшириқ. Гапларни ўқинг.

1. Раъно ўчоққа ўт ёқди. 2. Ариқдан сакраб ўт. 3. Баҳорда ўт ям-яшил бўлади.

4-топшириқ. Ажратиб кўрсатилган сўзларнинг маъносини айтинг. Ўт сўзи қандай ёзилган? Улар қандай талаффуз қилиняпти? Қайси сўз туркумига киради?

Топшириқлар дарсни, мавзуни ўрганишга чақиради. Ўқитувчи ақлий хужум орқали ўқувчини унга тайёрлаб олади.

III. Дарслик билан ишлаш.

Янги мавзу баёни:

*Сўзнинг ўз маъноси ва кўчма маъноси ҳақидаги маълумотлар флипчарт, слайд ва дарсликка таянган ҳолда тушунтирилади. Мавзу юзасидан ўқитувчи қоидага мос мисоллар келтириш билан бирга ўқувчини ҳам шунга чақиради. Омоним (шаклдош) сўзлар ҳақидаги қоида ўқилади, мисоллар келтирилади.

* Ўқитувчи Ш. Раҳматуллаевнинг «Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати» билан таништириб, ундан айрим мисолларни ўқиб эшитириши ёки топшириқ сифатида қўллаши мақсадга мувофиқ.

IV. Ўқилган маълумотларни мустаҳкамлаш.

*дарсликдаги 282, 283, 284-машқларда ўқувчи сўзларни қандай маънода, ўз ёки кўчма маънода қўлланганини изоҳласа, 285-машқда мустақил ёки жуфтликда ўз ва кўчма маънода қўлланган сўзларни қатнаштириб гаплар тузадилар.

* Иқтидорли ўқувчилар 286-машқда берилган омоним сўзлар иштирокида гаплар тузиш топшириғи устида ишлагунларига қадар умумий гуруҳда 287-машқда берилган шеърини матнлардаги омоним сўзларни топиб, маъноларини изоҳлайдилар. 288-машқдаги омоним сўзларни ўзи боғланган сўз билан бирга сўз бирикмаси шаклида кўчириб, олинган маълумотларни мустаҳкамлайдилар.

V. Дарсининг хулосаси:

* Ўқилганлар юзасидан кичик суҳбат:

1. Сўзнинг ўз ва кўчма маъноси деганда нима тушундингиз?
2. Омонимлар қандай сўзлар?
3. Нутқимизда ўз ва кўчма маънодаги ҳамда омоним сўзларнинг аҳамияти нимада?

VI. Уйга вазифа: 51-52-§ 289-машқ. Тут ва от сўзларини қатнаштириб, тўртта гап тузинг. Бунда ҳар бир сўз икки гапда ишлатилиб, икки хил маънони билдирсин.

53-§.Синоним (маънодош) сўзлар (2 соат)

54-§. Антоним (зид маъноли)лар

Дарснинг мақсади:

а) таълимий: сўзнинг лексик маъносини турли йўллар билан тушунтиради (тасвир, қисқа изоҳлаш, синонимлар, антонимлар, бир хил ўзакли сўзларни танлаш);

– сўзнинг лексик маъносини белгилаш ва аниқлаш учун изоҳли лугатдан, синонимлар, антонимлар лугатидан фойдаланишни билади;

– сўзлардан уларнинг лексик маъносига мувофиқ фойдаланади;

– сўзларнинг ўз ва кўчма маъносини ажратади;

– нутқда синоним ва антонимлардан фойдаланади;

б) ривожлантирувчи: матн ва назарий маълумот билан ишлаш, саволлар бериш, кўникмалари шаклланади, ўрганилган қоидаларга мустақил равишда сўзлар танлайди; ижтимоий кўникмаларга эга бўлади;

в) тарбиявий: нутқда маънонинг миллий-маданий компонентли лексикасидан фойдаланади;

– лугат ёрдамида матнларда миллий-маданий компонентни акс эттирувчи сўз маъноларини тушунтиради;

– расмларни тасвирлашда халқнинг маданият ва урф-одатларидаги ўзгача хусусиятларни белгилаб ўтади;

– она ўлка табиати, ўз ватани тарихи ва шу тилдаги халқ ватани тарихини акс эттирувчи санъат асарларига ўз муносабатини айтиб беради.

Дарснинг ресурслари: рангли расмлар, топшириқлар, назарий маълумотлар ёзилган флипчарт, маркер.

Дарс усули: индивидуал ишлаш, жуфтликда ишлаш, кластер.

Дарснинг бориши

I. Ташкилий қисм.

II. Уй вазифасини текшириш ва ўтилган мавзу юзасидан суҳбат. (Текширув фронтал сўров ёки интервью усулида ўтказилиши мумкин)

Ақлий ҳужум. Топшириқлар слайдлар ёки флипчартлар орқали намойиш этилиши мумкин.

1-топшириқ. Сўзларни ўқинг. Шакли ҳар хил бўлган қуйидаги сўзлар ҳар хил маънони билдираптими ёки бир хил маъно билдираптими?

1. *Кулмоқ, жилмаймоқ, табассум қилмоқ*

2. *Ёрдамлашмоқ, кўмаклашмоқ, қарашмоқ.*

2-топшириқ. Сиз шу сўзлардан қайсиларини кўпроқ ишлатасиз? Бу сўзлар қайси сўз туркумига киради?

1-топшириқ. Эркин Воҳидовнинг «Барча шодлик сенга бўлсин» шеърини ифодали ўқинг. Бир-бирига зид маъноли сўзларни аниқланг. Нима учун бундай сўзларни зид деб аташимиз ҳақида ўйланиб кўринг.

Бу жаҳоннинг роҳатин ол,
Бор азобин менга бер,
Сенга бўлсин барча ором,
Барча бедорлик менга.
Сенга бўлсин нурли кундуз,
Менга қолсин қора тун,

Барча гулшан сенга бўлсин,
Бор тиканзорлик менга.
Сен шаҳаншоҳликни олгин,
Менга қуллик бўлса бас,
Бор жафокорлик сенга-ю
Бор вафодорлик менга.

2-топшириқ. Қуйида берилган сўзларнинг антонимларини топиб, антонимик жуфтлар ҳосил қилиб ёзинг.

Бутун, анқов, банд, бардам, баҳорги, беихтиёр, бўшатмоқ, жанубий, кам, ланж, мавҳум, мўрт, пок, озод, унумли, барно, шодлик, авлод.

Ўқитувчи 2-топшириқни грамматик ўйин тарзида уюштириши мумкин. Масалан жуфтликлар антоним топиш бўйича ўзаро мусобақалашадилар, аввал 1- жуфтлик сўз айтади, 2- жуфтлик антоним топади, кейин роллар алмашади.

III. Дарслик билан ишлаш.

Янги мавзу баёни:

*Ўқитувчи синоним ва антоним ҳақидаги маълумотларни индивидуал ўқишни ва қиёслашни таклиф этади. Дарсликда берилган қоидалар ўқилгач, ўқувчиларни 4 кичик гуруҳга ажратади.


1- 2-гуруҳ – синонимлар бўйича;

3-4-гуруҳ – антонимлар бўйича бир-бирларига нотик ва мухбир ролдан савол-жавоб ўтказадилар. Ҳар бир саволдан сўнг роларни алмаштирадилар. Ўқитувчи гуруҳларга А. Ҳожиёвнинг «Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати», Ш.Раҳматуллаевнинг «Ўзбек тили антонимларининг изоҳли луғати» китобларини бериб, фойдаланиш учун кўрсатма бериши тавсия этилади. Ўқитувчи саволларни ва уларга берилаётган жавобларни кузатиб, рағбат ёки жарима карточкалари орқали баҳолаб боради.

IV. Ўқилган маълумотларни мустаҳкамлаш.


Мавзу юзасидан берилган машқлардаги топшириқлар турлича бўлиб, ўқитувчи синфдаги ўқувчиларнинг қабул қилиш ёки ўзлаштириш даражасига кўра танлаши мумкин.

290-машқ. Бет сўзига синоним (маънодош) бўлган сўзларни топиб, ёзинг.



291-машқ. Матнни ўқиб, жуфтликда ишлаб, Ватан ҳақидаги тушунчаларини қуйидаги кластерга жамлайдилар.

292, 293-машқлар синонимларнинг мосини қўйиб ёзиш ва уларнинг қўлланишини изоҳлашга қаратилган. 298-машқда матнлар устида ишлаб, ажратиб кўрсатилган сўзларнинг синонимларини топадилар. 300-машқда гаплардаги, 303-машқда матндаги ажратиб кўрсатилган сўзларнинг антонимик жуфтини топадилар. 301-машқ жуфтликда фикрлашга қаратилган топшириқ бўлиб, расм асосида бир-бирига зид бўлиши мумкин бўлган предметларни қиёслайдилар.



V. Дарснинг хулосаси:

Яхшилик ва ёмонлик сўзларини қандай тушунасиш? Фикр ва ғояларингизни кластер қилиб тузиб чиқинг. Луғатдан фойдаланиб, сўзларнинг синонимларни топинг.



VI. Уйга вазифа: 53, 54-§ (назарий), 299, 304-машқлар (амалий)

55-§. Паронимлар (талаффуздош сўзлар)

Дарснинг мақсади:

а) таълимий: кичкина ҳажмдаги илмий-ўқув, бадиий матнларнинг асосий мазмунини тушунади; савол беришни билади; матннинг асосий мазмунини ақс эттирувчи сарлавҳа танлайди; тиниш белгисининг ўрнини билади, хатоларни тузатади; пароним сўзлар ҳақидаги маълумотларни тушунтириб беради.

б) ривожлантирувчи: гуруҳ билан билан ишлаш кўникмалари шакллантирилади; паронимларни топиш малакасини атроф-муҳитдаги тушунчалардан мисол келтириш орқали шакллантиради; луғат ёрдамида матнларда миллий-маданий компонентни ақс эттирувчи сўз маъноларини тушунтиради;

в) тарбиявий: она ўлка табиати, ўз ватани тарихи ва шу тилдаги халқ ватани тарихини ақс эттирувчи санъат асарларига ўз муносабатини айтиб беради; нутқда маънонинг миллий-маданий компонентли лексикасидан фойдаланади; тил миллатнинг бойлиги эканлигини, уни қадрлаш ва севиш зарурлигини англайдилар.

Дарснинг ресурслари: турли шаклдаги матнлар ва матн бўлмаган ёзма маълумотлар, қоидалар ёзилган ватманлар.

Дарс усули: суҳбат, жуфтликда, гуруҳда муҳокама.

Дарснинг бориши

I. Ташкилий қисм:

1. Уй вазифасини текшириш. Мавзу юзасидан саволлар бериш.

2. Ақлий ҳужум. Мавзу юзасидан берилган топшириқлар орқали ақлий ҳужум уюштирилади. Ўқувчиларнинг қўлига тўртга бўлинган яшил ва сариқ рангли кичкина варақ парчаларини беринг. Ўқувчилар биринчи сўзнинг маъносини яшил вараққа, иккинчи сўзнинг маъносини сариқ вараққа ёзадилар. Варақларга иккита устун қилиб чизиб олишларини айтинг. Ким сўзни қандай тушунганлигини шу варақларга ёзишини таклиф қилинг. Яшиллар ишини тугатиб, сариқ рангда ёзганларга берсин. Сўнг яшил рангда ёзилган сўзлар шерикларини топиб, сўзларни биргаликда тақдимот қиладилар.

1-топшириқ. Ўқинг. Қуйидаги сўзларнинг маъноларини изоҳлаб беринг. Ёзилишига эътибор беринг.

Дарз–дарс, бажо–божа, ганж–ганч, бурж–бурч, бод–бот, боб–боп, асил–асл, амир–амр, алпоз–алфоз, азим–азм, абзал–афзал, адрес–адрес.

2-топширик. Гапларни ўқинг. Ажратиб кўрсатилган сўзларнинг маъноларини тушуниб олинг. Шу сўзларнинг бошқа паронимик жуфти бўлиши мумкин бўлган сўзларни топинг.

1. Унинг ёнидаги хужрага киришининг эвини топа олмадик, бирорта хийла ишлатиш керак. (F.F.)

2. Унинг қайсарликлари онасини хийла толиқтирган эди.

3. Тақдимотдан сўнг пароним ҳақидаги таъриф муҳокама қилинади.

II. Дарслик билан ишлаш.

305-машқ жуфтликда бажаришга мўлжалланган.

306-машқ оғзаки тарзда бажарилади.

III. Хулоса. Дарсга яшил ва сариқ рангдаги сўзлар устида ишлаган ўқувчилар хулоса чиқаришлари мумкин. Хоҳловчилардан ўз фикрларини айтишлари сўралиши мумкин.

IV. Уйга вазифа. 307-машқ. Ўқувчилар паронимик жуфтларнинг маъноларини жадвалга тўлдиришлари топширик қилиб берилади.

56-§. Уядош сўзлар

Дарснинг мақсади:

а) таълимий: кичкина ҳажмдаги илмий-ўқув, бадиий матнларнинг асосий мазмунини тушунади; савол беришни билади; матннинг асосий мазмунини ақс эттирувчи сарлавҳа танлайди; тиниш белгисининг ўрнини билади, хатоларни тузатади; уядош сўзлар ҳақидаги маълумотларни тушунтириб беради.

б) ривожлантирувчи: гуруҳ билан билан ишлаш кўникмалари шакллантирилади; уядош сўзларни топиш малакасини атроф-муҳитдаги тушунчалардан мисол келтириш орқали шакллантиради;

в) тарбиявий: нутқда маънонинг миллий-маданий компонентли лексикасидан фойдаланади; тил миллатнинг бойлиги эканлигини, уни қадрлаш ва севиш зарурлигини англайдилар.

Дарснинг ресурслари: турли шаклдаги матнлар ва матн бўлмаган ёзма маълумотлар, қоидалар ёзилган ватманлар.

Даре усули: суҳбат, жуфтликда, гуруҳда муҳокама.

Дарснинг бориши

I. Ташкилий қисм:

1. Уй вазифасини текшириш. Мавзу юзасидан саволлар бериш.

2. Ақлий ҳужум. Ўқувчиларни 4 гуруҳга бўлинг. Уларга жадвал чизилган 4 хил рангдаги варақлар тарқатинг. Ҳар бир устунга зарур бўлган сўзларни топиб тўлдиришларини айтинг.

1-жадвал

Мебель	Идишлар	Кийим

2-жадвал

Оёқ кийим	Ўйинчоқлар	Ўқув қуроллари

3-жадвал

Дарахтлар	Сабзавотлар	Гуллар

4-жадвал

Мультфильмлар	Мевалар	Спорт

Мазкур топшириқ орқали ўқувчиларда предметларни маълум бир турга кирита олиш кўникмалари шакллантирилади. Ҳар бир гуруҳ ўзига берилган жадвалларни тўлдириб, тақдимот қиладилар. Нима учун бундай топшириқ бажарганликлари хусусида фикрларини сўранг.

II. Дарслик билан ишлаш.

-мавзу юзасидан берилган топшириқлар устида ишлаш.

-308-машқ ҳам гуруҳдаги иш учун мўлжалланган бўлиб, ўқувчилар ким тез топиш бўйича мусобақа ўйнайдилар.

-расм асосида иншо ёзишга тайёрланиш.

III. Хулоса. Ўқувчилар дарсада нималарни кўпроқ эслаб қолганликлари сўралади. Сўнг ўқитувчи дарсга таъриф асосида хулоса қилади.

IV. Уйга вазифа. Бўлим юзасидан савол ва топшириқлар устида иш-лашлари ва нутқда сўз тушунчасига кластер тузишлари топширилади.

57-§. Сўз таркиби

Морфема –сўзнинг маъновий бўлаги.

Ўзак (асос) ҳақида маълумот

Дарснинг мақсади:

а) таълимий: кичкина ҳажмдаги илмий-ўқув, бадий матнларнинг асосий мазмунини тушунади; савол беришни билади; матннинг асосий мазмунини ақс эттирувчи сарлавҳа танлайди; гап бўлақларини савол бериб топишни билади; сўз таркиби ҳақидаги маълумотларни тушунтириб беради.

б) ривожлантирувчи: гуруҳ билан билан ишлаш кўникмалари шакллантирилади; ўзак ва қўшимчаларни топиш малакасини атрофмуҳитдаги тушунчалардан мисол келтириш орқали шакллантиради; луғат ёрдамида матнларда миллий-маданий компонентни ақс эттирувчи сўз маъноларини тушунтиради;

в) тарбиявий: она ўлка табиати, ўз ватани тарихи ва шу тилдаги халқ ватани тарихини ақс эттирувчи санъат асарларига ўз муносабатини айтиб беради; нутқда маънонинг миллий-маданий компонентли лексикасидан фойдаланиш каби фазилатларга эга бўлиш зарурлигини англайдилар.

Дарснинг ресурслари: турли шаклдаги матнлар ва матн бўлмаган ёзма маълумотлар, қоидалар ёзилган ватманлар.

Дарс усули: суҳбат, жуфтликда, гуруҳда муҳокама.

Дарснинг бориши

1.Ташкилий қисм:

1.Уй вазифасини текшириш. Мавзу юзасидан саволлар бериш.

2. Ақлий ҳужум. Мавзу юзасидан берилган топшириқлар орқали ақлий ҳужум уюштирилади.

1-топшириқ. Қуйидаги гаплар таркибидаги сўзларни маъноли қисмларга ажратинг.

Али Қушчи кафтини қошлари устига тутиб, навкарларни яхшироқ кўришига уринди, лекин навкарлар машъалларини бошлари узра баланд ушлаб туришар, серсоқол юзлари чала-чулпа кўринарди.

2-топшириқ. Қуйидаги сўзларни ўзак ва қўшимчаларга ажратинг. Ҳар бир қўшимча қўшилганда сўз қандай маъно англатишини тушунтиринг.

Кутубхонада, гулзор, билим, меҳнаткаш, ноаниқ.

Топшириқларни аввал индивидуал ўйланиб, сўнгра жуфтликдаги муҳокамадан сўнг ёзишларини тушунтиринг.

II. Дарслик билан ишлаш.

309, 310-машқлар ёзма тарзда бажарилади.

311-машқда берилган шеъринг матн орқали ўқувчиларда сўз таркиби юзасидан ишлаш малакаси шакллантирилади.

III. Хулоса. Ўқувчиларга йўналтирувчи саволлар бериб, уларнинг мавзу юзасидан тушунганларини билиб олганларингизни конспектингизга «мавзу юзасидан рефлексия» деб номланган иловасига ёзиб олинг.

IV. Уйга вазифа. 312-машқ.

Қўшимчалар ва уларнинг турлари (2 соат)

58-§. Сўз ясовчи қўшимчалар

59-§. Шакл ясовчи қўшимчалар

Дарснинг мақсади:

а) таълимий: кичкина ҳажмдаги илмий-ўқув, бадиий матнларнинг асосий мазмунини тушунади; савол беришни билади; матннинг асосий мазмунини ақс эттирувчи сарлавҳа танлайди; гап бўлақларини савол бериб топишни билади; тиниш белгисининг ўрнини билади, хатоларни тузатади; матнда ўрганилган қўшимчаларни бирга олиб келган сўзларни аниқлайди;

б) ривожлантирувчи: гуруҳ билан билан ишлаш қўникмалари шакллантирилади; қўшимчаларни топиш малакасини шакллантиради; луғат ёрдамида матнларда миллий-маданий компонентни ақс эттирувчи сўз маъноларини тушунтиради;

в) тарбиявий: она ўлка табиати, ўз ватани тарихи ва шу тилдаги халқ ватани тарихини ақс эттирувчи санъат асарларига ўз муносабатини айтиб беради; нутқда маънонинг миллий-маданий компонентли лексикасидан фойдаланади; тил миллатнинг бойлиги эканлигини англайдилар.

Дарснинг ресурслари: турли шаклдаги матнлар ва матн бўлмаган ёзма маълумотлар, қоидалар ёзилган ватманлар.

Дарс усули: суҳбат, жуфтликда, гуруҳда муҳокама.

Дарснинг бориши

I. Ташкилий қисм:

1. Уй вазифасини текшириш. Мавзу юзасидан саволлар бериш.

2. Ақлий ҳужум. Ўқувчиларни гуруҳларга бўлинг. Ҳар бир гуруҳга таъриф билан бирга топшириқ ёзилган варақларни тарқатинг. Ҳар

бир гуруҳ ўзаро муҳокамада топшириқ билан таъриф орасидаги боғлиқликларни аниқлашлари зарур.

1-топшириқ. Қуйидаги гап ичидан сўздан янги сўз ҳосил бўлган сўзларни топинг.

1. *Маҳдум меҳмонхонадан юриб келган оёқ товушини эшитиб, ёмонлаган отдек типирчилади.* (А.Қод.)

2. *Шариф ҳам шундай ўйламасин деб, ҳануз унга гапирганим йўқ.* (А.Қ.)

Ўзакка қўшилиб янги маъноли сўз ҳосил қиладиган қўшимчалар сўз ясовчи қўшимчалар дейилади: *куч–кучли, арра–аррала, синф–синфдош, гул–гулзор.*

Ўзак олди қўшимча (префикс)лари ҳам янги сўз ясади: *давлат–бадавлат, ҳосил–серҳосил.*

2-топшириқ. Қуйидаги сўзларга *-ли, -дош, -дор, -сиз, -зор, -чи* қўшимчаларини қўшиб сўз ясанг. Қандай сўзлар ҳосил бўлди? Изоҳланг.

Сув, гул, бог, ҳосил, мактаб, дил, ватан, синф, нина, арпа, хизмат, кутубхона.

Ўзакка қўшилиб янги маъноли сўз ҳосил қиладиган қўшимчалар сўз ясовчи қўшимчалар дейилади: *куч–кучли, арра–аррала, синф–синфдош, гул–гулзор.*

Ўзак олди қўшимча (префикс)лари ҳам янги сўз ясади: *давлат–бадавлат, ҳосил–серҳосил.*

3-топшириқ. Қўшимча нима? Сўз ясовчи қўшимча деганда нимани тушунасиз? Фикрларингизни дўстингиз билан ўртоқлашинг.

Ўзакка қўшилиб янги маъноли сўз ҳосил қиладиган қўшимчалар сўз ясовчи қўшимчалар дейилади: *куч–кучли, арра–аррала, синф–синфдош, гул–гулзор.*

Ўзак олди қўшимча (префикс)лари ҳам янги сўз ясади: *давлат–бадавлат, ҳосил–серҳосил.*

Ҳар бир гуруҳ тақдимотидан сўнг ўзингиз хулоса қилинг.

II. Дарслик билан ишлаш.

313-машқ ҳам гуруҳда иш учун мўлжалланган.

315-машқ иқтидорли ўқувчилар учун тузилган.

– жадвал ичидаги «Таққосланг!» деб номланган мантикий топшириқни ҳар бир ўқувчи индивидуал бажаришлари мумкин. Ҳар бир

Ўқувчининг таққослаш ва ўхшатиш кўникмасини ўстириш бу ишнинг асосий мақсадидир.

317-машқ жуфтликдаги ишга мўлжалланган.

«Ортиқча сўзни топинг!» деб номланган мантикий топшириқда ҳам ўқувчиларнинг анализ ва синтез қилиш кўникмасини ўстириш мақсад қилиб олинган.

III. Хулоса. Ўқувчиларга мавзу юзасидан улар учун нима муҳим бўлганлигини билиб олинг. Стикерларга ўқувчилар «мен учун энг муҳими...» деган гапни давом эттиришларини ва жавобларини стикерларга ёзиб, сиз олдиндан тайёрлаб қўйган ватманга ёпиштиришларини таклиф қилинг.

IV. Уйга вазифа. 319, 322-машқлар.

Изоҳ: Шакл ясовчи қўшимчалар мавзуси ҳам шу тарзда ўтилиши тавсия этилади.

Сўз ясалиши

60-§. Сўз ясаш усуллари

Дарснинг мақсади:

а) таълимий: кичкина ҳажмдаги илмий-ўқув, бадиий матнларнинг асосий мазмунини тушунади; савол беришни билади; матннинг асосий мазмунини акс эттирувчи сарлавҳа танлайди; гап бўлақларини савол бериб топишни билади; тиниш белгисининг ўрнини билади, хатоларни тuzатади; матнда ўрганилган сўз ясалишига оид сўзларни аниқлайди;

б) ривожлантирувчи: гуруҳ билан билан ишлаш кўникмалари шакллантирилади; луғат ёрдамида матнларда миллий-маданий компонентни акс эттирувчи сўз маъноларини тушунтиради;

в) тарбиявий: она ўлка табиати, ўз ватани тарихи ва шу тилдаги халқ ватани тарихини акс эттирувчи санъат асарларига ўз муносабатини айтиб беради; нутқда маънонинг миллий-маданий компонентли лексикасидан фойдаланади; тил миллатнинг бойлиги эканлигини, уни қадрлаш ва севиш зарурлигини англайдилар.

Дарснинг ресурслари: турли шаклдаги матнлар ва матн бўлмаган ёзма маълумотлар, қоидалар ёзилган ватманлар.

Дарс усули: суҳбат, жуфтликда, гуруҳда муҳокама.

Дарснинг бориши

I. Ташкилий қисм:

1. Уй вазифасини текшириш. Мавзу юзасидан саволлар бериш.

2. Ақлий ҳужум.

1-топшириқ. Ўқинг. Сўз ясовчи кўшимчаларни олган сўзларни ажратинг.

Мактаб, бахтли, синф, боғбон, кўча, машина, ўқувчи, кутубхоначи, ишла.

2-топшириқ. Икки ўзакни кўшишдан ясалган сўзларнинг маъносини изоҳлаб беринг. Нима учун уларни ясалган сўзлар деб атаймиз?

Тошбақа, атиргул, Ўттизадир, гулбеор, очкўз, гултоғжухўроз, бешик-тебратар.

Савол: Сўз яшаш деганда нимани тушунасиз?

Куйидаги сўзларнинг тузилиши ҳақида нима дея оласиз?

Бахт, тарозибон, ошқозон, синф, ҳисобчи, кутубхоначи, кўча, одобли

Ўзбек тилида сўзлар икки усул билан ясалади:

1. Сўз ясовчи кўшимчалар билан: *ишчи, ақлли, ишла, бошла.*

2. Сўзларни кўшиш билан: *қора+мол – қорамол, кўз+ойнак – кўзойнак.*

II. Дарслик билан ишлаш.

331,332, 334-машқлар ёзма тарзда бажарилади.

334-машқда ўқувчиларда анализ ва синтез қилиш малакаси ривожлантирилади.

333-машқ иқтидорли ўқувчиларга мўлжалланган.

Топишмоқнинг жавоби бўш катакларга жойлаштирилиши зарур.

III. Хулоса. Мавзу юзасидан берилган топшириқлар ва машқлардаги топшириқлар юзасидан йўналтирувчи саволлар беринг. Жуфтликда муҳокама қилиб, хулоса чиқаришлари хусусида тушунтиринг.

IV. Уйга вазифа. 335-машқ. «*Ховлимизда*» мавзуси юзасидан ўқувчилар кичик ҳикоя тузишлари лозим.

61-§. Сўзларнинг тузилиш жиҳатидан турлари: содда, қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар

Дарснинг мақсади:

а) таълимий: кичкина ҳажмдаги илмий-ўқув, бадиий матнларнинг асосий мазмунини тушунади; савол беришни билади; матннинг асосий мазмунини акс эттирувчи сарлавҳа танлайди; гап бўлақларини савол бериб топишни билади; тиниш белгисининг ўрнини билади, хатоларни тузатади; матнда ўрганилган содда, қўшма, жуфт ва такрорий сўзларни аниқлайди;

б) ривожлантирувчи: гуруҳ билан билан ишлаш кўникмалари шакллантирилади; луғат ёрдамида матнларда миллий-маданий компонентни акс эттирувчи сўз маъноларини тушунтиради;

в) тарбиявий: она ўлка табиати, ўз ватани тарихи ва шу тилдаги халқ ватани тарихини акс эттирувчи санъат асарларига ўз муносабатини айтиб беради; нутқда маънонинг миллий-маданий компонентли лексикасидан фойдаланади; тил миллатнинг бойлиги эканлигини, уни қадрлаш ва севиш зарурлигини англайдилар.

Дарснинг ресурслари: турли шаклдаги матнлар ва матн бўлмаган ёзма маълумотлар, қоидалар ёзилган ватманлар.

Дарс усули: суҳбат, жуфтликда, гуруҳда муҳокама.

Дарснинг бориши

1. Ташкилий қисм:

1. Уй вазифасини текшириш. Мавзу юзасидан саволлар бериш.

2. Ақлий ҳужум. Дарсликда берилган топшириқлар ақлий ҳужумга мўлжалланганлигини сездингиз. Ўқувчиларни фаоллаштириш шу топшириқларни пухта муҳокама қилиш орқали амалга оширилади. Унутманг, ҳар бир топшириққа ўзингиз ижодий ёндашишингиз мумкин.

1-топшириқ. Сўзларни ўқинг. Қайсиларини содда, қайсиларини қўшма, қайсиларини такрорий, қайсиларини жуфт сўзлар деб аташ мумкин?

Ўша-ўша, телевизор, каттаю кичик, тошбақа, виждон, анча-мунча, қозон-товоқ, кичкина, кунгабоқар, дастурхон, аста-секин, ўқариқ, сира-сира, устма-уст, она, белбоғ, қанд-қурс, ёзасан-қўясан.

2-топшириқ. Юқорида берилган сўзларни куйидаги жадвалга таснифлаб ёзинг. Ўзингиз ҳам шундай сўзлардан топиб ёзинг.

Содда	Қўшма	Жуфт	Такрорий

II. Дарслик билан ишлаш.

336-машқ иктидорли ўқувчиларга мўлжалланган. Болаларга мақолларни ўқиб, маъносини тушунишга ҳаракат қилишларини таклиф қилинг.

337, 339-машқлар ёзма тарзда бажарилади.

338-машқ жуфтликдаги ишга мўлжалланган.

III. Хулоса. Сўзларнинг тузилиш жиҳатдан турларидан содда, қўшма, жуфт ва такрорий сўзларни кўлаб 5-6 гапдан иборат кичик матн тузинг.

IV. Уйга вазифа. 340-машқ.

Мустақил сўз туркумлари

62-§. От- сўз туркуми

Отларнинг лексик ва грамматик маънолари

Дарсинг мақсади:

а) таълимий: кичкина ҳажмдаги илмий-ўқув, бадий матнларнинг асосий мазмунини тушунади; савол беришни билади; матннинг асосий мазмунини ақс эттирувчи сарлавҳа танлайди; гап бўлақларини савол бериб топишни билади; тиниш белгисининг ўрнини билади, хатоларни тузатади; матнда ўрганилган от сўз туркумига оид сўзларни аниқлайди; отларнинг лексик ва грамматик маъносини тушунтириб беради.

б) ривожлантирувчи: гуруҳ билан билан ишлаш кўникмалари шакллантирилади; отларни топиш малакасини атроф-муҳитдаги нарса-предметларнинг белгиси, ҳажми, ранг-туси, мазаси, шакли билан боғлашни билади; луғат ёрдамида матнларда миллий-маданий компонентни ақс эттирувчи сўз маъноларини тушунтиради;

в) тарбиявий: она ўлка табиати, ўз ватани тарихи ва шу тилдаги халқ ватани тарихини ақс эттирувчи санъат асарларига ўз муносабатини айтиб беради; нутқда маънонинг миллий-маданий компонентли лексикасидан фойдаланади; тил миллатнинг бойлиги эканлигини, уни кадрлаш ва севиш зарурлигини англайдилар.

Дарсинг ресурслари: турли шаклдаги матнлар ва матн бўлмаган ёзма маълумотлар, қоидалар ёзилган ватманлар.

Даре усули: суҳбат, жуфтликда, гуруҳда муҳокама.

Дарснинг бориши

I. Ташкилий қисм:

1. Уй вазифасини текшириш. Мавзу юзасидан саволлар бериш.

2. Ақлий ҳужум.

Топширик. Матнни диққат билан ўқинг, ундан нарса-буюмни англатувчи сўзларни алоҳида кўчириб ёзинг.

Маржонлар

Маржонполиплар денгизда яшовчи майда организмлардир. Бу жониворларнинг юмшоқ ва лиқилдоқ танасига қараб туриб, уларнинг океанда орол бунёд этиб, кемалар ҳалокатига сабаб бўлишига ишониш қийин.

Албатта, митти полипнинг бир ўзи бунга қодир эмас. Бироқ денгизда полипларнинг йирик колониялари яшайди. Маълум вақтдан кейин полиплар ҳалок бўлади, аммо уларнинг оҳак моддали скелетлари қолади. Бу скелетлар аввал яшаб ўтган полипларнинг скелетига мустаҳкам ўрнашиб олади. Уларга янги-янги полиплар келиб ёпишади. Натижада оҳакли ўзак кенгайиб, ўсиб, мустаҳкамланаверади. Қарабсизки, маржон рифлари вужудга келади. (*Болалар энц.*)

Матндаги асосий фикрни аниқланг.

Нарса-буюмларни англатувчи сўзларга ким?, нима?, кимлар?, нима-лар? сўроғини беришларини айтинг. Шу тарзда барчанинг диққатини таърифга тортинг. Таърифни ҳар бир ўқувчи индивидуал ўқиб чиқишлари учун вақт беринг. Сўнг муҳокама қилинглр.

Нарса-буюм, шахсларни ёки жой номларини билдирадиган сўзлар от дейилади. Отлар ким?, нима?, қаер? сўроқларига жавоб бўлади: *ўқитувчи, тоғ, Ўш.*

Отларни лексик (маъновий) хусусиятлари: 1) отлар, шахс, нарса ёки жой номларини билдиради: *одам, китоб, шаҳар*; 2) отлар маъно жиҳатидан шахс отлари, нарса-буюм отлари ва жой номини билдирувчи отларга бўлинади.

Отларнинг грамматик хусусиятлари: 1) келишик, эгалик, кўплик кўшимчаларини олади; 2) гап бўлаги вазифасида келади.

II. Дарслик билан ишлаш.

341, 345-машқлар барча ўқувчилар учун ёзма тарзда бажариладиган топшириқларни ўз ичига олган.

III. Матн билан ишлаш.

344, 347-машқларда ўқувчилар ўзлари мустақил равишда матн тузишлари зарур бўлади. Маълум бир мавзу асосида ўқувчилар учун топшириқлар тузилган. Шулар орқали боланинг боғланишли матн тузиш малакаси текширилади. Шу билан бирга ўқувчилар мавзуга оид топшириқларни матн ичидан топадилар.

346-машқ жуфтликдаги иш учун мўлжалланган бўлиб, унда ўқувчилар матн ичидан мавзуга оид тушунчаларни топиб, матн мазмуни билан ишлайдилар.

Ортиқча сўзни топинг.

А) *Пишлоқ, дераза, пиёз, нон, олма, мураббо.*

Б) *Туфли, шим, уй, кўйлак, телтак, жемпер.*

Боланинг мантикий тафаккурини ривожлантиришга қаратилган бу топшириқда, қатордаги сўзлар орасидан ортиқчасини топиш топширилади. А) еб бўлмайдиган нарсани англаши керак; Б) кийиш мумкин бўлмаган предметни топиши зарур.

IV. Хулоса. Ўқувчилар дарсдан энг кўп эслаб қолган тушунчалар, сўзларни айтадилар. Шундай топшириқ орқали уларнинг мавзу ҳақидаги хулосаларини билса бўлади.

V. Уйга вазифа. 348-машқда берилган сўзларни англаётган маъноларига кўра ажратиб, жадвални тўлдирадилар.

63-§. Отларнинг маъно жиҳатдан турлари. Атоқли отлар. Турдош отлар

64-§. Аниқ (конкрет) ва мавҳум (абстракт) отлар

65-§. Якка ва жамловчи отлар (3 соат)

Дарснинг мақсади:

а) таълимий: кичкина ҳажмдаги илмий-ўқув, бадиий матнларнинг асосий мазмунини тушунади; савол беришни билади; матннинг асосий мазмунини ақс эттирувчи сарлавҳа танлайди; гап бўлақларини савол бериб топишни билади; тиниш белгисининг ўрнини билади, хатоларни тузатади; матнда ўрганилган от сўз туркумига оид сўзларни аниқлайди; отларнинг лексик ва грамматик маъносини тушунтириб беради, бош келиши кўшимчаси ҳақидаги маълумотларни билади.

б) ривожлантирувчи: гуруҳ билан билан ишлаш кўникмалари шакллантирилади; отларни топиш малакасини атроф-муҳитдаги нарса-предметларнинг белгиси, ҳажми, ранг-туси, мазаси, шакли билан боғлашни билади; феълларни туслашни билади; луғат ёрдамида матнларда миллий-маданий компонентни акс эттирувчи сўз маъноларини тушунтиради;

в) тарбиявий: она ўлка табиати, ўз ватани тарихи ва шу тилдаги халқ ватани тарихини акс эттирувчи санъат асарларига ўз муносабатини айтиб беради; нутқда маънонинг миллий-маданий компонентли лексикасидан фойдаланади; тил миллатнинг бойлиги эканлигини, уни қадрлаш ва севиш зарурлигини англайдилар.

Дарснинг ресурслари: турли шаклдаги матнлар ва матн бўлмаган ёзма маълумотлар, қоидалар ёзилган ватманлар.

Дарс усули: суҳбат, жуфтликда, гуруҳда муҳокама.

Дарснинг бориши

I. Ташкилий қисм:

1. Уй вазифасини текшириш. Мавзу юзасидан саволлар бериш.

2. Ақлий ҳужум.

1-топшириқ. Ўқинг. Атоқли отларни кўчириб ёзинг.

1. Ибн Сино ўз даврида Шарқ ва Европада «Олимлар бошилиги», «Табиблар подшоҳи» каби энг буюк номларга сазовор бўлган. 2. Амир Темур 34 ёшида Мовароуннаҳр тахтининг ҳақиқий соҳиби бўлди ва Самарқандни ҳокимият пойтахти этиб белгилади. 3. Алишер Навоий 12 ёшида замонанинг «Малик ул-калом»и Мавлоно Лутфийнинг таҳсини ва ҳайратига сазовор бўлган истеъдод эгаси бўлиб етишиди. 4. Заҳриддин Муҳаммад Бобур 12 ёшида отаси ўрнига Фарғона улусининг ҳокими этиб тайинланди. 5. Христовор Колумб 41 ёшида Американи кашф этди.

2-топшириқ.

Икки устундаги сўзларга сўроқ беринг.

<i>Олма</i>	<i>халқ</i>
<i>Кашнич</i>	<i>омма</i>
<i>Қош</i>	<i>армия</i>
<i>Қалам</i>	<i>тўда</i>

3-топшириқ. Шу сўзларни қатнаштириб тўртта гап тузинг.

Топшириқларни ўқувчилар гуруҳларда бажаришади. Ўқувчиларни 4 гуруҳга бўлинг. Ҳар бир гуруҳга мавзулар ичидаги таърифлар ёзилган оқ варақларни тарқатинг.

1-гурух

Отлар маъно жиҳатидан турдош ва атоқли отларга бўлинади.

Айрим шахс ёки предметга атаб қўйилган номлар атоқли от дейилади. Улар қуйидаги гуруҳларга бўлинади: 1. Кишиларнинг исми, фамилияси, тахаллуси: *Лола Ниёзова, Жамиид Матанов, Ойбек*; 2) ҳайвонларга атаб қўйилган номлар: *Бойчибор, Тўртқўз, Олапар*. 3) географик номлар: *Помир тоғи, Бишкек шаҳри, Осий қитъаси*; 4) ташкилот, муассаса ва идора номлари: *Қирғизистон Республикаси Марказий банки, ЖаДУ*; 5) тарихий воқеа, байрам номлари: *Мустақиллик куни, Наврўз байрами*; 6) сув ҳавзалари ва иншоотлар: *Норин дарёси, Орол денгизи*; 7) китоб, газета, журнал кинофильм номлари: *«Ўтган кунлар» романи, «Маърифат» газетаси*.

Бир турдаги предметларнинг умумий номини билдирган отлар турдош отлар дейилади: *шаҳар, қишлоқ, кўча*.

2-гурух

Атоқли отлар китоб, газета, журнал кинофильм, ташкилотларга атаб қўйилган бўлса, ёзувда қўштирноққа олинади, аммо шаҳар, кинотеатр, ташкилотлар киши номига қўйилган бўлса, қўштирноққа олинмасдан номидаги, номли сўзлари ишлатилади.

Атоқли отлар бош ҳарф билан ёзилади.

3-гурух

Турдош отлар қандай тушунчани ифодалашига кўра аниқ (конкрет) отларга ва мавҳум (абстракт) отларга бўлинади.

Аниқ (конкрет) отлар кўриш ва сезиш мумкин бўлган предметларни ифодалайди: *товуш, китоб, тол, терак*.

Мавҳум (абстракт) отлар онг ёрдамидагина идрок қилинадиган нарсаларни ифодалайди: *гўзаллик, душманлик, дўстлик, газаб*.

4-гурух

Турдош отлар бирлик шаклда кўплик маъносини ифодалашига кўра якка ва жамловчи отларга бўлинади.

Якка отлар бирлик шаклда якка предметларни ифодалайди: *одам, кўча, дарахт*.

Жамловчи отлар бирлик шаклда ҳам кўпликни ифодалайди: *карвон, халқ, гуруҳ*.

Ҳар бир гуруҳ ўзига берилган таъриф устида куйидаги тартибда ишлайди:

1. Диққат билан ўқиб чиқинг.

2. Қайси сўзлар таърифни кўпроқ ёритиб берапти?

3. Мисоллар келтиринг.

4. Берилган сўзлар иштирокида гаплар тузинг. Гап ичидаги маъноси-ни изоҳланг.

Ўқувчилар топшириқни тақдирот қиладилар. Бир-бирларига савол беришга имкон беринг.

II. Дарслик билан ишлаш.

– Дарсликда А.Орипов, Э.Воҳидов, Миртемир қаламларига мансуб бўлган шеърӣ матнлар берилган машқларни бажаришда энг аввал шеър-ни ифодали ўқиб, мавзуга оид топшириқларни бажаришларини айтинг.

351-машқ жуфтликдаги иш бўлиб, ўқувчилар атоқли ва турдош отлар-ни киёслаб Венн диаграммасини тузадилар.

355-машқда ўқувчиларнинг от сўз туркумига оид бўлган сўзларнинг ўзига хос хусусиятлари бўйича жадвални тўлдиришлари зарур. Ҳар бир ўқувчидан мисол келтиришини талаб қилинг. Ишнинг бошқача кўринишида ўқувчиларни 6 гуруҳга бўлиб ҳам ишлатиш мумкин. Иш-нинг бундай кўринишида бекор қолган ўқувчи қолмайди. Ҳар бир ўқувчи ўзи ўтирган гуруҳ учун қайғура бошлайди.

357-машқда ўқувчиларга от ҳақидаги тасаввурларини жамлаш учун 2 дақиқа вақт ажратинг. Сўнгра жавобларни тўғри, нотўғри деб сарала-маган ҳолда бир қатор қилиб рўйхат тузинг. Ишнинг кейинги босқичида шу рўйхатда берилган сўзлар устида яна бир марта ўйланиб, шулар асо-сида кластер тузишни таклиф қилинг.

Диққат! 3 та дарсни интеграция қилган ўқитувчи келгуси дарслар учун дарсликдаги иловаларда берилган матнлар устида от юзасидан ўзи машқлар тузиши мумкин.

III. Хулоса. От сўз туркумини ўрганишда нималарни билиб олдим? деб ёзилган ватманга ўқувчилар ўз жавобларини стикерларга ёзиб ёпиш-тиришларини таклиф қилинг. Сўз, жумла, тушунчалар, тартибсиз ғоя бўлса ҳам, боланинг шахсий фикрларини айтишига кенг имкон беринг.

IV. Уйга вазифа. 348, 356-машқлар

66- §. Отларда сон

Дарснинг мақсади:

а) таълимий: савол беришни билади; матнда ўрганилган от сўз туркумига оид сўзларни аниқлайди; отларнинг лексик ва грамматик маъносини тушунтириб беради, отларда сон ҳақидаги маълумотларни билади.

б) ривожлантирувчи: гуруҳ билан билан ишлаш кўникмалари шакллантирилади; отларни топиш малакаси шакллантирилади; луғат ёрдамида матнларда миллий-маданий компонентни акс эттирувчи сўз маъноларини тушунтиради;

в) тарбиявий: нутқда маънонинг миллий-маданий компонентли лексикасидан фойдаланади; тил миллатнинг бойлиги эканлигини, уни қадрлаш ва севиш зарурлигини англайдилар.

Дарснинг ресурслари: турли шаклдаги матнлар ва матн бўлмаган ёзма маълумотлар, қоидалар ёзилган ватманлар.

Дарс усули: суҳбат, жуфтликда, гуруҳда муҳокама.

Дарснинг бориши

I. Ташкилий қисм:

1. Уй вазифасини текшириш. Мавзу юзасидан саволлар бериш.

2. Ақлий ҳужум.

Топшириқ. Ўқинг. Ажратилган сўзларни икки устунга ёзинг. Сўзларга сўроқ бериш.

1. Бугун югуриш бўйича мусобақа ўтказилди. Унда Шоҳруҳ биринчилликни олди. 2. Ўқувчилар, вақтдан тўғри фойдаланинг! 3. Инсон боласини табиат шундай ҳам чиройли яратадими? (О.Ё.) 4. Салқин шамолларгина қизнинг сочлари билан ўйнашади.(О.) 5. Алишер Навоий қалами билан бир туртиб қовоқдан кўз ясайди.(О.) 6. Шакар қовунларнинг майин ҳидлари, Сабо билан тарқалар секин. (У.)

Юқоридаги топшириқда берилган гапларни бта ўқувчига бўлиб бериш. Ўқувчилар топшириқни доскада бажаришларини талаб қилинг. Досканинг ўртасидан чизик тортиб уни иккига бўлинг. Ўқувчилар ажратилган сўзларни иккита устунга ёзишсин. Топшириқда берилган гаплар нима учун устунга бўлиниб ёзилишини муҳокама қилинг.

II. Таърий устида ишлаш.

358-машқда берилган жадвални ўқувчилар таърифни ўқиб чиқиш орқали тўлдирадилар. Белгилар билан ишлаш малакаси шакллантирилади.

III. Матн устида ишлаш. Мавзу юзасидан берилган топшириқни матн ичидан топиб, сўнг оғзаки равишда матндан қуйида берилган топшириқларни ўқувчилар билан биргаликда муҳокама қилинг.

360, 361-машқлар ёзма тарзда бажарилади.

IV. Хулоса. Ўқувчиларга дарснинг хулосасини чиқаришда йўналтирувчи саволлар беринг.

V. Уйга вазифа. 362-машқ.

67-§. Отларда эгалик қўшимчалари ва уларнинг ёзилиши

Дарснинг мақсади:

а) таълимий: матнда ўрганилган от сўз туркумига оид сўзларни аниқлайди; отларнинг лексик ва грамматик маъносини тушунтириб беради, эгалик қўшимчаси ҳақидаги маълумотларни билади.

б) ривожлантирувчи: гуруҳ билан билан ишлаш кўникмалари шакллантирилади; отларни топиш малакаси ривожланади; луғат ёрдамида матнларда миллий-маданий компонентни ақс эттирувчи сўз маъноларини тушунтиради;

в) тарбиявий: тил миллатнинг бойлиги эканлигини, уни қадрлаш ва севиш зарурлигини англайдилар.

Дарснинг ресурслари: турли шаклдаги матнлар ва матн бўлмаган ёзма маълумотлар, қоидалар ёзилган ватманлар.

Дарс усули: суҳбат, жуфтликда, гуруҳда муҳокама.

Дарснинг бориши

I. Ташкилий қисм:

1. Уй вазифасини текшириш. Мавзу юзасидан саволлар бериш.

2. Ақлий ҳужум. Ўқувчиларни 2 та гуруҳга бўлинг. Уларга шеърини йўлда ёзилган матнларнинг оқ varaққа ёзилган шаклини беринг.

1-топшириқ. Ўқинг. Эгалик қўшимчаси кўшилган отларни аниқланг, уларнинг шахс ва сонини аниқланг.

Йўлчидан, манзилдан денгиздан нари,

Ложувард уфқнинг тубига яқин.

Кўнглимда дардларим дарёдек оқин,

Чайқалар кўзларим тикилган сари.

(У. Носир)

2-топширик. Грамматик топишмоқларнинг жавобини топинг.

Предметнинг, уч шахснинг

Эгасини билдирар.

Бирлик-кўплик уч шахсда

От сўзларга қўшилар.

Бирлик, кўплик, уч шахсда,

Турланар нутқимизда. (Р.Сирожидинов)

Вараққа ёзиб тайёрланган машқларни 2 томондаги деворга ёпиштириб қўйинг. Ўқувчилар гуруҳ билан ўз ишларини тақдирот қилишдан илгари бошқа гуруҳ шу ишни кўриб, топширик қандай бажарилганлигини кўриб таҳлил қилсин. Сўнг хулоса қилишни шу ишни бажарган гуруҳга топширинг. Шу тарика гуруҳлар бир-бирларининг ишларини кўриб, муҳокама қилишни ўрганадилар.

II. Жадвал билан ишлаш.

Унли билан тугаган отлар		
Шахс	Бирлик	Кўплик
I шахс	Она- м	она- миз
II шахс	она- нг	она- нгиз
III шахс	она- си	она- си (-лари)
Ундош билан тугаган отлар		
I шахс	Мақтаб- им	мақтаб- имиз
II шахс	мақтаб- инг	мақтаб- ингиз
III шахс	мақтаб-и	мақтаб- и (-лари)

– Ўқувчиларнинг эътиборини жадвалга тортинг. Улар билан биргаликда эгалик қўшимчаларини олган сўзлар унли ёки ундош товуш билан тугаганлиги хусусида суҳбат уюштиринг. Дарсликда берилган эслатмани ўқинг. Сўзлардаги товуш ўзгариши ҳақида муҳокама ташкил қилинг.

III. Машқлар устида ишлаш.

– 363-машқ иқтидорли ўқувчиларга бағишланган

– 365-машқ ёзма тарзда бажарилади

– 364-машқда берилган матн устида пухта ишлашни тушунтиринг.

IV. Хулоса. Ўқувчиларга дарс ҳақида хулоса ёзишни ўргатинг. Масалан, ёзмоқчи бўлган хулосага ўқувчи Менинг фикримча..., ... мен шундай деб ўйлайман, хулосам шуки... деган сўзлар билан бошлашни таклиф қилинг.

V. Уйга вазифа. 366-машқ.

«Менинг энг яхши дўстим», «Мен ёқтирган жонивор» мавзуларидан бирини танлаб, иншо ёзиш.

Отларнинг турланиши. Келишик шакллари

69-§. Бош келишик

Дарснинг мақсади:

а) таълимий: матнда ўрганилган от сўз туркумига оид сўзларни аниқлайди; отларнинг лексик ва грамматик маъносини тушунтириб беради, бош келишик қўшимчаси ҳақидаги маълумотларни билади.

б) ривожлантирувчи: гуруҳ билан билан ишлаш кўникмалари шакллантирилади; отларни топиш малакаси ўсади; луғат ёрдамида матнларда миллий-маданий компонентни акс эттирувчи сўз маъноларини тушунтиради;

в) тарбиявий: нутқда маънонинг миллий-маданий компонентли лексикасидан фойдаланиш зарурлигини англайди.

Дарснинг ресурслари: турли шаклдаги матнлар ва матн бўлмаган ёзма маълумотлар, қоидалар ёзилган ватманлар.

Дарс усули: суҳбат, жуфтликда, гуруҳда муҳокама.

Дарснинг бориши

I. Ташкилий қисм:

1. Уй вазифасини текшириш. Мавзу юзасидан саволлар бериш.

2. Ақлий хужум.

1-топшириқ. Нуқталар ўрнига қавс ичидаги қўшимчалардан мосини қўйиб кўчиринг. Нуқталар ўрнига қўйилган қўшимчаларнинг қандай вазифа бажарганини изоҳланг.

Бугун мактаб... (-га, -да, -нинг) эртaroқ бораман. Синф... (-га, -нинг, -да) навбатчиман. Синф хонаси... (-ни, -га, -дан) тозалайман. Гуллар... (-да, -дан, -га) сув қуяман. Нодир менга сув олиб келиб беради. Ўқитувчи ва синфдошларим келгунча синфимиз тоза бўлиши керак. Тозалик соғлиқ гаровидир.

2-топширик. Таърифни ўқинг. Жадвалга намунадагидек мисоллар келтиринг.

Отларни (исмларни) бошқа сўзларга тобелантириб боғлаш учун хизмат қиладиган қўшимчалар келишик шакллари дейилади. Келишик шакллари доимо тобе сўзга қўшилади. Ўзбек тилида олтита келишик мавжуд бўлиб, уларнинг ўз номи ва шакли бор:

№	Келишик номи	қўшимчаси	мисоллар
1	Бош келишик		Собир
2	Қаратқич келишик	-нинг	Собирнинг
3	Тушум келишик	-ни	Собирни
4	Жўналиш келишик	-га (-ка, қа)	Собирга
5	Ўрин-пайт келишик	-да	Собирда
6	Чиқиш келишик	-дан	Собирдан

Отларнинг (исмларнинг) эгалик қўшимчалари билан шахс ва сонда ҳамда келишик қўшимчалари билан ўзгариши турланиш дейилади.

3-топширик. Шеърни ўқинг. Юқоридаги жадвал асосида бош келишикдаги отларни аниқланг.

Офтоб чарақлайди

*Офтоб чарақлайди , сувлар ялтирар,
Борлиқда табассум, борлиқда ҳаёт.
Дарахтлар шодликдан қалтирар,
Зангори осмонда чўмилишиб шод.
Дарахтлар куйлайди, ярқирар сувлар,
Ҳаво муҳаббатга қорилиб қолган.
Ҳаёт лаззатига мириқиб қонган.
Дунёнинг яшнаган дунёси қулар.*

(Ф. Тютчев)

Ўқувчиларни 3 гуруҳга бўлинг. Ҳар бир гуруҳга топшириқни бўлиб беринг. Бош келишик ҳақидаги маълумотларини доскада сиз олдиндан тайёрлаб қўйган «Бош келишик ҳақидаги фикрларим» деб номланган вараққа ҳар бир гуруҳ тақдироти тугагандан кейин ўз хулоса, фикрларини битта сўз ёки битта жумла тарзида ёзиб қўйишларини тақлиф қилинг.

Масалан, варақда турланиш, қўшимчалар, келишикларни ўрганамиз тарзида сўз ва гаплар ёзиб қўйилиши мумкин. Синф ўқувчиларининг билим даражасига қараб ёрдам беринг.

II. Машқлар устида ишлаш.

– мавзу юзасидан берилган машқлар ёзма равишда бажарилади.
– 368-машқда берилган шеър юзасидан берилган топшириқ бажарилади. Ўқувчиларнинг шеърий матнларни ўқиш, ундаги асосий фикрни аниқлаш бўйича билимларини текшириш мақсадга мувофиқдир.

III. Хулоса. Дарснинг бошланишида бўлинган уч гуруҳдаги ўқувчилар хулоса чиқаришлари мумкин. Йўналтирувчи саволлар орқали дарсга хулоса чиқарилади.

IV. Уйга вазифа. 370-машқ. Болалар ўзларининг оналари ошхонада ёки оталарининг иш жойида кўп қўллайдиган нарса ва буюмларининг номларини бош келишик шаклида ёзишларини вазифа қилиб топширинг. Шу орқали ота-оналарнинг ўз фарзандлари билан биргаликда уй вазифасини бажараётган пайтларида муҳокама қилишлари, фарзандининг ўқишга бўлган кунтини текширишга бефарқ эмасликларини билиб олсангиз бўлади.

70-§. Қаратқич келишиги ва унинг ёзилиши (2соат)

71-§. Тушум келишиги ва унинг ёзилиши

Дарснинг мақсади:

а) таълимий: матнда ўрганилган от сўз туркумига оид сўзларни аниқлайди; отларнинг лексик ва грамматик маъносини тушунтириб беради, тушум ва қаратқич келишиги қўшимчаларини солиштиришни билади.

б) ривожлантирувчи: гуруҳ билан билан ишлаш кўникмалари шакллантирилади; отларни топиш малакаси ривожлантирилади; луғат ёрдамида матнларда миллий-маданий компонентни акс эттирувчи сўз маъноларини тушунтиради;

в) тарбиявий: она ўлка табиати, ўз ватани тарихи ва шу тилдаги халқ ватани тарихини акс эттирувчи санъат асарларига ўз муносабатини ҳис қилиб айтиб бера олади.

Дарснинг ресурслари: турли шаклдаги матнлар ва матн бўлмаган ёзма маълумотлар, қоидалар ёзилган ватманлар.

Дарс усули: сухбат, жуфтликда, гуруҳда муҳокама.

Дарснинг бориши

I. Ташкилий қисм:

1. Уй вазифасини текшириш. Мавзу юзасидан саволлар бериш.

2. Ақлий ҳужум.

1-топширик. Матнни кўчиринг. Қаратқич келишиги шаклидаги отларнинг тагига чизинг.

Акамлар саданинг остига – самоварчининг палосига отдан қўндилар. Кун қизигида туриши қийин бўлгани учун мен ҳам тойчам билан садақайроғочнинг бир бағрига бориб турдим. Теварақдаги кишилар бир менга ва бир тойчамга қарайдилар. Мен уялиб тойчамнинг ёлини тарайман. Теварагимдаги кишилар орасида вағир-вағир гап, тўзумсизланиб улоқнинг бошланишини кутадилар.

2-топширик. Нукталар ўрнига қаратқич ёки тушум келишиги кўшимчаларидан мосини қўйиб кўчиринг.

Китоб... ўқимоқ, дўсти... учратмоқ, ўқувчи...вазифаси, бувим... насихати, дафтар... олмоқ, журнал... саҳифаси, ҳикоя... қаҳрамони, далалар... сўзормоқ, шамол... увиллаши, шеър... ёдламоқ, юлдузлар... томоша қилмоқ, кино... кўрмоқ, ота-она... севмоқ.

Ўқувчиларни 4 гуруҳга бўлинг. 2 та гуруҳга 1-топширик ва қаратқич келишиги кўшимчасига берилган таърифни, 2 та гуруҳга 2-топширик ва тушум келишиги кўшимчасига берилган таърифларни беринг. Топшириқларни бажариш учун вақт ажратинг. Болаларни вақтга қараб ишлашни ўргатинг. Ҳам сизнинг вақтингизни, ҳам ўзларининг вақтини тежашни биладилар. 2 та бир хил гуруҳнинг ишини аввал тингланг, кейин 2 та бир хил гуруҳнинг ишларини тингланг. Ўқувчиларнинг ўзлари қайси гуруҳ ишини яхши, тартибли, мазмунли бажарганлигини текширишлари зарур. Дарснинг муқаддимасига хулоса қилинг.

II. Дарслик билан ишлаш.

371-машқда грамматик топишмоқлар берилган бўлиб, ўқувчилар ўзларининг келишик кўшимчалари ҳақидаги хулосаларини қисқа ва маъноли сўзларнинг қофияга солинган шаклида, шеърини йўлда ўқийдилар.

373,374, 377-машқлар ёзма тарзда бажарилади;

372, 376-машқ иқтидорли ўқувчиларнинг билимларини текшириш учун мўлжалланган;

378-машқда матн берилган бўлиб, ўқувчилар қисқа ҳажмдаги матнни ўқиб, келишик кўшимчаларини топишлари керак бўлади. Матн шунчаки

оддий гаплардек ўқиб қўйилмасдан, балки муҳим воқеанинг тафсилоти билан танишгандек ўрганилиши зарур.

III. Хулоса. Дарснинг бошланишида бўлинган тўрт гуруҳдаги ўқувчилар хулоса чиқаришлари мумкин. Йўналтирувчи саволлар орқали дарсга хулоса чиқарилади.

IV. Уйга вазифа 379-машқда ўқувчилар қаратқич ва тушум келишиклари кўшимчаларини Венн диаграмасига ёзиб, таҳлил қилишлари зарур. Ҳар бир келишикнинг ўзига хос томонлари алоҳида доиралар ичига, ўхшаш хусусиятлари доиралар кесишган жойга ёзилади.



72-§. Жўналиш келишиги ва унинг ёзилиши

Дарснинг мақсади:

а) таълимий: савол беришни билади; матнда ўрганилган от сўз туркумига оид сўзларни аниқлайди; отларнинг лексик ва грамматик маъносини тушунтириб беради, жўналиш келишиги кўшимчасининг маъносини тушунтириб бера олади.

б) ривожлантирувчи: гуруҳ ва жуфтликда ишлаш кўникмалари шаклланади;

в) тарбиявий: нутқда маънонинг миллий-маданий компонентли лексикасидан фойдаланишни билади.

Дарснинг ресурслари: турли шаклдаги матнлар ва матн бўлмаган ёзма маълумотлар, қоидалар ёзилган ватманлар.

Дарс усули: суҳбат, жуфтликда, гуруҳда муҳокама.

Дарснинг бориши

I. Ташкилий қисм:

1. Уй вазифасини текшириш. Мавзу юзасидан саволлар бериш.

2. Ақлий ҳужум. Топшириқ. Қуйидаги отларни жўналиш келишигида турлаб, имло қоидасига мувофиқ ёзинг. Жўналиш келишиги кўшимчасининг тагига чизинг.

Намуна: Тилак- тилакка, қармоқ- қармоққа.

Тинчлик, яхшилик, билак, булоқ, этик, тузоқ, тўғрилиқ, барг, тоғ, қишлоқ, капалак, чўғ, яроғ, уруғ.

Жўналиш келишиги кўшимчаси билан турланган сўзнинг товуш таркибида қандай ўзгариш бўлаётганлигини сўранг. Бунга нима сабаб бўлди? деган саволга жавоб беришларида ўқувчига ёрдам беринг. Топшириқдан олган хулосалари орқали эътиборини таърифда берилган маълумотга тортинг. Таърифни болалар аввал индивидуал, сўнгра жуфтликда муҳокама қилишларини айтинг.

II. Дарслик билан ишлаш.

380-машқ ёзма тарзда бажарилади.

382-машқда қизиқарли топшириқ берилган бўлиб, ўқувчилар сўзларга мос жўналиш келишиги кўшимчасини, кўшимчага эса мос сўзларни қўйишлари тушунтирилади. Шу топшириқ орқали ўқувчиларни график ташкилотчилар билан ишлаш малакасини текшириб, мустақамлаб олиш мумкин.

381-машқ жуфтликдаги иш учун мўлжалланган.

III. Хулоса. Ўқувчилар жўналиш келишиги ҳақидаги хулосаларни ўзлари чиқаришлари учун ҳар бир ўқувчи биттадан сўз айтишлари, унда жўналиш келишиги кўшимчасидан фойдаланишлари ҳақида топшириқ беринг. Кўшимча сўзнинг маъносини қандай ўзгартираётганлигини тушунтириб беришлари зарур.

IV. Уйга вазифа. 383-машқ. Ўқувчи дўстига мактуб ёзиши, тузган матндаги отларнинг бош, қаратқич, тушум, жўналиш келишиги кўшимчалари тагига чизиши ҳақида тушунтиринг.

73- §. Ўрин-пайт келишиги ва унинг ёзилиши

Дарснинг мақсади:

а) таълимий: матнда ўрганилган от сўз туркумига оид сўзларни аниқлайди; отларнинг лексик ва грамматик маъносини тушунтириб беради, ўрин-пайт келишиги кўшимчасини олган сўзларни топади.

б) ривожлантирувчи: гуруҳ билан билан ишлаш кўникмалари шаклланади;

в) тарбиявий: тил миллатнинг бойлиги эканлигини, уни қадрлаш ва севиш зарурлигини англайдилар.

Дарснинг ресурслари: турли шаклдаги матнлар ва матн бўлмаган ёзма маълумотлар, қоидалар ёзилган ватманлар.

Дарс усули: суҳбат, жуфтликда, гуруҳда муҳокама.

Дарснинг бориши

I. Ташкилий қисм:

1. Уй вазифасини текшириш. Мавзу юзасидан саволлар бериш.

2. Ақлий ҳужум. **Топшириқ.** Берилган сўз бирикмаларидаги келишик шакли қандай маъно билдираётганига эътибор қилинг.

Саёҳатда бўлмоқ

отда чопмоқ

Богда тишмоқ

ўтда куймоқ

Заводда ишламоқ

мажлисда гапирмоқ

Тогда ўсган

кўчада ўйнамоқ

Топшириқ аввал индивидуал, сўнгра жуфтликда суҳбат тарзида бажарилади. Ўқувчилардан ўрин-пайт келишиги қўшимчаси билдирган маъно қандайлигини сўраб, уларнинг эътиборини таърифга тортинг. Таърифни ўзингиз ўқиб, болалар билан бирга муҳокама қилинг.

Ўрин-пайт келишиги қўшимчаси ҳаракат, нарса-ҳодисанинг ўрни, пайти маъноларини билдиради. Ўрин-пайт келишиги қўшимчаси *-да*. Шу қўшимчани олиб келган сўзлар гапда ҳол, тўлдирувчи вазифасида келади: *Хусан шаҳарда ўқийди. Акасида шахмат бор.*

II. Машқлар устида ишлаш.

384-машқ иқтидорли ўқувчиларга мўлжалланган.

385-машқни синф ўқувчилари ёзма тарзда бажарадилар. Нукталар ўрнига зарур қўшимчани тушуниб қўйган бола сўзнинг қандай маъно ифодаляётганини тушунтириб бера олади.

– 387-машқни болалар жуфтликда бажарадилар. Улар «Истироҳат боғида» мавзусида диалог тузишлари айтилади. Тузган гапларида ўрин-пайт келишиги қўшимчасидан унумли фойдаланишлари ҳақида изоҳ беринг.

III. Хулоса. Ўқувчиларнинг дарс юзасидан олган хулосаларини ҳар бири биттадан гап тузиб, шу гап ичидаги ўрин-пайт келишиги қўшимчасини олган сўз ҳақидаги фикрларини тинглаш орқали билиб олсангиз бўлади.

IV. Уйга вазифа. 386-машқ.

74-§. Чикиш келишиги ва унинг ёзилиши

Дарснинг мақсади:

а) таълимий: матнда ўрганилган от сўз туркумига оид сўзларни аниқлайди; отларнинг лексик ва грамматик маъносини тушунтириб беради, чиқиш келишиги кўшимчасини қўллашни билади.

б) ривожлантирувчи: гуруҳ билан билан ишлаш кўникмалари шаклланади; отларни топиш малакаси ривожланади;

в) тарбиявий: она тилини қадрлаш ва унинг бой лексикасидан унумли фойдаланишни билади.

Дарснинг ресурслари: турли шаклдаги матнлар ва матн бўлмаган ёзма маълумотлар, қоидалар ёзилган ватманлар.

Дарс усули: суҳбат, жуфтликда, гуруҳда муҳокама.

Дарснинг бориши

I. Ташкилий қисм:

1. Уй вазифасини текшириш. Мавзу юзасидан саволлар бериш.

2. Ақлий ҳужум.

Топшириқ. Қавс ичидаги сўроқларга мос отларни қўйиб, сўз бирикмалари ҳосил қилинг.

(Қаердан?) келди, (кимдан?) олди, (нимадан?) ўқиди, (кимдан?) билди, (нимадан?) кўрди, (қаердан?) қайтди, (кимдан?) сўради, (нимадан?) олдин, (қаердан?) чиқди, (кимдан?) катта.

II. Дарслик билан ишлаш. 6 та ўқувчига келишикларни бўлиб беринг. Ҳар бир ўқувчи биттадан гап тузиши, гап ичида ўзига бўлиб берилган келишик қўшимчасини олган сўзни қатнаштириши лозим. Сўнгра болаларнинг қўлига сиз олдиндан тайёрлаб қўйган жадвалли варақни тарқатинг. Ўқувчи ўзи тузган гап ичидаги келишик қўшимчасини олган сўзни жадвалга зарур устунга ёзиб қўяди. Шундан сўнг варақлар ўзаро 6 ўқувчи орасида ўз эгасига қайтиб келгунича айланади. Шеригининг варағи қўлига теккан ўқувчи ўртоғи ёзган сўзни ўзи қайси қўшимча устида ишлаган бўлса ўша қўшимчани ўртоғи берган сўзга қўшиб турланиш жадвалига ёзиб қўяди. Шу тариқа варақ то эгасига етиб келгунича бир марта айланиб чиқади. Натижада ўқувчининг қўлида ўзи тузган сўз турланиб келади.

Келишик номи	Қўшимчаси	Саволлари	Сўзлар
1. Бош келишик		Ким?, нима?, қаер?	
2. Қаратқич келишиги	-нинг	Кимнинг?, ниманинг?, қаернинг?	
3. Тушум келишиги	-ни	Кимни?, нимани?, қаерни?	
4. Жўналиш келишиги	-га(-ка,-қа)	Кимга?, нимага?, қаерга?	
5. Ўрин-пайт келишиги	-да	Кимда?, нимада?, қаерда?	
6. Чиқиш кел.	-дан	Кимдан?, нимадан?, қаердан?	

III. Дарслик билан ишлаш.

389-машқни ўқувчилар ёзма тарзда бажардилар.

Чиқиш сўзи аслида чиқмоқ сўзидан келиб чиққан бўлиб, одатда бирор жойдан чиқсангиз албатта, *-дан* қўшимчасини сўзга қўшиб айтасиз. Шунинг учун тилшунослар келишикнинг номини ўз номидан келиб чиқиб аташган.

IV. Хулоса. Ўқувчиларнинг чиқиш келишиги ҳақидаги маълумотларини мустаҳкамлаш ва хулоса чиқаришда ўзингиз олдиндан тузиб қўйган йўналтирувчи саволлар орқали ёки синквейн тузиш йўли билан яқунланг.

IV. Уйга вазифа. 390-машқ. 74-§.

75-§. Сифат.

Сифатларнинг лексик ва грамматик маъноси

Дарснинг мақсади:

а) таълимий: матнда ўрганилган сифат сўз туркумига оид сўзларни аниқлайди; сифатларнинг лексик ва грамматик маъносини тушунтириб беради.

б) ривожлантирувчи: индивидуал, жуфтликда, гуруҳ билан билан ишлаш кўникмалари шаклланади; сифатларни топиш малакаси ошади, атроф-муҳитдаги нарса-предметларнинг белгиси, ҳажми, ранг-туси, маъзаси, шакли билан сифатни боғлашни билади;

в) тарбиявий: она тилиси билан фахрланиш ҳисси ортади; ватани тарихини акс эттирувчи санъат асарларига ўз муносабатини сифатлардан унумли фойдаланиб айтиб беради;

Дарснинг ресурслари: турли шаклдаги матнлар ва матн бўлмаган ёзма маълумотлар, қоидалар ёзилган ватманлар.

Дарс усули: суҳбат, жуфтликда, гуруҳда муҳокама.

Дарснинг бориши

I. Ташкилий қисм:

1. Уй вазифасини текшириш. Мавзу юзасидан саволлар бериш.
2. Ақлий ҳужум. Грамматик топишмоқларнинг жавобини топинг.

*1. Рангу, ҳажму, маза-таъм
Маъносида мужассам?*

*2. Оддий белги, ранг-тусни
Билдиради маъноси.
Қайси сўз туркумининг
Бор шундайин маъноси?*

1-топширик. Ўқинг. Нарса-буюмнинг номини билдирган сўзларни бир устунга, белгисини билдирган сўзларни иккинчи устунга ёзинг.

*Сариқ, яшил, хона, дафтар, дераза, булоқ, ширин, нордон, ойдин,
қишлоқ.*

2-топширик. Юқоридаги сўзларни қатнаштириб тўртта гап тузинг.

Юқоридаги топшириқлар асосида ўқувчилар ўзларининг сифат ҳақидаги билимларини текшириб кўрадилар.

II. Дарслик билан ишлаш.

- таърифни ўқиб ўрганиш;
- ёдда сақланг рубрикасида берилган жадвални ўрганиш; ўқувчиларга куйидаги жадвалга яна бошқа сўзлар билан қўшимча қилишлари мумкинлигини тушунтиринг.

Ёдда сақланг!!!

Т/к	Сифатларнинг маъно турлари	Сўзлар	Сўз бирикмалари
1	Ранг-тус билдирувчи сифатлар	Қўнғир, оқ, қизил, кўк, қора, яшил, сариқ, пушти, қирмизи, тарғил	Тарғил сигир, қизил гул, яшил водий, пушти мато, сариқ парда.
2	Маза-таъм билдирувчи сифатлар	Ширин, аччиқ, нордон, тахир, шўр.	Шўр овқат, ширин сув, нордон олма, аччиқ қалампир, тахир дори.
3	Хил-хусусият билдирувчи сифатлар	Содда, қувноқ, шўх, ғайратли, яхши, ёқимли, мулойим, гўзал, тажанг, зийрак, дилкаш	Содда масала, қувноқ қиз, гўзал шаҳар, мулойим киши, зийрак бола, дилкаш аёл.
4	Ҳажм-шакл билдирувчи сифатлар	Улкан, баланд, юмалоқ, ясси, дўнг	Баланд бино, юмалоқ шар, дўнг пешона.

391-машқ иқтидорли ўқувчиларга мўлжалланган;

393-машқдаги жадвални ўқувчилар жуфтликда ишлаб тўлдирадилар;

394-машқда берилган Йўлдош Эшбекнинг шеърини ўқиб, сифатларни топиш билан биргаликда ўқувчилар бадиий адабиётдаги шеърини парчаларни ўқиш малакасини ўстирадилар.

III. Хулоса.

1. Сифат нима?
2. У қандай саволларга жавоб бўлади?
3. Сифатларнинг гапдаги вазифаси қандай?
4. Мисоллар келтиринг.

IV. Уйга вазифа. 396-машқ.

76-§. Аслий ва нисбий сифатлар

Дарснинг мақсади:

а) таълимий: матнда ўрганилган сифат сўз туркумига оид сўзларни аниқлайди; аслий ва нисбий сифатларни билади.

б) ривожлантирувчи: гуруҳ билан билан ишлаш кўникмалари шакллантирилади; аслий ва нисбий сифатларни топиш малакасини атроф-муҳитдаги нарса-предметларнинг белгиси, ҳажми, ранг-туси, мазаси, шакли билан боғлашни билади;

в) тарбиявий: нутқда маънонинг миллий-маданий компонентли лексикасидан фойдаланишни билади.

Дарснинг ресурслари: турли шаклдаги матнлар ва матн бўлмаган ёзма маълумотлар, қоидалар ёзилган ватманлар.

Дарс усули: суҳбат, жуфтликда, гуруҳда муҳокама.

Дарснинг бориши

I. Ташкилий қисм:

1. Уй вазифасини текшириш. Мавзу юзасидан саволлар бериш.

2. Ақлий ҳужумга куйидаги топшириқларни беринг.

1-топшириқ. Ўқинг. Берилган сифатлар предметнинг қандай белгиларини англатишига диққат қилинг.

Қизил олма, катта кўча, доно маслаҳат, ширин таом, кенг ҳовли, гўзал манзара.

2-топшириқ. Берилган матнни ўқинг. Ундан предметнинг белгисини тўғридан тўғри билдираётган сифатларни ажратиб кўчиринг.

Мен китоб ўқишни яхши кўраман. Уйимизда катта китоб жавони бор. Унда хилма-хил китоблар сақланади. Менга қизиқарли, сеҳрли, саргузашт эртакларни ўқиш жуда ёқади. Дадам китоб энг яхши бойликдир дейдилар.

3-топшириқ. Матнда ажратиб кўрсатилган сифатлар предметнинг белгисини қандай ифодалашига диққат қилинг. Қуйида берилган сифатларнинг маъноларини тушунтиринг.

Ўшлик қиз, кузги ҳосил, деворий газета, шарсимон кўзгу, сабрсиз одам.

Ўқувчилар индивидуал равишда бажарган топшириқларни шерикларига кўрсатиб муҳокама қилишлари мумкин. Бунда болалар бир-бирларининг ишларини кўриб чиқади.

II. Дарслик билан ишлаш.

– таърифлар юзасидан муҳокама

– 397, 398-машқларда гапларни кўчириб, аслий ва нисбий сифатлар устида ишлаш топшириқлари берилган.

– 399-машқда иқтидорли ўқувчилар топишмоқ шеърни ифодали ўқиб, сифатларни топиши зарур. Сифатларнинг хусусиятларини айтиб, ажратилган сифатлар иштирокида гаплар тузадилар.

– 400-машқ жуфтликдаги иш учун мўлжалланган.

III. Хулоса. Аслий ва нисбий сифатлар хусусидаги ўқувчиларнинг фикрлари билан дарсни яқунласа бўлади. Ҳар бирига занжир усулида шу хилдаги сифатларни айтиш таклиф қилинади. Синф ўқувчиларини 3 гуруҳга ажратиб, ҳар бир гуруҳ ичида занжир ташкил қилинади. Яъни биринчи бола айтган сифатни кейинги бола айтиб, сўнгра ўзининг мисолини кўшиб кетиши лозим. Шу тарика охириги бола барча ўртоқлари айтган сифатни айтиб кейин ўзиникини кўшиб қўйиши зарур бўлади.

IV. Уйга вазифа. 401-машқ. 76-§.

77-§. Сифат даражалари

Дарсинг мақсади:

а) таълимий: матнда ўрганилган сифат сўз туркумига оид сўзларни аниқлайди; сифат даражаларини билади.

б) ривожлантирувчи: гуруҳ билан билан ишлаш кўникмалари шакллантирилади; сифатларни атроф-муҳитдаги нарса-предметларнинг белгиси, ҳажми, ранг-туси, мазаси, шакли, сифати билан боғлашни билади;

в) тарбиявий: тил миллатнинг бойлиги эканлигини, уни қадрлаш ва севиш зарурлигини англайдилар.

Дарснинг ресурслари: турли шаклдаги матнлар ва матн бўлмаган ёзма маълумотлар, қоидалар ёзилган ватманлар.

Дарс усули: суҳбат, жуфтликда, гуруҳда муҳокама.

Дарснинг бориши

I. Ташкилий қисм:

1. Уй вазифасини текшириш. Мавзу юзасидан саволлар бериш.

2. Ақлий ҳужум. Дарсликдаги топшириқлар ақлий ҳужум учун тузилган бўлиб, уларни уч гуруҳга бўлиш мумкин.

1-топшириқ.

Ўқинг. Уч устундаги сўзларни қиёсланг.

<i>Қизил гул</i>	<i>қизилроқ гул</i>	<i>тўқ қизил гул</i>
<i>Сариқ мато</i>	<i>сарғиш мато</i>	<i>сап-сарик мато</i>
<i>Гўзал қиз</i>	<i>гўзалроқ қиз</i>	<i>жуда гўзал қиз</i>
<i>Катта бино</i>	<i>каттароқ бино</i>	<i>энг катта бино</i>
<i>Дуруст иш</i>	<i>дурустроқ иш</i>	<i>энг дуруст иш</i>
<i>Шўх қиз</i>	<i>шўхроқ қиз</i>	<i>гоят шўх қиз</i>

2-топшириқ. Шеригингиз билан синф хоналаридан бир нечасини қиёсланг. Унда қуйидаги сифатлардан унумли фойдаланинг.

Кенгроқ, каттароқ, кўпроқ, ёругроқ, шинамроқ.

3-топшириқ. Берилган сифатларга антонимлар топинг.

Катта- ... , кенг- ... , чиройли- ... , озода- ... , яхши- ... , ёш- ... , ювош- ... , баланд- ... , ёруғ- ... , оқ- ... , янги- ... , иссиқ- ... , йирик- ... , мулойим- ... , тўғри-

Гуруҳлар ўзларига берилган топшириқларни ватманнинг 4 дан бир қисмига тартиб билан ёзиб, тақдимот қилишлари мумкин. Ҳар бир гуруҳ вакили ўз фикрини доскада, ўртоклари олдида айтиб беришларига имкон беринг, уларни рағбатлантиринг.

II. Дарслик билан ишлаш.

– таърифни аввал индивидуал, кейин жуфтликда, сўнгра гуруҳда муҳокама қилинг.

– 406, 408-машқлар иқтидорли ўқувчиларга мўлжалланган.

– 404, 405, 409-машқлар ёзма бажарилади.

– 403-машқ жуфтликда ишлашга мўлжалланган

III. Хулоса. Ўқувчиларни 3 та гуруҳга бўлиб, сифат даражалари юзасидан ким кўп доскага сўз ёзиш мусобақаси ўтказинг. 3 тадан 2 марта чикқан ўқувчилар гуруҳи дарсдан олган хулосаларини шу тарзда билиб олишлари мумкин.

IV. Уйга вазифа. Г.Айтиевнинг «Иссиққўлда туш пайти» расми асо-
сида иншо ёзиш.

78-§. Сифатларнинг тузилишига кўра турлари.

Содда, кўшма, жуфт ва такрорий сифатлар

Дарснинг мақсади:

а) таълимий: матнда ўрганилган сифат сўз туркумига оид сўзларни аниқлайди; сифатларнинг ясалиш турларини билади.

б) ривожлантирувчи: сифатларни атрофмуҳитдаги нарса-предметларнинг белгиси, ҳажми, ранг-туси, мазаси, шакли билан боғлашни билади;

в) тарбиявий: она ўлка табиати, ўз ватани тарихи ва шу тилдаги халқ ватани тарихини акс эттирувчи санъат асарларига ўз муносабатини ай-тиб бера олади ва она тилига бўлган муҳаббати шаклланади.

Дарснинг ресурслари: турли шаклдаги матнлар ва матн бўлмаган ёзма маълумотлар, қоидалар ёзилган ватманлар.

Дарс усули: суҳбат, жуфтликда, гуруҳда муҳокама.

Дарснинг бориши

I. Ташкилий қисм:

1. Уй вазифасини текшириш. Мавзу юзасидан саволлар бериш.

2. Берилган сифатларнинг тузилишига кўра турини аниқланг. Ёзилишига эътибор қилинг. Ҳар бир гуруҳдаги сифатларнинг тузилишига кўра номланг.

1-топшириқ. *Қизил, сариқ, яшил, ширин, нордон, кичик, кенг, озода, гўзал.*

2-топшириқ. *Ўзбилармон, очкўз, соҳибжамол, тинчликсевар, шиёқмас, эртапишар, кечпишар.*

3-топшириқ. *Катта-кичик, наст-баланд, узун-қисқа, оч-яланғоч: катта-катта, баланд-баланд, тор-тор, яхши-яхши, чиройли-чиройли.*

Ўқувчиларни 3 гуруҳга бўлинг. Уларга топишириқларни бўлиб беринг. Ҳар бир гуруҳ берилган сифат намуналарига кўра мисоллар топиб ёзишсин. Кўшимча китоблар бериб, болаларнинг ишини енгиллатишга имкон беринг.

II. Матн билан ишлаш.

– бу мавзу таркибида иккита қизиқарли матн бўлиб, улардан сифатларни топиб, тузилишига кўра турини аниқлаш билан бирга ўқувчилар

матнга сарлавха қўйишни, қандай матн турига киришини айтишадди. Бу матнлар ўқитувчининг ижодкорлигида янада қизиқ савол ва топшириқларни келтириб чиқариши мумкин.

III. Дарслик билан ишлаш.

– таърифлар устида пухта ишлаш ҳам мавзунинг яхши ўзлаштирилишига сабаб бўлади. Йўналтирувчи саволлар орқали таърифлар устида ишланг.

– 411-машқ оғзаки равишда бажарилади. Болаларнинг дам олиш дақиқасини шеърий ўйин орқали уюштириш мумкин.

IV. Хулоса. Ўқувчилар мавзуни мустаҳкамлаб, хулосани ўзлари чиқаришлари учун йўналтирувчи саволларни карточкалар ва тестлар ёрдамида беришингиз мумкин.

V. Уйга вазифа. 413-машқ. 78-§.

79-§. Сифатларнинг отлашуви

Дарснинг мақсади:

а) таълимий: матнда ўрганилган сифат сўз туркумига оид сўзларни аниқлайди; сифатларнинг отлашуви ҳақидаги тушунча ва маълумотларни билади.

б) ривожлантирувчи: гуруҳ билан билан ишлаш кўникмалари шаклланади;

в) тарбиявий: тил миллатнинг бойлиги эканлигини, уни кадрлаш ва севиш зарурлигини англайдилар.

Дарснинг ресурслари: турли шаклдаги матнлар ва матн бўлмаган ёзма маълумотлар, қоидалар ёзилган ватманлар.

Даре усули: суҳбат, жуфтликда, гуруҳда муҳокама.

Дарснинг бориши

I. Ташкилий қисм:

1. Уй вазифасини текшириш. Мавзу юзасидан саволлар бериш.

2. Ақлий ҳужум.

1-топшириқ. Мақолларни ўқинг. От сўз туркумининг саволларига жавоб берадиган сифатларни аниқланг.

1. Номард ошда билинар, мард- ишда. 2. Яхши топиб гапирар, ёмон қопиб гапирар. 3. Ёмонни танқид қил, яхшига тақлид қил. 4. Доно билиб сўзлайди, ҳам узоқни кўзлайди.

2-топшириқ. Берилган сўзлар иштирокида гаплар тузинг. Қандай саволга жавоб беришини аниқланг.

Тентак, доно, меҳнатсевар.

Ўқувчилар ҳар бир топшириқни аввал индивидуал ўйланиб, сўнгра жуфтликда муҳокама қилади. Дарсга чакириш учун уюштирилган аклий ҳужум ҳеч қачон ўқувчининг индивидуал фикри билан чекланиб қолмаслиги керак. Жуфтликдаги фикрларни тинглаш, гуруҳда уни муҳокама қилиш муҳимдир.

II. Дарслик билан ишлаш.

- таъриф устида ишлаш;
 - 414, 415-машқлар ёзма тарзда барча ўқувчиларга мўлжалланган;
 - 416-машқ иқтидорли ўқувчилар учун берилган;
 - нукталар ўрнига зарур унлиларни қўйиб, мақолни ўқинг.
- Сифатларни топиб, гаптаги вазифасини аниқланг.

А	х	м		к		д		с	т
---	---	---	--	---	--	---	--	---	---

ё	в	д		н		ё	м		н
---	---	---	--	---	--	---	---	--	---

Аҳмоқ дўст ёвдан ёмон мақолидаги ёмон сўзи сифатлигини топган бола, унинг гаптаги вазифаси кесим эканлигини аниқлайди.

III. Хулоса. Ўқувчилар дарсдан билиб олган маълумоти ҳақидаги битта сўз ёки битта гапни рангли стикерларга ёзиб, мен бугун билиб олдим деб номланган, ўқитувчи томонидан олдиндан тайёрлаб қўйилган вараққа ёпиштириб қўядилар.

IV. Уйга вазифа. 417-машқ. 79-§.

Сифатларнинг ясалиши

80-§. Сифат ясовчи қўшимчалар ва уларнинг имлоси

Дарснинг мақсади:

а) таълимий: матнда ўрганилган сифат сўз туркумига оид сўзларни аниқлайди; сифатларнинг ясалиш турларини билади.

б) ривожлантирувчи: гуруҳ билан билан ишлаш кўникмалари шаклланади; сифатларни атроф-муҳитдаги нарса-предметларнинг белгиси, ҳажми, ранг-туси, мазаси, шакли билан боғлашни билади;

в) тарбиявий: она ўлка табиати, ўз ватани тарихини акс эттирувчи

санъат асарларига ўзининг ватанпарварлик бурчи билан муносабатда бўлишни билади;

Дарснинг ресурслари: турли шаклдаги матнлар ва матн бўлмаган ёзма маълумотлар, қоидалар ёзилган ватманлар ёки слайдлар.

Даре усули: суҳбат, жуфтликда, гуруҳда муҳокама.

Дарснинг бориши

I. Ташкилий қисм:

1. Уй вазифасини текшириш. Мавзу юзасидан саволлар бериш.

2. Ақлий ҳужум. Дарсликда берилган топшириқлар асосида ақлий ҳужум уюштирилади. Ўқувчиларни 4 гуруҳга бўлинг. Вазифаларни бўлиштиринг.

1-топшириқ. Ўқинг. Устунларга ажратилган сифатларнинг ясалишига аҳамият беринг.

<i>Оқ</i>	<i>одобли</i>	<i>серунум</i>	<i>сезгир</i>
<i>баланд</i>	<i>кучли</i>	<i>бақувват</i>	<i>қайнатма</i>
<i>ажойиб</i>	<i>ақлсиз</i>	<i>беғубор</i>	<i>илиқ</i>
<i>шўх</i>	<i>баҳорги</i>	<i>шарсимон</i>	<i>синиқ</i>
<i>ширин</i>	<i>ҳаракатчан</i>	<i>мақтанчоқ</i>	<i>сайроқи</i>

2-топшириқ. Остига чизилган қўшимчалар қандай вазифа бажарганини ўқитувчи ёрдамида аниқланг.

3-топшириқ. Берилган сўзларни таркибий қисмларга ажратинг.

Расмли, кучли, бадавлат, серҳосил, давлатманд, тузсиз, беғубор, беҳабар, тарбиявий, баҳорги, ишчан, одамсимон, жавобгар, арабча, адолатпарвар, дилкаш, қишбон.

4-топшириқ. Қуйида берилган сўзларга *-ли,-дор, -сер, -сиз, -каш* қўшимчаларини қўшиб сифатлар ясанг.

Ақл, фойда, хабар, гўшт, ҳосил, сув, иш, меҳнат, дил, арава, губор, маза, тутун.

II. Ўқувчиларнинг жавоблари тинглангандан сўнг дарсликдаги сифатларнинг ясалиши мавзусига оид таърифлар устида ишланади.

– 418, 419-машқлар ёзма тарзда бажарилади.

– Бошқотирма

Ётиқ чизик бўйлаб: 1. *Кенг, чиройли, кўркам, ишнам* сўзларига савол беринг. Улар қайси сўз туркумига оид сўзлар? – сифат

Тик чизик бўйлаб: 2. Таркибида *–са* қўшимчасини олиб келган сўз қатнашган гап ифода мақсадига кўра қандай гап бўлади? – Истак гап

3. Мен қизиқарли китоб сотиб олдим. Ушбу гапда қизиқарли сўзи қандай вазифани бажаради? – аниқловчи

			А	
	С			
			Қ	
	К		Л	
			В	

III. Хулоса. Сифатларнинг ясалиши ҳақидаги хулосани ўқувчиларга йўналтирувчи саволлар бериш орқали аниқланг.

IV. Уйга вазифа. Сифат сўз туркуми юзасидан савол ва топшириқлар.

81-§ Феъл – сўз туркуми (2 соат)

82-§ Феълнинг ноаниқ шакли

Дарснинг мақсади:

а) таълимий: матнда ўрганилган феъл сўз туркумига оид сўзларни аниқлайди; феълларнинг ноаниқ шаклини аниқлайди.

б) ривожлантирувчи: гуруҳ билан билан ишлаш кўникмалари шаклланади; феълларни аниқлаш малакаси шаклланади;

в) тарбиявий: тил миллатнинг бойлиги эканлигини, уни қадрлаш ва севиш зарурлигини англайдилар.

Дарснинг ресурслари: турли шаклдаги матнлар ва матн бўлмаган ёзма маълумотлар, қоидалар ёзилган ватманлар.

Дарс усули: суҳбат, жуфтликда, гуруҳда муҳокама.

Дарснинг бориши

I. Ташкилий қисм:

1. Уй вазифасини текшириш. Мавзу юзасидан саволлар бериш.

2. Ақлий ҳужум. Дарсликда берилган топшириқлар асосида ақлий ҳужум уюштирилади. Бунинг учун топшириқларни 4 гуруҳга бўлинган ўқувчиларга аввалдан варақларга ёзиб, гуруҳга тарқатиб берамиз.

1-топширик. Қуйидаги саволларга жавоб беринг.

1. Ер ўз ўқи атрофида нима қилади?
2. Ўқувчи мактабда нима қилади?
3. Учувчи фазога нима қилади?
4. Овчи ўрмонда нима қилади?
5. Ибтидоий одамлар ёзишни нима қилмаган?
6. Битирувчилар имтиҳонларни аъло баҳога нима қилишмоқчи?
7. Чақалоқ гапиришни нима қилмайди?
8. Ўрта Осиёда буюк алломалар нима қилишган?

2-топширик. Юқоридаги саволларга жавоб бўлган сўзлар қандай маъно англатяпти?

1-топширик. Қуйидаги матнни диққат билан ўқинг. (82-§)

1. Биз мактабга билим ва тарбия олиш, фанларни пухта эгаллаш учун келамиз.

2. Вақтдан унумли фойдаланиш керак. 3. Дунё халқларининг мақсади битта – тинч яшаш, ўқиш, ишлаш ва қуриш. 4. Билмоқ учун ўқимоқ керак. (Қ.Ҳикмат) 5. Сув билан олишув бошланди. 6. Ҳақиқат олтинга ўхшайди, уни сунъий йўл билан вужудга келтириш мумкин эмас. (Ҳикматли с.)

2-топширик. Ажратилган сўзлар қайси кўшимчалар воситасида ясалганини аниқланг.

Гуруҳлар бажарган топшириқлар асосида феъл нима? деган саволга жавоб бўладиган таъриф атрофига барча ўқувчиларнинг фикрларини жамланг. Таърифни ўзингиз ўқиб, ўқувчиларни муҳокамага тортинг. Йўналтирувчи саволларингиз орқали қуйи синфда ўрганган маълумотларни эсга олишсин.

II. Матн устида ишлаш.

– 423-машқда Астрид Линдгрениннг «Миттивой ва Карлсон» трилогиясидан олинган «Муштлашишсиз ҳал қилиш мумкинми?» номли парча билан таништирилади. Ўқувчилар асар қаҳрамони тушган қийин вазият ва уни ҳал қилиш муаммоларини ўқиб, унга ўз фикрларини берадилар. Феълларни топиб, замонини аниқлайдилар. Бу матнни ўқитувчи 2 дан 4 тагача бўлган қисмларга бўлиб, «Тўхтаб билан ўқиш» усулидан фойдаланса бўлади. Бунинг учун ўқувчиларни матннинг маълум қисмида тўхташ қилинганда дафтарлари билан қолган қисмини тўсиб қўйишга ўргатиш лозим. Ёки ўқитувчининг имкони бўлса вараққа кўчириб, синфдаги барча ўқувчиларга тарқатиш мумкин. Яна бир усули слайдда бир

қисмини ўқитиб, кейинги қисмига навбат келгунга қадар, муҳокама пайтида кейинги слайдни кўрсатмасдан турса бўлади.

III. Дарслик билан ишлаш.

420-421, 426-машқлар ёзма тарзда бажарилади.

422,424-машқлар оғзаки тарзда бажарилади.

IV. Хулоса. Бугун феъл – сўз туркуми ҳақида умумий маълумотларни билиб олдингиз. Айтингчи, қайси сўзлар, қайси машқ, қайси гаплар, қандай топшириқлар кўпроқ эсингизда қолди? Нима учун?

Ўқувчилар ўқитувчининг бу саволига жавоб беришда ўзининг бугунги мавзудан олган хулосаларини жамлаган ва таҳлил қилган бўлади. Бугун атиги мавзунинг аталишини билган бола эртага янада кўпроқ маълумотларни билиб олиши шубҳасиз.

V. Уйга вазифа. 425-машқ. 81-82-§.

83-§. Бўлишли ва бўлишсиз феъллар

Дарснинг мақсади:

а) таълимий: матнда ўрганилган феъл сўз туркумига оид сўзларни аниқлайди; феълларнинг бўлишли ёки бўлишсизлигини аниқлайди.

б) ривожлантирувчи: гуруҳ билан билан ишлаш кўникмалари шаклланади; феълларни туслашни билади;

в) тарбиявий: нутқда маънонинг миллий-маданий компонентли лексикасидан фойдаланишни, она тилини ўрганиш зарурлигини англайдилар.

Дарснинг ресурслари: турли шаклдаги матнлар ва матн бўлмаган ёзма маълумотлар, қоидалар ёзилган ватманлар.

Дарс усули: суҳбат, жуфтликда, гуруҳда муҳокама.

Дарснинг бориши

I. Ташкилий қисм:

1. Уй вазифасини текшириш. Мавзу юзасидан саволлар бериш.

2. Ақлий ҳужум. Синфдаги ўқувчиларни 3 гуруҳга бўлинг. Топшириқларни биттадан гуруҳларга бўлиб, тушунтириб беринг.

1-гуруҳ. 8 та гапдан иборат топшириқ.

2-гуруҳ. Бўлишли, бўлишсиз феълларни устунга ёзиш.

3-гуруҳ. Қоидани муҳокама қилиш.

1-топширик. Берилган гаплардан аввал ҳаракат бажарилганлигини билдирган феълларни, сўнг ҳаракатнинг бажарилмаганлигини билдирган феълларни белгиланг.

1. Саёқ юрма, таёқ ейсан. (М.) 2. Ситора янги китобларни зўр қизиқиши билан ўқиди. 3. Янги дўст орттирсанг, эскисидан юз ўғирма. (Қобуснома) 4. Тилни ақлдан устун кетишига йўл қўйма. (М.) 5. Бишлик ўзи кифоя эмас, уни амалда қўллай бишли керак. (Гёте) 6. Дарсни диққат билан тинглагани туфайли Нозима уй вазифасини бажаришда қийналмади. 7. Халқ пуфласа бўрон бўлади. (М.) 8. Учқундан аланга чиқади.

2-топширик. Юқоридаги феълларни икки устунга намунадагидек ёзинг.

Намуна: ўқиди, юрма

Топширик тайёр бўлгач, гуруҳлардан биттадан вакил чиқиб доскада топширикни бажаришлари мумкин.

II. Дарслик билан ишлаш.

– 430, 431-машқлар ёзма равишда бажарилади.

– Бошқотирма

Ётиқ чизик бўйлаб феъл сўз туркумига оид сўз яширинган - сўзлама

1. Сўзла феълнинг бўлишсиз шакли

Тик чизик бўйлаб от сўз туркумига оид бўлган сўзлар яширинган

1. Ручкадаги суюклик – сиёҳ.

2. Ақл сўзининг синоними – зеҳн.

3. Тўшак астарининг орқаси – авра.

4. Майда, нордон доначали мева – анор.

1		2		3		4
С						
		Е		В		Н
Х		Н		А		Р

III. Хулоса. Ўйлаб кўринг, ҳамма бўлишли феълни бўлишсиз феълга айлантириш мумкинми?

Бўлишсиз ёки бўлишли деган тушунчалар қандай маънодан келиб чиққан?

IV. Уйга вазифа. 432-машқ. 83-§.

84-§. Фейлларнинг тусланиши

Дарснинг мақсади:

а) таълимий: матнда ўрганилган феъл сўз туркумига оид сўзларни аниқлайди; феълларнинг тусланиш қоидасини билади.

б) ривожлантирувчи: индивидуал, жуфтликда, гуруҳ билан билан ишлаш кўникмалари шакллантирилади; феълларни туслашни билади; луғат ёрдамида матнларда миллий-маданий компонентни акс эттирувчи сўз маъноларини тушунтиради;

в) тарбиявий: нутқда маънонинг миллий-маданий компонентли лексикасидан фойдаланиш ва уни қадрлаш зарурлигини англайдилар.

Дарснинг ресурслари: турли шаклдаги матнлар ва матн бўлмаган ёзма маълумотлар, қоидалар ёзилган ватманлар.

Дарс усули: суҳбат, жуфтликда, гуруҳда муҳокама.

Дарснинг бориши

I. Ташкилий қисм:

1. Уй вазифасини текшириш. Мавзу юзасидан саволлар бериш.

2. Ақлий ҳужум. Тусланиш деганда нимани тушунасиз? Қандай сўзларни туслаймиз?

Саволлар аввал индивидуал, сўнгра жуфтликда муҳокама қилиб, ўқитувчининг қўлидан тескари турган карточкаларни олиш таклиф қилинади. Карточкаларда биттадан феъл ёзилган бўлиб, ўқувчилар оғзаки тарзда сўзларни туслаб беришлари зарур. Шу тарзда ҳам саволларга жавоб олинади, ҳам карточкалардаги топшириқлар бажарилади.

II. Дарслик билан ишлаш.

– мавзу остида берилган топшириқ, жадвал, 435-машқлар оғзаки бажариш учун мўлжалланган.

– 433-434-машқлар ёзма тарзда бажарилади.

III. Хулоса. Ўқувчилардан дарсда нима кўпроқ эсида қолганлиги хусусида сўранг. Ўқувчилар жуфтликда ишлаб бир-бирларига дарсда олган маълумотлари билан ўртоқлашишга имкон яратинг. Фейлнинг замон ва шахс-сон қўшимчалари билан ўзгариши тусланиш дейилиши, шахс-сон қўшимчалари тусловчи қўшимчалар деб юритилиши ҳақидаги хулосага йўналтиринг.

IV. Уйга вазифа. 436-машқ. Фейллардан унумли фойдаланган ҳолда ўқувчилар «Дўстларим билан бўлган суҳбат» мавзусида кичик ҳикоя тузишларини айтинг.

Феъл замонлари (3 соат)

85-§. Ўтган замон феъли. 86-§. Ҳозирги замон феъли.

87-§. Келаси замон феъли

Дарсинг мақсади:

а) таълимий: матнда ўрганилган сўз туркумларининг вазифасини аниқлайди, феъл замонларини ажрата олади ва мисоллар келтира олади;

б) ривожлантирувчи: гуруҳ билан билан ишлаш кўникмалари шаклланади; феълларни 3 замонда тушлаш кўникмаси ривожланади;

в) тарбиявий: тил миллатнинг бойлиги эканлигини, уни қадрлаш ва ўрганиш зарурлигини англайдилар.

Дарсинг ресурслари: турли шаклдаги матнлар ва матн бўлмаган ёзма маълумотлар, қоидалар ёзилган ватманлар.

Дарс усули: суҳбат, жуфтликда, гуруҳда муҳокама.

Дарсинг бориши

I. Ташкилий қисм:

1. Уй вазифасини текшириш. Мавзу юзасидан саволлар бериш.

2. Ақлий ҳужум. Ўқитувчи доскага феъл замонлари ҳақидаги жадвални илиб, ўқувчиларнинг эътиборига қуйи синфда ўрганган мавзунини ҳавола қилади. Ўқувчиларга йўналтирувчи саволлар бериб, жадвал устида ишлайди.



Сўнгра интерактив усулда янги дарсга олиб киради.

Қадамлар	Кўрсатмалар
I. Мавзу ва мақсадни аниқлаб, феъл юзасидан ўтилганларни актуаллаштириш.	Феъл замонлари ҳақида нималарни биласиз? Уларнинг қандай турлари ҳақида айта оласиз? Феъл замонларига мисоллар келтиринг.

<p>II. Ўқувчиларни 1,2,3 деб санаш орқали кооператив гуруҳларга ажратади.(1,2,3) (1,2,3)</p>	<p>Биз кичик гуруҳларда ишлаймиз. Гуруҳингизни эслаб қолинг. Бу сизнинг жонажон гуруҳингиз.</p>
<p>III. Кооператив гуруҳда ишлаш учун вазифа. 1. Ўтган замон. 2. Ҳозирги замон. 3. Келаси замон. (Ўқувчиларга феъл замонлари ҳақидаги таърифлар ёзилиб, олдиндан тайёрлаб қўйилган варақларни тарқатади)</p>	<p>Ҳар бирингиз ўзингизга берилган қисмни ўқийсиз. Бир-бирингизга ўз ўқиган қисмингизни тушунтириб беришингиз керак. Натижада дарс сўнгида гуруҳнинг ҳар бир аъзоси маълумотни тўлиқ билиб олмағи керак.</p>
<p>IV. Мавзунини ўқиш.</p>	<p>Ҳар бир ўқувчи ўзига берилган қисмни ўқийди. (Вақт белгиланади)</p>
<p>V. Эксперт гуруҳларни ташкил қилиш ва ишлаш. (1+1+1+1), (2+2+2+2), (3+3+3+3).</p>	<p>Сиз энди эксперт гуруҳда ишлайсиз: биринчилар бирга, иккинчилар бирга ва ҳоказо. Сизнинг вазифангиз – бир-бирингиз билан ўқиганларингиз ҳақида ўртоқлашиб, ўз ўқиган маълумотингизни жонажон гуруҳдаги дўстларингизга тушунтириб бериш йўлини ишлаб чиқиш. Кооператив гуруҳдаги дўстларингизнинг сиз етказадиган маълумотни қандай тушуниши сизга боғлиқ.(вақт белгиланади)</p>
<p>VI. Кооператив гуруҳларга қайтиш. Мавзунини ўзлаштириш бўйича ишлаш. Бир-бирини ўқитиш.</p>	<p>Бир-бирингизга ўзингиз ўқиган қисмдан нима ўрганганингиз ҳақида гапириб беринг. (Вақт белгиланади)</p>

II. Дарслик билан ишлаш.

- 438, 440, 443-машқлар оғзаки бажаришга мўлжалланган.
- 437,439,442,445-машқлар ёзма тарзда бажарилади.

III. Хулоса. Йўналтирувчи саволлар бериш орқали ўқувчилар ўзлари мустақил тарзда хулоса чиқаришларига туртки беринг.

IV. Уйга вазифа. 441,444-машқлар.

88-§. Феълларнинг ясалиши

Дарснинг мақсади:

а) таълимий: матнда ўрганилган феъл сўз туркумининг вазифасини аниқлайди, феълларнинг қандай ясалиши ҳақидаги маълумотларни айтиб бера олади.

б) ривожлантирувчи: матн билан ишлаш кўникмалари шаклланади; гапдаги грамматик асосни топиш малакаси ривожланади;

в) тарбиявий: она ўлка табиати, ўз ватани тарихини ақс эттирувчи санъат асарларига ўз муносабатини айтиб беради;

Дарснинг ресурслари: турли шаклдаги матнлар ва матн бўлмаган ёзма маълумотлар, қоидалар ёзилган ватманлар.

Даре усули: суҳбат, жуфтликда, гуруҳда муҳокама.

Дарснинг бориши

I. Ташкилий қисм:

1. Уй вазифасини текшириш. Мавзу юзасидан саволлар бериб, машқ шарти текширилади.

2. Ақлий ҳужум. Дарсликдаги топшириқларни бажариш таклиф қилинади.

1-топшириқ. Феълларни ўқинг. Уларнинг ўзақларини аниқлаб, қайси сўз туркумларидан ясалганлигини айтинг.

Яқинлашди, гуллади, кенгайтирилди, жонланмоқда, яхшиланади, тишламайди, кўкарди.

2-топшириқ. Ўқинг. Биринчи ва иккинчи устунда содда феъллар берилган. Бу феълларнинг қайсилари туб феъл, қайсилари ясама феъл? Учинчи устундаги феъллар эса қандай ҳосил бўлган?

<i>Кел</i>	<i>ишла</i>	<i>ўқиб чиқ</i>
<i>ўқи</i>	<i>бура</i>	<i>ёза бошла</i>
<i>ўйна</i>	<i>бойи</i>	<i>қулоқ сол</i>
<i>йиқ</i>	<i>шодлан</i>	<i>айтиб юбордим</i>
<i>ўра</i>	<i>бирлаш</i>	<i>қўмак бер</i>

Келтирилган мисоллардан фойдаланиб ўқувчиларга феълларнинг ясалиши ҳақидаги таърифга йўналтирувчи саволлар беринг. Таърифни ўқувчилар билан биргаликда, ўзингиз яккаҳон тарзда баён қилиш усулидан қочиб муҳокама қилинг. Берилган муаммони ҳал қилишда: Нима деб ўйлайсиз? Сизнингча, қандай бўлиши мумкин? Ўзингиз

хулосаланг каби болани мантиқий ўйлашга олиб келадиган саволлар беринг.

II. Матн устида ишлаш. 446-машқда берилган матнда ўқувчилар феъл ясовчи кўшимчаларни аниқлаб, уларнинг ясалишига изоҳ берадилар. Матнга берилган топшириқларни бажаришда суҳбат усулидан фойдаланинг.

– 448, 450-машқлар ёзишга мўлжалланган машқлар бўлиб, ўқувчиларнинг ёзма нутқи билан биргаликда уларнинг оғзаки нутқлари ҳам ривожланиши кўзда тутилади.

– 449-машқда ўқувчиларнинг расм асосида ҳикоя тузиш малакалари шакллантирилади. Болаларни расмни кузатиш жараёнида ҳар бир нарсага эътибор беришларини илтимос қилинг. Энг майда кўринишларга ҳам уларнинг диққатини тортинг.

III. Хулоса. Мавзу ичида берилган машқлар орқали феълларнинг ясалиши ҳақидаги тушунчаларни янада мустаҳкамлаш учун йўналтирувчи саволлар беринг. Хулосани болаларнинг ўзлари чиқарсин.

IV. Уйга вазифа. Билимларингизни синаб кўриш учун ўтилган мавзулар юзасидан уйда тест топшириқларини бажаринг. Очiq қолган саволларни синфда ўртоқларингиз билан муҳокама қилинг.

Илова: ўқув йили охиридаги тест топшириқларида жавоб вариантлари 5 тадан берилганининг сабаби ўқувчининг фикрлаш жараёнини ривожлантиришдир.

Яқуний дарс

5-синфда ўтилганларни такрорлаш

Ўқув йили охиридаги такрорлаш ўзбек тилидан ўрганилган асосий материалларни ўқувчилар ёдига тушириш билан бирга, фонетика, лексика ва грамматикадан ўтилганларни умумлаштириш, энг асосийларини ажратиш ва чуқур англашга, ўқувчиларнинг орфографик, пунктуацион ва нутқий малакаларини яна ҳам мустаҳкамлашга ёрдам беради. Шу мақсадда ўхшаш тил ходисалари таққосланади, уларнинг ўхшаш ва фаркли томонлари аниқланади.

Йил охиридаги такрорлашда такрорланадиган материаллар ўқувчилар томонидан қай даражада ўзлаштирилганини ҳисобга олинг, чунки такрорлаш дарсининг мазмуни такрорланадиган материалларнинг қандай ўзлаштирилганига боғлиқ.

Такрорлаш дарсларида тил ҳодисалари у ёки бу белгисига кўра гуруҳланади, умумлаштирувчи жадваллардан фойдаланиб, ўрганилганлар системалаштирилади. Материалларни умумлаштириш жараёнида тил ҳодисалари ўртасидаги, шунингдек, тил ҳақидаги фаннинг бўлимлари ўртасидаги боғланиш кўрсатилади. Масалан, фонетика ва морфология, фонетика ва орфография, морфология ва лексика, морфология ва орфография, синтаксис ва пунктуация каби.

Такрорлаш дарсларини савол-жавоб йўли билан ўтказинг. Бунда умумлаштирувчи ва системалаштирувчи савол ва топшириқлар ёрдамида ўқувчиларнинг грамматик, орфографик ва пунктуацион қоидаларни қанчалик ўзлаштиргани, мустақил мисоллар топа билиши, ўз фикрини эркин тушунтира олиш малакалари синалади. Назарий материалларни такрорлаш, яъни савол ва топшириқлар устида ишлаш машқларни бажариш билан қўшиб олиб борсангиз мақсадга мувофиқ бўлади.

Такрорлаш учун матнлар, машқлар, қизиқарли савол ва топшириқлар берилди. Барчасини бажаришга вақт етмаслиги мумкин. Ўқувчиларнинг қизиқишларига қараб топшириқлардан ўринли фойдаланинг. Охириги соатда ўқув йилига яқун ясанг, илғор ўқувчиларнигина эмас, ўрта билимга эга ўқувчиларни ҳам рағбатлантиринг, йил давомида она тилини ўрганишда фаол қатнашганини, эришган ютуқларини такрор айтинг, ўқувчилар билан янги ўқув йилида учрашишларни айтиб, ёзда яхши дам олишларини истаб қолинг!

Илова

Назорат иши ва унинг таҳлилини қандай олиб борамиз?

Маълумки, мактабда текширув ишлари учун икки соат ажратилиб, биринчи соатда ёзма иш ёзилади, иккинчи соатда эса унинг текширув натижалари таҳлил қилинади.

Биринчи дарсда сўзнинг таркибига доир темаларни ўқувчилар қандай ўзлаштирганини аниқлаш, ўқувчиларнинг саводхонлигини текшириш, уларнинг орфографик ва пунктуацион малакаларини мустаҳкамлаш мақсадида грамматик топшириқли назорат диктант ўтказилади. Контрол диктант учун матнни диктантлар тўплами ёки бошқа манбадан ўқитувчининг ўзи танлайди. Матн танлашда синф ўқувчиларининг ўртача ёзув темпи, грамматик топшириқни бажаришга сарфланадиган ўртача вақт ҳисобга олинади. Грамматик топшириқ куйидаги мазмунда бўлади ва дарсдан олдин синф доскасига ёки кўчма доскага ёзиб, бекитиб қўйилади: «Куйидаги сўзлардан иккитасини (ёки учтасини) танлаб, сўз таркиби жиҳатидан ёзма текширинг». (Шуни таъкидлаш керакки, таркиби жиҳатидан грамматик топшириқда берилган сўзлардагига ўхшаш сўзлар бундан олдинги дарсларда ёзма таҳлил қилинган бўлиши, шунинг учун у дарсда қайта тушунтириб берилмаслиги ҳам мумкин.) Ўқитувчи диктант матнини ёздириб бўлгач, ўқувчилар доскадаги грамматик топшириқни ҳеч қандай изоҳсиз мустақил равишда бажарадилар.

Иккинчи дарсда ёзма иш таҳлил қилиниб, хатолар устида ишланади.

Ўқитувчи назорат диктантни текшириб, диктантга алоҳида, грамматик топшириққа алоҳида баҳо қўяди ва хатолар устида ишлаш дарсига тайёрланади. Бунинг учун ўқувчилар ёзма ишида йўл қўйган хатолар гуруҳланади:

1) қўпчилик ўқувчи хатога йўл қўйган типик хатолар;

2) ўқувчилардан айримларигина (бир-икки ўқувчи) йўл қўйган индивидуал хатолар ажратилади. Типик хатолар устида ишлаш учун ўқитувчи машқлар, вазифалар танлайди, индивидуал хатога йўл қўйган ўқувчилар учун эса мустақил равишда ишлашларига мўлжалланган алоҳида вазифали карточкалар тайёрлайди. Шундан кейин грамматик топшириқли контрол диктантни анализ қилиб бериш планини белгилаб олади. Бунда контрол ишнинг бажарилишига умумий характеристика тайёрлайди; энг яхши ёзилган, аввалги назорат ишларига нисбатан

яхшироқ ёзилган, шунингдек, энг ёмон ёзилган ишлардан икки-учтаси намуна сифатида ўқиб бериш учун ажратилади.

Дарс қўйидаги изчилликда уюштирилади:

1. Ўқитувчи дарснинг мақсадини эълон қилгандан сўнг, грамматик топшириқли назорат ишнинг қандай бажарилганига умумий характеристика беради. Бунда ишни неча ўқувчи ёзгани, шундан қанчаси «5» ва «4» баҳоланганини айтиб, ҳар томонлама яхши ёзилган бир ёки икки иш кўрсатилади ва айрим ўринлари изоҳланиб, рағбатлантирилади. Кейин назорат ишини «3» баҳога ёзганлар ҳам борлиги (ёки кўплиги) айтилади; олдинги назорат ишни ёмон (ёки «уч» баҳоланган бўлса ҳам, тузатишлари кўп, ифлос ёзган), бу ишни эса нисбатан анчагина тоза, кам хато билан ёзган бир-икки ўқувчи рағбатлантирилади. Сўнгра ишни «икки» баҳога ёзганлар ҳам борлиги айтилиб, нима учун шундай баҳолангани қисқача изоҳланади.

2. Ўқитувчи ишдан кўпчилик ўқувчи қандай хатоларга йўл қўйганини, бундай типик хатолар устида синфда гуруҳда ишланишини айтади; шунинг билан бирга, айрим ўқувчилар йўл қўйган индивидуал хатолар борлиги, улар устида ишлаш учун топшириқли карточкалар тайёрлангани, карточкалар ўша ўқувчи дафтари ичига қўйилгани (ёки топшириқлар дафтарнинг ўзига ёзиб қўйилгани), бу вазифаларни ўқувчилар уйга (агар вақт қолса синфда) бажаришлари тушунтирилади.

3. Ўқувчиларнинг ёзма иш дафтарлари тарқатилиб, типик хатолар устида синфда машқ қилинади. Қолган вақтда индивидуал хатога йўл қўйган ўқувчилар ўзларига берилган топшириқларни бажарадилар ва бир неча сўз таркиби жиҳатидан текширилади.

4. Ўқитувчи дарсни яқунлаб, уйга бериладиган вазифани тушунтиради.

Иншо

Иншо – ижодий меҳнат

Иншо ўқувчининг маълум бир мавзуни мустақил равишда очиб бера олиш, ўз фикрларини ёзма шаклда тўғри, раво, саводли баён қила олиш кўникма ва малакаларини, шу мавзу бўйича билимларини намойиш этувчи ижодий матн – кичик бир асардир. Ёзувчи ва шоир, олим ва мухбир ўзи ёзадиган асар, илмий иш, мақолага катта масъулият билан қарагани каби ўқувчи ҳам иншо ёзишдан олдин унга ҳар томонлама тайёрланиши лозим. Зеро, иншо ўқувчи маънавияти ва маърифати кўзгусидир. Унда ўқувчининг билимлари, ҳис-туйғулари, фикрларини баён этиш кўникма ва малакалари ўз аксини топади.

Иншонинг ҳар бир тури ўз шаклий ва мазмуний хусусиятларига эга.

Иншо – ижодий меҳнатнинг олий кўриниши, мураккаб ақлий меҳнат маҳсулидир. У муаллифдан ўз фикрларини зарур далиллар асосида мантиқан изчил ва бадиий тарзда, грамматик ва услубий жиҳатдан тўғри изҳор этишни талаб қилади. Шунинг учун маълум мавзуда иншо ёзишдан олдин шу мавзуга оид бадиий ёки ҳаётий манбани, унга оид илмий адабиётларни чуқур ўрганиб чиқиш, тезис (қисқа ифода) яратиш, далиллаш учун кўчирмаларни йиғиш, хомаки режани шакллантириб олиш талаб қилинади.

Жумладан:

– иншо мавзусини пухта ўйлаш, нималар ҳақида ёзишни аниқлаб олиш, мавзуга оид сўзлар танлаш;

– иншонинг асосий мазмунини, шу мазмунни ёритиш учун нималар ҳақида ва қандай ёзишни ўйлаб олиш; иншонинг режасини тузиш;

– иншони ёзишда фақат мустақил ижодий фикр юритиш;

– ёзган иншони ўқиб чиқиш; унда мавзу ва асосий мазмун ёритилганини текшириш, ёзиш зарур бўлмаган, ортиқча бўлган сўз ва гапларнинг устидан чизиш; иншонинг мавзу ва асосий мазмун етарли очилмаган ўринларни тўлдириш;

– иншонинг тилига, фикрнинг яхши ифодаланганлигига эътибор бериш; зарур ўринларга тузатиш киритиш;

– ёзган иншони оққа кўчириш.

Дидактик мақсадларга кўра иншолар икки хил бўлади: а) таълимий иншолар; б) синов иншолари.

Мақтабда ўтказиладиган иншоларнинг асосий қисмини таълимий иншолар ташкил этади. Бундай иншолар, асосан, ўргатишни кўзлайди.

Тил ҳодисаларини амалда қўллашга ўргатиш, ўзбек адабий тилининг бой имкониятларидан нутқда фойдаланиш каби зарур малакалар деярли таълимий иншолар орқали шакллантирилади. Бу иншолар одатда ўқувчиларнинг машқ дафтарларига бир марта ёзилади. Шунинг учун матндаги камчиликларни бартараф этиш ва уни такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган шартли белгилардан ўқувчи ўз иншосида бемалол фойдаланиши мумкин. Бу унинг билимига қўйиладиган баҳосига таъсир этмаслиги керак.

Таълимий иншолар синфда ёки уйда ўқувчи томонидан ёзилиб, ижодий фикр юритишга, мавзунини тўғри баён қилишга қаратилади.

Синов иншолари ўрганилган мавзуларга доир билимларни, иншо ёзиш кўникма ва малакаларни синаш учун йирик мавзулар тугагандан сўнг, чораклар ёки ўқув йили охирида ўтказилади. Улар асосан, ўқувчиларнинг эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш мақсадида ўтказилади. Шунинг учун иншо мавзуси олдиндан эълон қилинмайди, улар аввал қоралама нусхада бажарилиб, кейин такомиллаштирилгач, оққа кўчирилади. Одатда, назорат мақсадини кўзлаган иншоларга икки соат вақт ажратиш мақсадига мувофиқдир.

Шакли жиҳатидан иншолар оғзаки ва ёзма бўлиши мумкин. Кўпинча расм, экскурсия, кўрилган кинофильм, сахна асари ҳақидаги таассуротлар аввал оғзаки, кейин ёзма баён қилинади. Она тили машғулотларида иншонинг оғзаки ва ёзма шакллари ўртасида мутаносиблик бўлиши шарт.

Эслатмалар

Диктант ёзишга қандай тайёргарлик кўриш керак

1. Матнни диққат билан тингланг; ундаги асосий мавзуни англаб олишга ҳаракат қилинг.

2. Гапнинг мазмуни ва оҳанги асосида унда қўлланиш керак бўлган тиниш белгилари қўйишни мўлжалланг.

3. Матн иккинчи марта ўқиладиганда сизга қийин бўлган сўзларга диққатингизни жалб қилинг. Уларнинг тўғри ёзилиш шаклини топишга ҳаракат қилинг.

4. Ёзишга улгурмай қолган сўзларга жой қолдириг.

Баён ёзишга қандай тайёргарлик кўриш керак

1. Матнни диққат билан ўқиб чиқинг (тингланг).

2. Сиз учун тушунарсиз бўлган сўзлар маъносини аниқланг.

3. Матннинг асосий мазмунини англаб олинг. Мазмунини ёритиш учун муҳим бўлган сўз, сўз бирикмаси ва гап (жумла)ни топинг.

4. Матнни қисмларга бўлинг ва уларга сарлавҳа қўйинг.

5. Тиниш белгиларининг ўрни ва вазифаларини белгилаб олинг.

6. Матнни яна бир бор ўқиб чиқинг.

Ёзма ишларни баҳолашнинг тавсия этилган меъёрлари

Диктант

Диктант – орфографик ва пунктуацион саводхонликни текширишнинг асосий шаклидир. Диктантлар учун замонавий адабий тил меъёрларига жавоб бериши зарур бўлган боғланишли матнлардан фойдаланиш, мазмунига кўра ушбу синф ўқувчиларига енгил бўлиши мақсадга мувофиқдир

Диктант матнларига бўлган талаблар

Матн ҳажми

- 5-синф учун – 90–100 та сўз,
- 6-синф учун – 100–110 та сўз,
- 7-синф учун – 110–120, 8-синф учун – 120–150та сўз
- 9-синф учун – 150–170 та сўз.

Диктантни баҳолаш индикаторлари жадвали

Баҳо	Кўрсаткичлар
«5» баҳо	Хатосиз иш ёки 1 та қўпол бўлмаган орфографик хато, 1 та қўпол бўлмаган пунктуацион хато ёки 1 та қўпол бўлмаган грамматик хатога қўйилади.
«4» баҳо	<ul style="list-style-type: none"> • 2 та орфографик ва 2 та пунктуацион, ёки • 1 та орфографик ва 3 та пунктуацион, ёки • Орфографик хатоларсиз 4та пунктуацион хатога. • «4» баҳо агарда бир типдаги учта орфографик хато бўлса, шунингдек 2 та грамматик хатога йўл қўйилганда қўйилади.
«3» баҳо	<ul style="list-style-type: none"> • 4 та орфографик ва 4 та пунктуацион хатога, ёки • 3 та орфографик ва 5 та пунктуацион хатога, ёки • Орфографик хатосиз 7 та пунктуацион хатога қўйилади. <p>5-синфда «3» баҳони 5та орфографик ва 4 та пунктуацион хатоларга қўйилади. Шунингдек, «3» баҳо 6 та орфографик ва 6 та пунктуацион хато бўлган вақтда ҳам қўйилиши мумкин, агар улар орасида бошқа бир типдаги ва қўпол бўлмаган хато мавжуд бўлса. 4 тагача грамматик хатога йўл қўйилиши мумкин.</p>
«2» баҳо	<ul style="list-style-type: none"> • 7 та орфографик ва 7 та пунктуацион хатога, ёки • 6 та орфографик ва 8 та пунктуацион хатога, ёки • 5 та орфографик ва 9 та пунктуацион хатога, ёки • 8 та орфографик ва 6 та пунктуацион хатога қўйилади.
«1» баҳо	«2» баҳога нисбатан кўп хатога йўл қўйган вақтда қўйилади.

Изоҳ.

• Диктантни баҳолашда қуйидаги ҳолатларда тузатилади, бироқ хато деб ҳисобга олинмайди:

- 1) сўз кўчиришда;
- 2) мактаб дастурига киритилмаган қоидаларда;
- 3) ҳали ўрганилмаган қоидаларда;
- 4) махсус ишлар ўтказилиб ўрганилмаган сўзларда;

5) муаллиф пунктуациясини беришда;

6) ёзувдаги хатолар – сўзнинг товуш кўринишига путур етказадиган нотўғри ёзувлар. Масалан: китоп (китоб сўзининг ўрнига), турпок (тупрок сўзининг ўрнига).

• Диктанларни баҳолашда хатолар табиатини ҳам ҳисобга олиш муҳимдир. Хатолар орасидан кўпол бўлмаган, яъни саводхонликка сезиларли таъсир этмайдиган хатоларни ажратиш талаб этилади. Ҳисоблаш чоғида иккита кўпол бўлмаган хато биттага ҳисобланади. Кўпол бўлмаган хатоларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) қоидадан ташқари;

2) атоқли отларда бош ҳарф билан ёзишда;

3) келиб чиқиши жиҳатидан ўзбекча бўлмаган атоқли отларда;

4) бир тиниш белгиси ўрнига бошқаси ишлатилган ҳолатда;

5) ўхшаш тиниш белгиларидан бири тушириб қолдирилса ёки уларнинг кетма-кетлиги бузилса ва ш.к.

• Хатоларнинг такрорийлиги ва бир хилдалигини ҳисобга олиш муҳим. Агар хато биргина сўз ёки бир ўзакли сўзларда такрорланса, у ҳолда у битта хатога саналади. Бир типдаги хато деб, агар тўғри ёзиш шarti берилган сўзнинг грамматик ва фонетик хусусиятларида белгиланган бўлса битта қоидага киритилади.

1) Бир типдаги хато деб ҳисобланмайдиган қоида шундан иборатки, унда битта сўзнинг тўғри ёзилганлигини аниқлаш учун бошқа сўз (бир ўзакли) ёки унинг шаклини танлаш талаб қилинади

2) дастлабки бир типдаги хатолар биттага саналади, худди шунга ўхшаш ҳар бир кейинги хато мустақил қилинган хато дейилади.

3) Агар битта сўзда текширилмайдиган орфограммалар билан бирга 2 та ва ундан кўп хатога йўл қўйилса, у ҳолда улар битта хато деб ҳисобланади.

Назорат лугат диктантни баҳолаш индикаторлар жадвали

Баҳо	Кўрсаткичлар
«5» баҳо	Хатоси йўқ
«4» баҳо	1-2 та хато
«3» баҳо	3-4 та хато
«2» баҳо	7 тагача хато
«1» баҳо	7 тадан кўп хато

Грамматик топшириқни баҳолаш индикаторлар жадвали

Баҳо	Кўрсаткичлар
«5» баҳо	Топшириқ тўғри бажарилган
«4» баҳо	3/4та топшириқдан озроқ тўғри бажарилган
«3» баҳо	Топшириқнинг ярмидан озроғи тўғри бажарилган
«2» баҳо	Топшириқнинг ярмидан ози тўғри бажарилган
«1» баҳо	Барча топшириқлар нотўғри бажарилган

Иншо ва баёнлар

Иншо ва баёнлар – ўқувчиларнинг нутқий компетентлигининг шаклланганлик даражасини текширадиган асосий шакллардир. Иншо ва баёнлар ёрдамида: мавзуни ёритиб бера олиш кўникмаси; тил воситаларидан фикрнинг услуги, мавзуси ва вазифасига мувофиқ фойдаланиш; тўғри ёзувнинг тил меъёрлари ва қоидаларига риоя қилиш.

Баён матнига бўлган талаблар

Батафсил баёнга матннинг тахминий ҳажми:

- 5-синфда – 100 – 150 та сўз,
- 6-синфда – 150 – 200 та сўз,
- 7-синфда – 200 – 250 та сўз,
- 8-синфда – 250 – 350 та сўз,
- 9-синфда 350 – 450 та сўз.

8–9-синфларда якуний назорат батафсил баён матнларининг ҳажми 50 та сўзга кўпайиши мумкин, бу эса бундай дарсларда тайёрлов ишлари олиб борилмаслиги билан боғлиқ.

Иншо ва баённи баҳолаш индикаторлари жадвали

Баҳо	Кўрсаткичлар	Грамматика
«5» баҳо	<p>Мазмуний ва нутқий кўриниши</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Ишнинг мазмуни мавзуга тўлиқ мос келади. 2. Аниқ хатолар йўқ. 3. Мазмуни тартибли баён қилинади. 4. Иш луғат бойлиги, фойдаланилган синтактик конструкцияларнинг хилма-хиллиги, сўзларни қўллашдаги аниқлиги билан фарқланиб туради. 5. Матннинг услубий бирлиги ва ифодалилигига эришилган. 6. Ишда яхлит олганда мазмунида 1 та нуқсон ва 1-2 та нутқий камчиликларга йўл қўйилган. 	<p>Йўл қўйилади: 1 та орфографик, ёки 1 та пунктуацион, ёки 1 та грамматик хатога.</p>
«4» баҳо	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ишнинг мазмуни асосан мавзуга мос келади (муҳим бўлмаган четлашишлар). 2. Мазмуни асосан аниқ, бироқ биттадан фактик ноаниқликлар бор. 3. Фикрларни баён қилишда муҳим бўлмаган изчилликнинг бузилиши бор. 4. Нутқнинг лексик ва грамматик қурилиши етарлича хилма-хил. 5. Иш услуби ягона ва етарлича ифодалилиги билан фарқланади. 6. Ишда яхлит олганда мазмунида 2 тадан оз нуқсон ва 3-4 тадан озроқ нутқий камчиликларга йўл қўйилган. 	<p>Йўл қўйилади: 2 та орфографик ва 2 та пунктуацион хатога, ёки 1 та орфографик ва 3 та пунктуацион хатога, ёки орфографик хатосиз 4 та пунктуацион хатога, шунингдек 2 та грамматик хатога.</p>

«3» баҳо	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ишда мавзудан сезиларли челлашишга йўл қўйилган. 2. Иш асосан аниқ, бироқ алоҳида фактик ноаниқликлар бор. 3. Баён қилишдаги кетма-кетликда айрим бузилишларга йўл қўйилган. 4. Луғат ночор ва қўлланилаётган синтактик конструкциялар бир хил, сўзларни ногўғри қўллаган. 5. Иш услуби ягоналиги билан фарқланмайди, нутқ етарсиз даражада ифодали. 6. Ишда яхлит олганда, мазмунида 4 тадан оз нуқсон ва 5 та нутқий камчиликларга йўл қўйилган. 	Йўл қўйилади: 4 та орфографик ва 4 та пунктуацион ҳатога, ёки 3 та орфографик ва 5 та пунктуацион ҳатога, ёки орфографик ҳатосиз 7 та пунктуацион ҳатога, шунингдек 4 та грамматик ҳатога.
«2» баҳо	<ol style="list-style-type: none"> 1. Иш мавзуга мос келмайди. 2. Қўп фактик ноаниқликларга йўл қўйилган. 3. Ишнинг барча қисмларида фикрларни баён қилишда кетма-кетлик бузилган, улар орасида боғланиш йўқ. 4. Луғат ночор, иш бир типдаги қисқа гаплар, улар орасида ўзаро бўш ифода этилган боғланишлар билан ёзилган, сўзларни тез-тез ногўғри қўллаш ҳолати мавжуд. 5. Матннинг услубий бирлиги бузилган. 6. Мазмунида нуқсонларга йўл қўйилган ва «3» баҳога нисбатан нутқий камчиликлари кўп. 	Йўл қўйилган: «3» баҳога нисбатан кўп орфографик, пунктуацион ва грамматик ҳаголларга

Изоҳ: Кўрсатилган баҳо нормалари 4-5 саҳифали ўрғача ҳажмдаги иншо учун берилган. Иншони баҳолашда мустақиллиги, фикрнинг оригиналлиги, унинг композицион ва нутқий жиҳозланиш даражаси инобатга олинади. Оригинал фикрнинг мавжудлиги, унинг яхши ёритилиши баҳони 1 баллга кўтаришга имкон беради. 3 дан кўп тузатиш мавжуд бўлса аъло баҳо қўйилмайди. Матнда 5 та тузатиш (ногўғри ёзувни тўғрилаш) мавжуд бўлса, баҳо 1 баллга пасаяди.

Оғзаки ишларни баҳолашнинг тавсия этилган меъёрлари

Оғзаки жавобни баҳолаш индикаторлари жадвали

Баҳо	Индикаторлар
«5» баҳо	Ўқувчи берилган мавзунини билганлиги ва тушунганлигини намойиш этади: 1) тилга оид тушунчаларга тўғри таъриф беради; 2) ўз мулоҳазаларини асослай олади, амалиётда билимларни қўллай олади, нафақат дарслик бўйича, балки мустақил тузилган зарур мисоллар келтира олади; 3) адабий тил нормаларини назардан материални кетма-кет ва тўғри баён қилади.
«4» баҳо	Жавоб «5» баҳога қўйилган талабларга мос келади, бироқ ўзи тўғрилаши мумкин бўлган 1-2 та хатога йўл қўяди.
«3» баҳо	Ўқувчилар берилган мавзуга оид асосий қоидаларни билиши ва тушунишини намойиш этади, бироқ: 1) материални тўлиқ баён қилмайди ва тушунчаларни аниқлашда ёки қоидаларни шакллантиришда ғализликка йўл қўяди; 2) ўз мулоҳазаларини етарлича кенг ва атрофли асослашни ҳамда ўз мисолларини беришни билмайди; материал кетма-кетлигини бузади ва баён қилинаётган материални тил тарафдан тузилишида хатоларга йўл қўяди.
«2» баҳо	Ўрганилаётган материалнинг тегишли бўлимининг катта қисмини билмаслигини намойиш этади, таърифлар ва қоидаларни ифодалашда уларнинг мазмунига путур етказадиган хатоларга йўл қўяди, материални тартибсиз баён қилади. «2» баҳоси ўқувчиларнинг кейинги материални муваффақиятли ўзлаштиришида бўладиган тайёргарлигига жиддий тўсқинлик қиладиган камчиликларни белгилайди.
«1» баҳо	Ўқувчилар материални тўлиқ билмаслиги ва тушунмаслигини намойиш этади.

Изоҳ. «5», «4», «3» баҳолари нафақат бир мартагина берган жавобига (ўқувчининг тайёрлигини текширишга маълум вақт ажратилса), балки белгиланган вақт мобайнида бўлган, яъни дарс давомида (ҳар бир дарсга балл чиқарилади) ўқувчи томонидан берилган жавоблар йиғиндисиغا ҳам қўйилиши мумкин. Бир шарт билан, агар дарс жараёнида нафақат ўқувчиларнинг жавоблари тингланган бўлса, балки билимларини амалда қўллаш малакаси текширилган бўлса ҳам қўйилади.


Айрим атамалар изохи

Ақлий ҳужум – Ижодий фаоллик ва самарадорликни рағбатлантирувчи усул. Муаммоларни олдиндан айтиш ва режалаштиришнинг технологик вазифаларини муҳокама қилишда қўлланилади. Ақлий ҳужум индивидуал, жуфтликда ва гуруҳда бўлиши мумкин.

Венн диаграммаси – икки айлана бир-бири билан кесишган схема. Айлана диаграмма. Унда ғоялар, ходисалар, исботлар бир-бирига таққосланади. Икки айлананинг кесишган жойи бўш туради. Шу жойга икки томонда қайд этилган ходиса, тушунча, далилларнинг умумийлари, яъни ўхшаш жиҳатлари ёзилади. Инглиз мантиқшуноси Джон Венн шарафига диаграмма Венн деб номланган. Индивидуал ва гуруҳда иш-лашда қўлланилади.

Кластер – ғояларни ифодалашдаги график ташкилотчи. Тартибсиз фикрлаш ишининг ақс этиши. Ҳар қандай мавзу юзасидан ғояларни тез ва эркин тўплашга ёрдам берадиган педагогик приём. Тез ғойиб бўладиган фикрларни тутиб қолиш имконини беради ва уни график кўринишда қоғозда тасвирлаш. Кластернинг хили ва имкониятлари турли-тумандир: «саволлар-кластери» (ғоялар ўрнига саволлар ёзилади), «топишмоқ кластери» (очиқ қолган доирачаларга етишмаётган тушунчалар ёки мавзу аниқланади ва ёзилади). Кластер оғзаки тақдимот ёки мавзу юзасидан қилинадиган барча иш турлари учун асос вазифасини бажаради.

Синквейн – Япон миниатюраларига хос бўлган шартли шеърини шакл. Ўрганилганларнинг катта ҳажмдаги, лекин қисқа хулосаси бешлик, ҳар бир қатори ўзининг махсус мазмуни ва қурилмасига эга. Синквейн схемаси: 1-қатор – мавзу бир дона от сўз туркуми ёки сўз бирикмаси 2-қатор – мавзунинг тасвирлаш мавзунинг очиб берадиган иккита сифат ёзилади. 3-қатор – мавзу ҳаракати. Учта феъл. Мавзуга мувофиқ ҳаракат бажарилади. 4-қатор – мавзуга муносабат билдириш. 4 та сўздан иборат гап. 5-қатор битта сўз – мавзуга синоним.



Флипчарт – ватман қоғоз, гуруҳдаги ёки жуфтликдаги тақдимот пайтида ўқувчилар маркер билан ёзган катта оқ ватман варағи.

Мундарижа

Кириш.....	3
Ўзбек тили ўқитишнинг умумдидактик ва ўзига хос принциплари....	4
Ресурсларни таъминлашга бўлган талаблар.....	6
Ўқув материалининг тахминий режаси.	
5-синфнинг календарь режаси.....	9
1.Таълимнинг кутилган натижалари ва индикаторлар.....	17
Кириш дарси.....	27
1-§. Тил билими ҳақида.	32
2-§. Ўзбек тилининг гўзал, ифодали ва эстетик имкониятлари.....	32
3-§. Китоб билан ишлаш маданияти.....	33
4-§. Нутқ шакллари. Оғзаки ва ёзма нутқ.....	35
5-§. Матн.....	36
6-7-§. Матн турлари: тасвир, ривоя, муҳокама матнлар ва уларнинг асосий хусусиятлари.....	37
8-9-§. Сўз бирикмаси	39
10-11-12-13-14-§. Гапнинг ифода мақсадига кўра турлари.....	42
15-§. Ҳис-ҳаяжон гаплар.....	45
16-§. Гап бўлаклари.....	46
17-18-§. Бош бўлақлар. Кесим. Эга.....	47
19-§. Гапнинг иккинчи даражали бўлаклари.	50
20 -§. Тўлдирувчи	50
21-22-§. Аниқловчи. Изоҳловчи.....	52
23-§. Ҳол.....	54

25-§. Уюшиқ бўлақлар.	56
26-§. Уюшиқ бўлақларда тиниш белгиларининг ишлатилиши	56
27-§. Ундалма ва унда тиниш белгиларнинг.....	58
28-§. Кириш сўзлар. Кириш сўзли гапларда тиниш белгилар.....	60
29-§. Гапнинг тузилиш жиҳатдан турлари. Содда ва қўшма гаплар.	62
30-§ Кўшма гапта тиниш белгилар.....	62
31-§. Кўчирма гап.....	65
32-§. Диалог ва унда тиниш белгиларининг қўлланиши.....	66
33-§. Нутқ товушлари ва уларнинг ҳосил бўлиши.....	68
34-§. Унли ва ундош товушлар.....	68
35-§. Жарангли ва жарангсиз ундошлар.....	70
36-§. Бўғин. Бўғин турлари.....	72
37-§. Урғу. Урғу турлари.....	72
38-§. Ёзувда товушларнинг белгилари. Алифбо.....	74
39-§. и ва у унлиларнинг айтилиши ва ёзилиши.....	75
40-§. а, о ва ў унлиларининг айтилиши ва ёзилиши.....	75
41-§. э унлисининг айтилиши ва ёзилиши.....	75
42-§. е, ё, ю, я ҳарфларининг ишлатилиши	77
43-§. Айрим ундош товушларнинг ёзувда ифодаланиши.....	77
44-§. Айириш ва юмшатиш белгиларининг ишлатилиши.....	79
45-§. Орфоэпия.....	81
46-§. Орфография.....	81
48-§. Сўз ва унинг лексик маъноси.....	83
50-§. Кўп маъноли ва бир маъноли сўзлар.....	86
51-§. Сўзнинг ўз ва кўчма маънолари.....	88
52-§. Омоним (шаклдош) сўзлар.....	88
53-§. Синоним сўзлар.....	91
54-§. Антоним (зид маъноли)лар.....	91

55-§. Паронимлар.....	94
56-§. Уядош сўзлар.....	95
57-§. Сўзлар таркиби.....	97
58-§. Кўшимчалар ва уларнинг турлари.....	98
59-§. Шакл ясовчи кўшимчалар.....	98
60-§. Сўз ясалиши. Сўз яшаш усуллари.....	100
61-§. Сўзларнинг тузилиши жиҳатидан турлари.....	102
62-§. Мустақил сўз туркумлари. От – сўз туркуми.....	103
63-§. Отларнинг маъно жиҳатдан турлари.....	105
64-§. Аниқ (конкрет) ва мавҳум (абстракт) отлар.....	105
65 -§. Якка ва жамловчи отлар (3 соат).....	105
66-§. Отларда сон.....	109
67-§. Отларда эгалик кўшимчалари ва уларнинг ёзилиши.....	110
69-§. Бош келишик.....	112
70-§. Қаратқич келишиги ва унинг ёзилиши.....	114
71-§. Тушум келишиги ва унинг ёзилиши.....	114
72-§. Жўналиш келишиги ва унинг ёзилиши.....	116
73-§. Ўрин-пайт келишиги ва унинг ёзилиши.....	117
74-§. Чиқиш келишиги ва унинг ёзилиши.....	119
75-§. Сифат. Сифатларнинг лексик ва грамматик маъноси.....	121
76-§. Аслий ва нисбий сифатлар.....	123
77-§. Сифат даражалари.....	124
78-§. Сифатларнинг тузилишига кўра турлари.....	126
79-§. Сифатларнинг отлашуви	127
80-§. Сифатларнинг ясалиши. Сифат ясовчи кўшимчалар ва уларнинг имлоси.....	128
81-§. Феъл – сўз туркуми.....	130
82-§ Феълнинг ноаниқ шакли.....	130

83-§. Бўлишли ва бўлишсиз феъллар.....	132
84-§. Феълларнинг тусланиши.....	134
85-§. Феъл замонлари (3 соат). Ўтган замон феъли.....	135
86-§. Ҳозирги замон феъли.....	135
87-§. Келаси замон феъли.....	135
88-§. Феълларнинг ясалиши.....	137
Илова.....	140
Айрим атамалар изоҳи.....	153

Муяссар Мирзахидова

ЎЗБЕК ТИЛИ

5-синф

Ўқитувчилар учун методик қўлланма

Бош муҳаррир: *А. Ўринбоев*

Тех. муҳаррир: *М. Ахмедов*

Мусахҳих: *М. Халмуратова*

Саҳифаловчи: *М. Болтабаева*

Босишга рухсат этилди 11.04.2018 й.

Формат 60x84 ¹/₁₆, Uzb_Times New Roman гарнитураси.

Ҳажми 10,0 босма тобоқ. Буюртма № 229. Адади 460 нусхада.

Нашриёт тайёргарлиги
МЧЖ «Аркус нашриёти» томонидан амалга оширилди
720016, Қирғизистон Республикаси, Бишкек ш., Самойленко кўчаси 7 В

